ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР
ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА
ИННОВАЦИЯ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

# КЕЙС-СТАДИ ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЎПЛАМИ

ТОШКЕНТ - 2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

# КЕЙС-СТАДИ ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЎПЛАМИ

ТОШКЕНТ - 2013

**Тузувчилар:** Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами. Методик қўлланма / Серия "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида инновацион технологиялар". – Т.: ТДИУ, 2013. – 95 бет.

ТДИУ Илмий Кенгашининг 30 август 2013 йил 1-сон қарори билан нашрга тавсия этилди.

*Ғоя муаллифи: иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Ю.Ходиев*

**Тақризчилар:**
ТДИУ академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор, иқтисод фанлари номзоди, доцент И. Ахмедов.
ТДИУ "Иқтисодий педагогика" кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, доцент М.К. Ҳакимова.

Ушбу нашр ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги кейс-стади ўқитиш технологияси бўйича методик қўлланмадир. Қўлланмада ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги кейс-стади ўқитиш технологиясидан намуналар келтирилган.

Қўлланма ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ҳамда педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими тингловчилари учун мўлжалланган.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2013, Иқтисодиёт, 2013.

**МУНДАРИЖА**

**СЎЗ БОШИ...................................................................................... 5**

**I-ҚИСМ. КЕЙС-СТАДИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИГА КИРИШ.... 6**

**1.1. Кейс-стади технологиясига кириш............................................. 7**

**1.2. Кейс-стади типологияси............................................................ 7**

**1.3. Кейс-стадига асосланган ўкув машғулотининг технологик чизмаси............................................................................................ 8**

**II-ҚИСМ. ТРЕНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН КЕЙС-СТАДИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ............ 11**

**2.1. Мураббийлик соати учун "Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши ғоявий курашиш" мавзуси бўйича кейс-стади.** ***Ганиева М.А.*[1]*, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, "Фалсафа" кафедраси*****...................................................................... 12**

**2.2. "Кинология хизмати асослари" фанидан "Хизмат итларида шартли рефлексларни ҳосил қилиш муаммолари ва унинг ечими" мавзуси бўйича кейс-стади.** ***Қаршиев Ҳ., Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи*****...................................................................... 24**

**2.3. "Умумий биология курси" фанидан "Одам ривожланишида биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ва ундаги муаммолар" мавзуси бўйича кейс-стади.** ***Офтобхўжаева Ҳ., Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтидорли болалар академик лицей*****...................................... 32**

**2.4."Информатика ва ахборот технологиялари" фанидан "Антивируслар билан ишлаш қоидалари, компьютер вируслардан сақланиш" мавзуси бўйича кейс-стади.** ***Халикова М., Сиддиқова С.Ғ., Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ва Бухоро нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежи*****...................................................................... 49**

**2.5. "Физика" фанидан "Анъанавий ва ноанъанавий энергетик ресурслардан фойдаланиш муаммолари ва уларнинг ечими" мавзуси 60**

---

[1] Ушбу кейс-стади ўқитиш технологияси кейс-стади билан ишлашни ўрганувчи ўқитувчи, талаба ва ўқувчиларнинг тренинглари учун ишлаб чиқилган

бўйича кейс-стади.
*Нарзуллаев Н., Бухоро давлат техника университети қошидаги 1-сон академик лицей*.................................................................................................
**2.6. “Ona tili va adabiyot” fanidan “Adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik sabablari va oqibatlari ” mavzusi bo’yicha keys-stadi.** 70
*Nabiyeva M., Tayloq maishiy xizmat kasb-hunar kolleji*.................................

**2.7. “Руухыйтык тийкарлары” фанидан “Виртуал дуньяныи реал омирге кери тасири” мавзуси бўйича кейс-стади.** 77
*Аманбаева Г. Т., Шымбай педагогика колледжи*..........................................

**2.8. “Миллий ғоя” фанидан “Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш”мавзуси бўйича кейс – стади.** 85
*Сафарова Ф., Андижон миллий ҳунардмандчилик ва ижтимоий иқтисодиёт коллежи*....................................................................................

# СЎЗ БОШИ

Бугун мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, ўсиб келаётган фарзандларимизга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, таълим бериш борасида ижобий натижаларга эришиб келмоқда.

Истиклол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ёркин самараларини берди. Шу билан бирга, эртанги кунимизни янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратиш, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиришга қурби-қудрати етадиган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук ва баркамол, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол топтириш, бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган баркамол авлодни тарбиялашни давр тақозо этади.

Таълим жараёнларини замонавийлаштириш жаҳон талабларига мос мутахассисларни тайёрлаш, таълим бериш жараёнида таълим олувчини ўз ортидан эргаштира олиш учун ўқитувчига қандай ёрдам бериш керак?

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги ***“Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”***ги ПҚ-1761-сон қарори қабул қилиндики, унда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари педагог кадрларни замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илғор педагогик технологияларни эгаллашлари учун тегишли шароитлар яратиш, уларда интерфаол таълим услубларини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича тўпланган илғор тажрибаларини оммалаштиришни таъминлаш мақсадида “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассаслари педагог кадрлари учун таълим жараёнига илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш” мавзусида 2012 йил октябрь-декабрь ва 2013 йил июль-август ойиларидан семинар-тренинглар ташкил этилди.

Тўпламдаги кейс-стади ўқитиш технологиялари мукаммалликдан йироқдир, чунки ўқитувчилар кейс-стади ўқитиш технологияларини яратиш бўйича илк қадам ташладилар.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм кейс-стади ўқитиш технологияси ҳақида умумий тушунчаларни ўз ичига олса, иккинчи қисм эса тренинг иштирокчилари томонидан ишлаб чиқилган ўқув машғулотларида кейс-стади ўқитиш технологиялари тақдим этилган.

Ушбу методик қўлланмада семинар тренинглар натижаси сифатида, замонавий ўқитиш воситаларининг кейс-стади ўқитиш технологияларидан энг яхши ишланмалар тақдим этилди. Мазкур қўлланма кейс-стади ўқитиш тажрибасини амалий жиҳатдан ўзлаштиришни мақсад қилганлар учун асосий методик кўрсатма ҳисобланади.

# I-ҚИСМ. КЕЙС-СТАДИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИГА КИРИШ



**1.1. Кейс: умумий тушунча.**

**1.2. Кейс-стади типологияси.**

**1.3. Кейс-стадига асосланган ўқув машғулотининг технологик чизмаси.**

## 1.1. Кейс: умумий тушунча

**Кейс-стади** (инглизча case – вазият, ҳолат, study -ўрганиш). Кейс-стадида баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган *ўқитиш усули*дир.

**Кейс-стади** - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган *ўқитиш технологияси*дир.

## 1.2. Кейс-стади типологияси

| Типологик белгилари | Кейс-стади тури |
|---|---|
| Асосий манбалари | 1. Даладаги<br>2. Кабинетдаги |
| Сюжет мавжудлиги | 1. Сюжетли<br>2. Сюжетсиз |
| Ҳажми | 1. Қисқа (лўнда)<br>2. Ўртача миқдордаги<br>3. Катта (узун) |
| Ўқув топшириғини тақдим этиш усули | 1. Саволли<br>2. Кейс-стади топшириқ |
| Дидактик мақсадлари | 1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш<br>2. Тренингли, ўқув мавзуи/предмети бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган<br>3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи<br>4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи<br>5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янгича баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи |
| Расмийлаштириш усули | 1. Босма<br>2. Электрон<br>3. Видео-Кейс-стади<br>4. Аудио-Кейс-стади<br>5. Мультимедиа-Кейс-стади |

## 1.3. Кейс-стадига асосланган ўқув машғулотининг технологик чизмаси

**1-вариант (кейс-стади саволли)**

*Кейс билан ишлашга 1 та ўқув машғулоти ажратилган. Кейс кичик ёки ўртача ўлчамли.*

Билимларни фаоллаштириш (блиц-сўров, ўйланг-жуфтликка бўлининг-фикр алмашинг, аукцион)

↓

Кейс-стадига кириш

↓

Кейс-стади билан таништириш

↓

Кейс-стади билан якка тартибда ишлашни ташкил қилиш (Ўқув топшириғини тарқатиш, йўриқнома бериш).

↓

Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш (мунозара – унинг тузилиши кейс оҳирида келтирилган саволлар билан белгиланади, - муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш, бундай амалий вазиятдаги фаолият бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган)

↓

Ўқитувчи резюмеси

↓

Талабаларнинг ўқув ютуқларини баҳолаш

***2-вариант (кейс-стади саволли)***

***Кейс билан ишлашга 1 та ўқув машғулоти ажратилган. Кейс ўлчами унчалик катта эмас.***

Билимларни фаоллаштириш (блиц-сўров, ўйланг-жуфтликка бўлининг-фикр алмашинг, аукцион)

↓

Кейс-стадига кириш

↓

Кейс-стади билан таништириш

↓

Кейс-стади билан якка тартибда ишлашни ташкил қилиш (Ўқув топшириғини тарқатиш, йўриқнома бериш)

↓

Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш (мунозара – унинг тузилиши кейс оҳирида келтирилган саволлар билан белгиланади, - муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш, бундай амалий вазиятдаги фаолият бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилган)

↓

Ўқитувчи резюмеси

↓

Талабаларнинг ўқув ютуқларини баҳолаш

***3-вариант (кейс-стади-топширик)***

***Кейс-стади билан ишлашга 1 та ўқув машғулоти ажратилган. Кейс-стади ўртача ўлчамли***

Билимларни фаоллаштириш (блиц-сўров, ўйланг-жуфтликка бўлининг-фикр алмашинг, аукцион)

↓

Кейс-стадига кириш

↓

Кейс-стади билан таништириш

↓

Кейсни кичик гуруҳларда ечиш (ўқув топшириқни бажариш, гуруҳ иши наатижаларини тақдимотга тайёрлаш)

↓

Тақдимот

↓

Муаммоли вазиятни тақдим этилган ечим вариантларини жамоавий тарзда муҳокама қилиш

↓

Гуруҳ ишини ўзаро баҳолаш

↓

Ўқитувчи резюмеси

↓

Талабаларнинг ўқув ютуқларини баҳолаш

# II-қисм. Тренинг иштирокчилари томонидан ишлаб чиқилган кейс-стади ўқитиш технологиялари



| 2.1 | **Мураббийлик соати учун "Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши ғоявий курашиш" мавзуси бўйича кейс-стади.** *Ганиева М.А., Тошкент давлат иқтисодиёт университети, "Фалсафа" кафедраси* |
|---|---|

## I. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Ўқув предмети:** Мураббийлик соати.

**Мавзу:** Маънавий баркамол инсон тушунчаси ва унинг шарқона таърифи.

**Кейс-стадининг асосий мақсади:**

Маънавий баркамоллик - инсонларнинг чуқур ва замонавий билимга, кенг дунёқарашга, мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлиши, унинг юксак маънавий камолот соҳиби бўлишининг асосий шарти эканлиги, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар борлигини кўрсатиб бериш ҳамда таҳлил қилиш, уларнинг олдини олиш бўйича чора – тадбирларни ишлаб чиқиш.

**Ўқув фаолиятидан кутиладиган натижалар:**маънавий баркамол инсонларнинг миллат, мамлакат ва умуминсоният олдида турган улкан вазифаларини кўрсатиб бериш; маънавий баркамол инсонни тарбиялаш заруатининг ошиб бориш сабабларини санаб бериш; маънавий баркамол ва комил инсоннинг ақлий, ахлоқий, маънавий фазилатларини ёритиб бериш; муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллаш; муаммони аниклаб, уни ҳал қилишда ечим топиш.

**Ушбу кейс-стадини муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:**

*Ўқувчи билиши керак:* маънавият, маънавий баркамол инсон, комил инсон, дунёқараш, эгоцентризм, "оммавий маданият", миллий мафкура, ғурур ва ор – номус, виждон, масъулият, бурч, худбинлик.

*Ўқувчи амалга ошириши керак:* мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқаради; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди; маълумотларни таққослайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

*Ўқувчи эга бўлмоғи керак:*коммуникатив кўникмаларга; тақдимот кўникмаларига; ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига; муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига.

**Ахборот олиш манбалари рўйхати:**

1. Қуронов М. Эгоцентризм – ёввойилик фалсафаси. Халқ сўзи, 2006 йил 11 октябрь.

2. Михлиев Р. Оммавий маданият – маънавият кушандаси. Халқ сўзи, 2008 йил 23 январь.

**Технологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кейс-стадининг тавсифномаси:**

Ушбу кейс-стадининг асосий манбаи кабинетли, лавҳасиз бўлиб, вазият даврий кетма – кетликда ўтмишдан бугунги кун тартибида баён этилган. Кейс-стадининг асосий объекти шахсга йўналтирилгандир. Бу ташкилий институционал кейс-стади бўлиб, маълумотлар вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, тренингга мўлжалланган ўкув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс-стади муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

Ушбу кейс-стадидан "Маънавият асослари" ва "Миллий истиқлол ғояси" фанларида фойдаланиш мумкин.

## II.Кейс-стади:

## "Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши ғоявий курашиш"

**Кириш.** Маънавий таҳдидларга қарши кураш давлатнинг, бирор бир ижтимоий уюшманинг иши бўлмай, ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бепарволик ва лоқайдлик ўз манфаатини жамоат манфаатидан устун қўйишдан, худбинликдан, келажак ҳақида қайғурмасликдан, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ишонмасликдан, қўрқоқликдан келиб чиқади. Жамият келажагини ўйлайдиган инсон ҳеч қачон теварак-атрофидаги ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмайди. Зарарли, ёт жараёнларни фош қилади, уларга қарши фидойилик билан курашади. Шунинг учун И.Каримов бу масалани алоҳида таъкидлайди: "Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзи бўларлиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади"[2].

Қуйидаги кейс-стади - маънавий баркамол ва комил инсоннинг ақлий, ахлоқий, маънавий фазилатлари юксак бўлиши, кишиларнинг чуқур ва замонавий билим, кенг дунёқараши, мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлиши, унинг юксак маънавий камолот соҳиби бўлишининг асосий шакли – юксак маънавиятнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб беришга, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ва уларнинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқишга имкон яратади. ***Кейс-стадидаги асосий муаммо м***аънавий баркамол авлодни тарбиялашдаги зиддиятлар ва уларнинг ечимидир.

### Бепарволик ва лоқайдликка йўл қўймаслик, ҳушёрлик ва жонкуярлик[3]

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари офатларни кўпчилик "яхши" билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган,

---

[2]КаримовИ.А.Юксак маънавият - енгилмас куч. Маънавият-Т.: 2008

[3] Қуронов М. Эгоцентризм – ёввойилик фалсафаси. Халқ сўзи, 2006 йил 11 октябрь., Михлиев Р. Оммавий маданият – маънавият кушандаси. Халқ сўзи, 2008 йил 23 январь.

ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир.

"Менга нима" деб қараш, лоқайдлик, беписандлик, ўзини, ўз манфаатини ҳаммадан устун қўйиш, худбинлик, ҳамма нарсалар менинг ҳузур-ҳаловатимга хизмат қилиши керак, дейиш, шухратпарастлик, кибр, маҳмадоналик, тажанглик, бировни эшита билмаслик, хатосини тан олмаслик, совуққонлик, танқидга чидамсизлик – эгоцентризм дардига дучор бўлган одамнинг белгилари.

Масалан, икки нафар ўсмир маҳалламизда сигарет чекиб турибди. Илгари буни кўриб, "Ие. Нега чекади-я бу болалар", деб, танбеҳ берардик. Бугун эса тўхтаб, гапиришга иродамиз етмайди. Ичимиздаги худбинлик "Нима қиламан кайфиятимни бузиб. Қўй, индама, менга нима, болага ота-она тарбия берсин", - деб, бепарволик билан ўтиб кетамиз. Орадан маълум бир вақт ўтгач маҳаллада сигарет чекиб турган болаларнинг сони кўпая бошлади. Виждонимиз қийналиб, болаларга танбеҳ беришга яна ҳаракат қилдик. Ҳозирги ўсмирлар ҳам анойи эмас. Бетга чопарлиги бор. "Нима ишингиз бор. Амакиммисиз, ҳоламмисиз", дейди. Биз эса, "менга нима", – деб йўлимизни давом эттирамиз. Чунки ишларимиз жуда кўп, қаергадир шошиляпмиз. Бизнинг гапларимиз ўспирин болаларга ёқмайди. Маълум бир вақт ўтгач, ўспирин болалар секин-аста гиёҳванд модда истемол қила бошлашди. Маҳаллада бирин-кетин аянчли фожеалар рўй бера бошлади. Ўғирлик, муштлашишлар, зўравонлик, тартибсизлик... Қаердан келди бу иллат? Ким айбдор? Қўшни хонадонда истиқомат қилаётган бола гиёҳванд моддани меъёрдан кўпроқ истеъмол қилганлиги туфайли оламдан ўтди. Орадан яна бир неча кундан сўнг яна фалокат. Қўшни аёлнинг фарзанди муштлашиб, оғир жароҳат олибди. Энди маҳалладошлар инсонийлик ва одамгарчилик ҳақида қайғуриб, қўшнилардан кўнгил сўрашга киришишибди.

Одам қандай қилиб эгоцентрист бўлиб қолади? Ота-онанинг педагог дастидан. Қандай қилиб? Ота-она ўзлари туққан боласини еру жаҳонга ишонмай бу дунёнинг марказига айлантириб оладилар. Болага буни (дунёнинг маркази бўлишни) ўргатишади. Бола нима қилсин? Ўрганади. Бундай ота-оналар тарбиясида:"Фақат менинг боламга "яхши" бўлиши керак. Болам бахтли бўлиши керак" деган тамойилга амал қиладилар ва ... қаттиқ адашадилар.

Боласининг истаган, ҳатто истамаган, сўрамаган нарсаларни ҳам уюб ташлашади. Меҳнатни, бировга ғамхўрликни, бошқалар ҳам худди ўзи каби одам эканлиги, уларнинг ҳам ҳурмати, манфаатлари борлигини эслатмайдилар.

Бола боғчасига боради. Ўзидек болалар билан биринчи учрашув. Бошқалардан ота-онасиникичалик ғамхўрликни кутади. Кўрмагач талаб қилади. Биринчи учрашув – жамоа билан биринчи тўқнашувга айланди. Йиғлайди.

Мактабда муомала, муроса, бурчни билмайди. Масъулиятсиз. Жон куйдирмайди. Ота-она буни қўллаб-қувватлайди. Бошқа мактабга кўчиради. "катта бўлса ҳаммаси жойига тушиб кетади", - деб ўзларини алдайдилар. У

катта бўлади. Унга қўшилиб талаблари, ишёқмаслик, масъулиятсизлик, бошқаларга иддаолари, иллатлари ҳам вояга етади. Кучга киради.

Ота-онанинг белидан кучи, чўнтагидан барака кетади. Энди бефойда, кераксиз одамларга айланиб қоладилар.

Худбин йигит энди жамоавийлик, кўпчилик бўлиб яшаш тартиб-қоидаларига, бурчларига тўқнашади. Биринчи тўқнашувдаёқ енгилади. “Мен “яхши” – ҳамма ёмон” деган қулай ёлғон қобиғига уй қуриб, яшай бошлайди. Шундай қилиб, ота-онанинг, кишиларнинг лоқайдлиги жамиятдан, ҳаётдан асоссиз норози эгоцетристларни пайдо қилади. Маънавий қаровсизлик, бурчсизлик ўсмирни гиёҳвандларга, жиноятчиларга, ким мўмай пул ваъда қилса, ўшаларга топширади.

Шу тарика, эгоцентрист-худбинлар жабрини биринчи – уларнинг ота-оналари тортади. Кейин бошқалар. Чунки тушунтириб, одамларга “яхши”лик қилиш керак десангиз, “бунинг томи кетибди”,- деб ўйлайди. “Ватанга нима бердинг?” десангиз, у: “Ватаним менга нима берди?”, - дейди ўкрайиб. Чунки у туғилгани, яшаётгани борлиги учун ҳамма унга нимадир бериши керак. У эса ҳеч кимга ҳеч нарса бермаслиги керак. У сизга “фойдаланса бўладиган ё бўлмайдиган нарса”, - деб қарайди. Бизларни бу кўйга тушишдан Худонинг ўзи асрасин.

Боболаримиз: “Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она” деган, шунга амал қилган. Кўраяпсизми? Лекин нега биз боболар удумига амал қилмадик? Авлодлар ҳақида қайғурмадик. Бошимизга обдан бирин-кетин кулфатлар тушгандан кейингина одамийлик ва инсонпарварлик ҳақида ўйлай бошладик?

**Саволлар:**

1. Сизнинг фикрингизча ушбу мақолада муаллиф қандай муаммони кўтариб чиққан?
2. Мақолада муаммони тасдиқловчи қандай далиллар мавжуд?
3. Вазиятдаги бепарволик, лоқайдлик туфайли вужудга келган салбий иллатларни ажратиб олинг ҳамда ушбу муаммонинг келиб чиқиш сабаби нимада деб уйлайсиз?
4. Муаллиф ўз мақоласида муаммони олдини олдиш йўлларини қандай баён этган?
5. Сизнинг фикрингизча ушбу муаммони қандай ечиш мумкин?

## Ш. Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик кўрсатмалар

### Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1.Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2.Биринчи саволга жавоб беринг.

3.Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

“Д” ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,

"С" ҳарфи – муаммо сабабларини,

"О.О.Й." ҳарфлари – муаммони олдини олиш йўллари.

4.Ушбу белгилар 2,3,4 саволларга ечим топишга ёрдам беради.

5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

**Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома**

1.Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.

2 Гуруҳ сардорини танланг.

3. Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг

**Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали**

| Муаммони тасдиқловчи далиллари | Муаммони келиб чиқиш сабаблари | Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим | Гуруҳ ечими |
|---|---|---|---|
| | | | |

4.Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

**Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| Ўқувчилар рўйхати | Асосий муаммоажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган макс. 6 б | Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 б | Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган макс. 10 б | Жами макс.20 б |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

**Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| Гуруҳлар рўйхати | Гуруҳ фаол макс. 1 б | Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс.4 б | Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс.5 б | Жами макс.10 б |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

8-10 балл – "аъло", 6- 8 балл – "яхши", 4- 6 балл – "қониқарли", 0 -4 балл – "қониқарсиз".

## IV. Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианти

***Кейс-стадидаги асосий муаммо***

Маънавий баркамол авлодни тарбиялашдаги зиддиятлар ва уларнинг ечими.

***Муаммони тасдиқловчи далиллар***

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Мазкур ҳолатда қабул қилиниши мумкин бўлган муаммонинг барча далилларини топамиз:

- Эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафаси.

• Лоқайдлик, яъни атрофимизда бўлаётган улуғ, эртага ўзбек номи-ни оламга достон қиладиган, тарихий ишларни сезмаслик.

• Маънавий ва ахлоқий қашшоқлик.

***Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари:***

• Эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуктаи назаридан бу иллат жаҳолат ақидапарастликдан асло қолишмайди.

• "Менга нима" деб қараш, лоқайдлик, беписандлик, ўзини, ўз манфаатини ҳаммадан устун қўйиш, худбинлик, ҳамма, ҳамма нарсалар менинг хузур-ҳаловатимга хизмат қилиши керак, дейиш, шуҳратпарастлик, кибр, махмадоналик, тажанглик, бировни эшита билмаслик, хатосини тан олмаслик, совуққонлик, танқидга чидамсизлик – эгоцентризм дардига дучор бўлган одамнинг белгилари.

• Эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фасафаси, лоқайдсизлик, маънавий ва ахлоқий қашшоқлик биз олдимизга қўйган мақсадларга зиддир. Улар жамият ривожига катта тўсқинлик қилади.

***Муаллиф ўз мақоласида муаммони олдини олдиш қуйидаги йўлларини кўрсатиб берган:***

Эгоцентрист-худбинлар жабрини биринчи – уларнинг ота-оналари тортади. Кейин бошқалар. Чунки тушунтириб, одамларга "яхши"лик қилиш керак десангиз, "бунинг томи кетибди",- деб ўйлайди. "Ватанга нима бердинг?" десангиз, у: "Ватаним менга нима берди?", - дейди ўкрайиб. Чунки у туғилгани, яшаётгани борлиги учун ҳамма унга нимадир бериши керак. У эса ҳеч кимга ҳеч нарса бермаслиги керак. У сизга "фойдаланса бўладиган ё бўлмайдиган нарса", - деб қарайди. Бизларни бу кўйга тушишдан Худонинг ўзи асрасин.

Боболаримиз: "Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она" деган, шунга амал қилган. Кўраяпсизми? Лекин нега биз боболар удумига амал қилмадик? Авлодлар ҳақида кайғурмадик. Бошимизга обдан бирин-кетин кулфатлар тушгандан кейингина одамийлик ва инсонпарварлик ҳақида ўйлай бошладик?

***Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари:***

• 3000 йиллик тарихимизда тўпланган ўзбек мақоллари фарзандларимизни эгоцентризмдан ҳимоя қилишга, бирлашишга чорлаяпти.

• Худбинлик, эгоцентризмни қоралаяти. Шу сабабли: ҳар бир инсон маънавий баркамоллик даражасига интилсин; ўз ҳақ-ҳуқуқуни танийдиган бўлсин, бунинг учун кўрашсин; ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин; атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин; шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин.

• Маънавий баркамол инсонлар жамиятни маънавий қашшоқликдан қутқаради. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг: "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир", деган ўгитига амал қилишимиз зарур. Эндиликда, маънавий ва маърифий тарбия мустақил давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки тараққиёт

тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Бутун маънавий ва маърифий тарбия ишимизни шу қоидага асосланиб қурмоғимиз, замон, мустақил тараққиётимиз, талабидир.

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолати аниклангандан сўнг, муаммонинг асосий қирраларига эътибор қаратиб, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олиб, "Т - схема" жадвалини тўлдирамиз.

| Қандай инсонни биз маънавий баркамол ва комил инсон деб ҳисоблаймиз? | Қандай инсонни эса маънавий қашшоқ инсон деб ҳисоблаймиз? |
|---|---|
| • аънавий баркамол инсон шон-шухрат, мансаб, моддий бойлик кетидан кувмайди;<br>• моддий қийинчиликларга дуч келганда қадди бўкилмайди;<br>• баъзан уюштирилган тухмату-фитналар унинг руҳини тушира олмайди;<br>• ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард, маънавий баркамол инсон маънавиятини бўза олмайди, балки мустаҳкамлайди, чиниқтиради;<br>• юксак даражадаги маънавиятга эга инсон - фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аждодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради | • инсоннинг инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий - ахлоқий жиҳатдан баркамоллиги, поклиги билан белгиланади худббин, бойлик кетидан қувган;<br>• енгил елпи ҳаёт кечираётган;<br>• миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган;<br>• тубан, лоқайд, манқурт инсонлар;<br>• кишиларда миллий ғурур ҳам, миллат билан фахрланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам бўлмайдиган;<br>ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган, қадрламаган инсон |

**Якуний хулоса**

Мустақиллик руҳида янгича фикрлайдиган фозил, маънавий баркамол ва комил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини "аъло" даражада ҳис этадитган шахс бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, ҳар қайси маънавий баркамол ва комил инсон, ҳар биримиз: "Шу давлат, шу жамият менга нима берди?" деб эмас, балки: "Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?" деб ўйлашимиз ва ҳар дам шу ақида билан яшашимиз керак.

**V. Кейс-стади ўқитиш технологияси**

Ўқув машғулотининг технологияси модели

| | |
|---|---|
| *Мураббийлик соати мавзуси* | Маънавий таҳдидлар ва уларга қарши ғоявий курашиш |
| *Ўқувчилар сони: 21* | *2 соат* |
| *Ўқув машғулоти шакли* | Билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган амалий |

| | |
|---|---|
| | машғулот |
| *Мураббийлик соати режаси* | 1. Кейс-стади мазмунига кириш.<br>2. Ўқувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида “Блиц - сўров” ўтказиш.<br>3. Кейс-стади мазмуни билан танишиш ва якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.<br>4. “Кейс-стади”ни гурухларда ечиш.<br>5. Натижалар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш.<br>6. Муҳокама этилаётган муаммони “Т-схема” жадвали асосида таҳлил этиш.<br>7. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра ўқувчилар фаолиятини баҳолаш |
| *Машғулотнинг мақсади:* Ёшларни миллий табиатимизга ёт ва зарарли бўлган таъсирлардан ҳимоя қилиш, уларни ҳаётга, ён-атрофда юз бераётган воқеа ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, мустақил фикрлайдиган, иймон-эътиқодли, баркамол инсонларни тарбиялаш | |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолияти натижалари:.* |
| • кейс-стади мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади; | • кейс-стади мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради; |
| • “Бепарволик ва лоқайдликка йўл қўймаслик, ҳушёрлик ва жонкуярлик” муаммосига оид вазият билан таништиради; | • “Бепарволик ва лоқайдликка йўл қўймаслик, ҳушёрлик ва жонкуярлик” муаммосини ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетма – кетлигини аниқлайди; |
| • муаммони ажратиб олишга ўргатади, таққослашга, таҳлил қилишга умумлаштиришга кўмак беради; | • муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; |
| • муаммони ҳал этиш бўйича аниқ ҳаракатлар кетма-кетлигини тушунтириб беради; | • муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади; |
| • муаммоли вазифаларни ечишга шарт-шароит яратади, мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради | • якуний мантиқий хулосалар чиқаради. |
| *Ўқитиш методлари* | Кейс-стади, ақлий ҳужум, инсерт, мунозара, амалий усул |
| *Ўқитиш воситалари* | Ўқув материали, ўқувчига услубий кўрсатмалар, тақдимот, флипчарт |
| *Ўқитиш шакллари* | Индивидуал, фронтал, жамоа, гурухларда ишлаш |

| | |
|---|---|
| *Ўқитиш шарт-шароитлари* | Гурухларда ишлашга мўлжалланган, аудитория |
| *Қайтар алоқа усул ва воситалари* | Блиц-сўров, тақдимот, кузатув |

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси

| *Иш жараёнлари вақти* | *Фаолиятнинг мазмуни* | |
|---|---|---|
| | *ўқитувчи* | *ўқувчи* |
| I - босқич. Мавзуга кириш (10 дақиқа) | ***Ташкилий бошланиш.***<br>1.1.Ўқувчилар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади.<br>***Кейс-стадига кириш.***<br>1.2.Кейс-стади мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва аҳамиятига тўхталиб ўтади.<br>1.3. Семинарда ишлаш тартиби ва баҳолаш мезонлари билан таништиради. | Тинглайдилар<br><br>Танишадилар<br>Ёзиб оладилар. |
| II - босқич. Асосий (60 дақиқа) | ***Ўқувчилар билимини фаоллаштириш.***<br>2.1. Мавзу бўйича таълим олувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказади (1-илова).<br>***Кейс-стади мазмуни билан танишиш.***<br>2.2. Кейс-стади мазмуни билан танишиб чиқиш учун ўқувчиларга материалларни тарқатиб чиқади. Уларга кейс-стади материалларини тарқатади.<br>***Кейс-стади билан якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.***<br>2.3. Кейсни ечишда “Кейс-стади” вазифаси ва унинг жамият тараққиёти ривожланишига асос бўлувчи маънавий баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрнини аниқлаш ва кейс вазиятни мустақил тахлил қилиш учун йўриқнома беради.<br>2.4. Кейс-стадида бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс-стади билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади.<br>2.5. Мустақил равишда вазиятни индивидуал таҳлил қилишни таклиф қилади.<br>***Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш.***<br>2.6.Ўқувчиларни 3 ёки 4 та кичик гуруҳларга ажратади. Кейс билан индивидуал тарзда | Муҳокама қиладилар<br><br>Вазиятни мустақил равишда таҳлил қиладилар<br><br>Гуруҳларга ажралади, ёзиб оладилар, |

| | | |
|---|---|---|
| | ишлаш натижаларини мини гуруҳларда мухокамасини ташкил қилади.<br>2.7.Берилган топшириқни қай даражада тушунганлигини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказади.<br>2.8.Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб, вазиятни кичик гуруҳларда жамоавий “Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали” усулидан фойдаланилган ҳолда ечишни таклиф қилади.<br>2.9. Кичик гурухларда кейс-стади билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради. Гурухларга топшириқни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.<br>2.10. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтка-зишда ёрдам беради, изоҳ беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилиши қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди.<br>2.11. Ўқувчиларнинг фикрларини умумлаш-тириб бўлгач, ўқитувчи “Т – схема” жадвалидан фойдаланилган ҳолда “Қандай инсонни биз маънавий баркамол ва комил инсон деб ҳисоблаймиз?”, “Қандай инсонни эса маънавий қашшоқ инсон деб ҳисоблаймиз?” – деб савол билан мурожаат қилади.<br>2.12. Ўқувчиларнинг тақдимотда кўрсатилган фикрларини умумлаштиради | **топшириқлар устида ишлайдилар.**<br><br>**Фаол қатнашадилар**<br><br>**Жамоа бўлиб бажарилган ишнинг тақ-димотини ўтказади-лар, бахс-мунозара юритадилар, қўшимчалар қиладилар, баҳолайдилар, хулоса чиқарадилар**<br>**Тинглайдилар.**<br>**Гуруҳларда берилган топшириқни бажарадилар.**<br>**Тақдимотини ўтказадилар.**<br>**Мавзу бўйича якуний хулоса чиқарадилар**<br><br>**Тинглайдилар** |

| | | |
|---|---|---|
| III - босқич. Якуний (10 дақиқа) | ***Якуний умумий хулоса.***<br>3.1. Иш якунларини чиқаради. Бугунги мавзу долзарб эканлигига тўхталиб ўтади. Маънавий баркамол ва комил инсон – миллий ва умуминсоний маънавий қадриятларни чуқур эгаллаган ва унга амал қилган, адабиёт, санъат, фалсафа, ҳуқуққа доир чуқур билимга эга бўлган, жамиятда мавжуд барча қонун-қоидаларни, ахлоқ нормаларини мукаммал ўзлаштирган, диний билимларни чуқур ўзлаштирган, унга тўла амал қиладиган, ўз касбини "яхши" эгаллаган, маънавий жиҳатдан етук шахсдир. Шу сабабли ҳар бир инсон маънавий етуклик даражасига интилиши, олган билимларини амалиётда татбиқ этишлари лозим эканлигини таъкидлайди. Фаол ўқувчиларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради<br>3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изоҳ беради. Яна бир бор "Кейс-стади"нинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтади | Эшитади.<br><br>Аниқлайди<br>Тинглайдилар |

1-Илова

**Блиц-сўров савол ва жавоблари**

| № | *Савол* | *Жавоб* |
|---|---|---|
| 1. | Маънавий баркамол инсоннинг фазилатларини санаб беринг | Ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўзга инсонларни қадрлай билиши, инсон зотини улуғлай билиши, инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштиришга интилиш, ички ва ташқи дунёсининг бирлиги, соғлом фикри ва оқилона сўзининг бирлиги, дили ва тилининг бирлиги |
| 2. | Комил инсоннинг фазилатларини санаб беринг | Онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли киши, одамзод орзу қилган жамики эзгу хислатларнинг ифодачиси |
| 3. | Эгоцентризм нима? | Эгоцентризм худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмасликни билдиради. Инсониятга етказадиган зарари нуқтаи назаридан бу иллат жаҳолат ақидапарастликдан асло қолишмайди. |
| 4. | "Оммавий маданият" деганда нимани тушунасиз? | "Оммавий маданият" Ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Уни Ғарбда "популяр" ёки қисқартирилган холда, "поп-культура" (яъни, "оммавий маданият") деб аташади. Мутахассислар (файласуф ва сотциолог олимлар)нинг фикрича, ҳали |

| | | |
|---|---|---|
| | | илм-фанда “антикультура” (“айримаданият”) деган илмий тушунча шаклланмаганлиги учун “Поп (оммавий) маданият” тушунчаси, ночорликдан қўлланилмоқда. Чунки, “оммавий маданият”, аслида маданиятсизлик, яъни маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик синонимидир |
| 5. | Мустақиллик тафаккури деганда нимани тушунасиз? | Ватан истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш, халқи, юрти, қадр-қиммати, ор-номусини англаш ва буни ҳимоя қилиш, бутун меҳнати, истеъдоди, имкониятини зарур бўлса жонини ҳам юрт истиқболи, халқ бахти учун бахшида этиш |

| 2.2 | **“Кинология хизмати асослари” фанидан “Хизмат итларида шартли рефлексларни ҳосил қилиш муаммолари ва унинг ечими” мавзуси бўйича кейс-стади.**<br>*Қаршиев Ҳ., Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи* |
|---|---|

## I. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Фан:** Кинология хизмати асослари.

**Бўлим:** Хизмат итлари физиологик асослари.

**Мавзу:** Хизмат итларида шартли рефлексларни ҳосил қилиш.

**Кейс-стадининг мақсади:** Ўқувчиларда итларда шартли рефлексларни ҳосил қилиш бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш , олдинги мавзулар бўйича егалланга билимларни текшириб кўришлардир.

**Кутилаётган натижалар:** ўрганилаётга мавзу бўйича амалий кўникмаларга ега бўлади; итлар олий нерв турларини фарқлашни ўрганади; итлар олий нерв турларига мувофиқ ўргатиш усулини танлайди ва қўллай билади; муаммоли вазиятлардан чиқиш йўлларини ўрганади.

**Кейс-стадини муваффақиятли бажариш учун ўқувчи қуйидаги билимларга ега бўлиси лозим:** ит зотлари; рефлеклар назарияси ва турлари; итлар хулқини бошқарувчи реаксиялар; итлар олий нерв фаолияти турлари; неврозлар;

Ушбу кейс-стади институционал тизимнинг реал фаолияти асосида ишлаб чиқилган.

Кейс-стадида ишлатилган маълумотлар манбаи:

1. Миноваров С. Ж. ва бошқалар. Кинология асослари. Т., 2006.
2. Беркимов Э.Б.ва бошқалар. Кинология хизмати асослари. Т., 2012.
3. Маърузалар матни.

**Кейс-стадининг типологик хусусиятларига кўра характерстикаси:**

Мазкур кейс-стади сюжетли кейс-стади ҳисобланиб, объекти итлар ва уларнинг питомниги ҳисобланади. Ушбу кейс-стади маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилга бўлиб, тузилмавий ва кичик ҳажмдаги кейс-стади – технология ҳисобланади.

Дидактик мақсадларга кўра тренинг ҳисобланади.

Мазкур кейс-стадидан касб – ҳунар коллежлари кинология йўналиши ўқувчилари фойдаланиши мумкин.

## II. Кейс-стади: “Хизмат итларида шартли рефлексларни ҳосил қилиш муаммолари ва унинг ечими”

**Кириш.** Сўнгги йилларда таълим тизимида бўлаётган ўзгаришларнинг ҳаммаси билимли, савияли, эркин фикрга эга ёшларнинг тарбиялашга йўналтирилгандир.Кинология хизмати асослари фанининг асосий вазифаси хизмат итлари ёрдамида содир этилган жиноятчиликни очиш, нарсаларнинг ҳидидан ажрата олишга, қидирилаётган шахснинг кийимларидан ҳид олиш йўли билан топиш, хизмат ити ёрдамида воқеа жойида қолдирилган жисм ва

ашёвий далилларни қидириб топиб, биноларни хизмат ити ёрдамида текшириш, жиноятчини қўлга олиш каби ўта муҳим вазифаларни ҳал қилишдир. Юқоридаги ишларни кинолог ходим хизмат ити ёрдамида амалга оширади. Бунинг учун ўргатилган итнинг ўрни беқиёсдир. Маълумки, ҳеч қачон ўргатилга ит ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, оддий итни хизмат итига айлантириш учун кинолог ходимдан билим, малака ва кўникма ҳамда машаққатли меҳнат талаб этилади. Шунингдек, кўзланган мақсадларга эришиш ўргатувчидан итлар физиологик асосларини билишни ҳамда рефлекслар назарияси, итлар олий нерв фаолияти турлари, турли ўргатиш усуллари ва уларни қўллаш йўлини чуқур ўзлаштиришни тақозо қилади. Шу сабабли ҳам танланган ушбу мавзу ниҳоятда долзарб ҳамда аҳамиятлидир.

Қуйида келтирилаётган кейс-стадини ечиш ва **итлар физиологик асосларидаги муаммоли вазиятни** бартараф этиш ўқувчилардан талаб этилади ва бунинг учун белгиланган мавзу бўйича етарлича БКМ га эга бўлиш зарурдир.

**Хизмат итларида шартли рефлексларни ҳосил қилиш муаммолари ва унинг ечими**

Кинолог ходимнинг энг асосий мақсади оддий итда шартли рефлекс ҳосил қилиб, уни хизмат итига айлантиришдан иборатдир. Итлар одатда вилоят ва туман питомникларига Кинология Марказидан берилиши мумкин ҳамда питомникнинг ўзида ҳам кўпайтирилиши ва айрим ҳолатларда зотдор кучуклар фуқаролардан ҳам тарбиялаш мақсадида олиниши мумкин.

Мисол учун кунларнинг бирида қарамоғимиздаги питомникга сангвиник бўлган битта немис овчаркаси, холерик бўлган битта спаниел, биттаси флегматик ва биттаси холерик бўлган Ўрта Осиё овчаркаси ва битта меланхолик олий нерв турига кирувчи Кавказ овчаркаси зотларига мансуб бешта зотдор кучук келтирилди. Уларнинг олий нерв фаолияти турлари турлича бўлиб, яъни холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик темпераментли бу кучуклар бажарадиган иши ва ўргатиш усулига кўра мос келувчи гуруҳларга ажратилмай озуқа бериш, аралаш, мажбурлаш, таклид қилдириш усуллари қўлланилган ҳолда икки ой мобайнида шартли рефлекс ҳосил қилиш мақсадида қатъий машқ олиб борилди. Икки ойдан сўнг назорат комиссияси текширувида кучукларда нонормал ҳолатлар, яъни шартли рефлекслар ҳосил бўлишининг қийин кечиши ёки ҳосил бўмаслиги ва невроз ҳолатлари қайд этилди. Питомник анчагина зарар кўриб мутахассислар орасида келишмовчиликлар пайдо бўлди. Энг ёмони маблағ, вақт ва харажатлар сарфланишига қарамасдан итларда етарлича шартли рефлекслар ҳосил бўлиши муаммога айланди. Ўтказилган хизмат текширувида мутахассислар ушбу муаммонинг сабабини турлича талқин қилишди, лекин энг асосийси кутилган натижага эришилмади…

Наҳотки тажрибали мутахассисларни жалб этиш орқали бўлсада муаммони бартараф этиш шунча қийин бўлса ёки зудлик билан ушбу кучукларни бошқасига алмаштириш ҳам мумкин-ку… Сиз нима дейсиз?

**Саволлар:**

1. Сизнингча ушбу ҳолатда муаммо мавжудми ва агар бор бўлса у қандай муаммо?

2. Ушбу вазиятда муаммони қайд этувчи қандай исбот-далилларни келтира оласиз?

3. Мазкур ҳолатдаги салбий таъсир этувчи ҳолатларни аниқланг ва сабабини ажратиб кўрсатинг.

4. Муаллифнинг ечими сизни қониқтирадими?

5. Бундай вазиятда сиз муаммони қандай бартараф этган бўлар эдингиз?

## III. Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик кўрсатмалар

### Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1. Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2.Биринчи саволга жавоб беринг.

3.Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

**"Д"** ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,

**"С"** ҳарфи – муаммо сабабларини,

**"О.О.Й."** ҳарфлари – муаммони олдини олиш йўллари.

4.Ушбу белгилар 2,3,4 саволларга ечим топишга ёрдам беради.

5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

### Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома

1. Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.

2. Гуруҳ сардорини танланг.

3. Ватман қоғозларга қуйидаги жадвални чизинг.

**Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали**

| Ит зоти ва сони | Олий нерв тури | Тўғри танланган ўргатиш усули | Муаммони тасдиқловчи далиллари | Муаммони келиб чиқиш сабаблари | Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим | Гуруҳ ечими |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Немис овчаркаси, 1 та | Сангвиник | Озиқа бериш | | | | |
| Спаниел, 1та | Холерик | Мажбурлаш | | | | |
| Ўрта осиё овчаркаси, 2 та | Флегматик ва холерик | Таклид қилдириш, мажбурлаш | | | | |
| Кавказ овчаркаси, 1 та | Меланхолик | Ўргатиш фойдасиз | | | | |

4. Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

**Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| Ўқувчилар рўйхати | Асосий муаммоажратиб олиниб, тадкикот объекти аникланган макс. 6 б | Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 б | Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган макс. 10 б | Жами макс.20 б |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

**Аудиторияда бажарилган иш учунбаҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| Гуруҳлар рўйхати | Гуруҳ фаол макс. 1 б | Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс.4 б | Жавоблар тўлик ва аниқ берилди макс.5 б | Жами макс.10 б |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

8-10 балл – “аъло”, 6- 8 балл – “яхши”, 4- 6 балл – “қониқарли”, 0 -4 балл – “қониқарсиз”.

## IV.Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианти

*Кейс-стадидаги асосий муаммо*

Итлар физиологик асосларидаги муаммоли вазиятни бартараф этиш.

*Кейс-стади ва унинг ахборот таъминоти билан танишамиз.*

Аввао кейс-стади билан танишиб чиқамиз. “Хизмат итларида шартли рефлексларни ҳосил қилиш” ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диккат билан ўқиб чиқамиз. Муаммони ечиш даражасини аниқлаймиз.

Сўнгги йилларда таълим тизимида бўлаётган ўзгаришларнинг ҳаммаси билимли, савияли, эркин фикрга эга ёшларнинг тарбиялашга йўналтирилгандир.Кинология хизмати асослари фанининг асосий вазифаси хизмат итлари ёрдамида содир этилган жиноятчиликни очиш, нарсаларнинг ҳидидан ажрата олишга, қидирилаётган шахснинг кийимларидан ҳид олиш йўли билан топиш, хизмат ити ёрдамида воқеа жойида қолдирилган жисм ва ашёвий далилларни қидириб топиб, биноларни хизмат ити ёрдамида текшириш, жиноятчини қўлга олиш каби ўта муҳим вазифаларни ҳал қилишдир. Юқоридаги ишларни кинолог ходим хизмат ити ёрдамида амалга оширади. Бунинг учун ўргатилган итнинг ўрни беқиёсдир.

***Берилган вазият билан танишамиз, муаммони қайд этувчи исбот-далилларни излаймиз.***

Маълумотларни яна диққат билан ўқиб чиқиб, биз учун муҳим бўлган сатрларни тагига чизиб оламиз. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейс-стадидаги муҳим

фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўямиз. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатимизни жалб қиламиз.

***Муаммоли вазиятнинг таҳлили.***

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Мазкур ҳолатда қабул қилиниши мумкин бўлган муаммонинг барча ечимларини топамиз. Энг асосий муаммо -шартли рефлекслар ва уларни ҳосил қилишдаги муаммодир.Унинг ечими итларнинг физиологик хусусиятларидан келиб чиқади. Уларнинг олий нерв фаолияти турлари турлича бўлиб, яъни холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик темпераментли бу кучуклар бажарадиган иши ва ўргатиш усулига кўра мос келувчи гуруҳларга ажратилмай озуқа бериш, аралаш, мажбурлаш, тақлид қилдириш усуллари қўлланилган ҳолда икки ой мобайнида шартли рефлекс ҳосил қилиш мақсадида қатъий машқ олиб борилди.

**Якуний хулоса**

Маълумки, ҳеч қачон ўргатилга ит ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, оддий итни хизмат итига айлантириш учун кинолог ходимдан билим, малака ва кўникма ҳамда машаққатли меҳнат талаб этилади. Шунингдек, кўзланган мақсадларга эришиш ўргатувчидан итлар физиологик асосларини билишни ҳамда рефлекслар назарияси, итлар олий нерв фаолияти турлари, турли ўргатиш усуллари ва уларни қўллаш йўлини чуқур ўзлаштиришни тақозо қилади.

## V. Кейс-стади ўқитиш технологияси

Ўқув машғулотининг технологияси модели

| | |
|---|---|
| *Мавзу* | Хизмат итларида шартли рефлексларни ҳосил қилиш |
| *Таълим олувчилар сони: 21 кишидан ошмаслиги лозим* | *№ 8 мавзу, 2 соат* |
| *Ўқув машғулоти шакли* | Билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган амалий машғулот |
| *Семинар режаси* | 1.Кейс-стади мазмунига кириш.<br>2. Ўқувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида “Блиц - сўров” ўтказиш.<br>3. Кейс-стади мазмуни билан танишиш ва якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.<br>4. “Кейс-стади”ни гуруҳларда ечиш.<br>5. Натижалар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш.<br>6. Муҳокама этилаётган муаммони “Т-схема” жадвали асосида таҳлил этиш.<br>7. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган |

| | |
|---|---|
| | ўқув натижаларига кўра ўқувчилар фаолиятини баҳолаш |
| *Машғулотнинг мақсади:* Хизмат итларида шартли рефлексларни ҳосил қилиш ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш, муаммоли амалий вазиятларни таҳлил қилиш ва ҳал қилиш малакаларини шакллантириш | |
| *Педагогик вазифалар:* | ***Ўқув фаолияти натижалари:.*** |
| • кейс-стади мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади;<br><br>• муаммоли вазият билан таништиради;<br>• муаммони ажратиб олишга ўргатади, таққослашга, таҳлил қилишга умумлаштиришга кўмак беради;<br>• муаммони ҳал этиш бўйича аниқ ҳаракатлар кетма-кетлигини тушунтириб беради;<br>• муаммоли вазифаларни ечишга шарт-шароит яратади;<br>• мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради | • кейс-стади мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради;<br>• кейс-стади вазиятни ечиш бўйича алгоритм кетма – кетлигини аниқлайди;<br>• муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди;<br>• муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади;<br>• якуний мантиқий хулосалар чиқаради. |
| *Ўқитиш методлари* | Кейс-стади, ақлий ҳужум, инсерт, мунозара, амалий усул |
| *Ўқитиш воситалари* | Ўқув материали, ўқувчига услубий кўрсатмалар, тақдимот, флипчарт |
| *Ўқитиш шакллари* | Индивидуал, фронтал, жамоа, гуруҳларда ишлаш |
| *Ўқитиш шарт-шароитлари* | Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган, аудитория |
| *Қайтар алоқа усул ва воситалари* | Блиц-сўров, тақдимот, кузатув |

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси

| *Иш жараёнлари вақти* | *Фаолиятнинг мазмуни* | |
|---|---|---|
| | *ўқитувчи* | *ўқувчи* |
| I - босқич. Мавзуга кириш (10 дақиқа) | ***Ташкилий бошланиш.***<br>1.1.Ўқувчилар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади.<br>***Кейс-стадига кириш.***<br>1.2. Кейс-стади машғулоти мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва аҳамиятига тўхталиб ўтади. | Тинглайдилар<br><br>Танишадилар<br>Ёзиб оладилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | 1.3. Семинарда ишлаш тартиби ва баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова) | |
| II - босқич. Асосий (60 дақиқа) | ***Ўқувчилар билимини фаоллаштириш.***<br>2.1.Мавзу бўйича таълим олувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказади.<br>***Кейс-стади мазмуни билан танишиш.***<br>Кейс-стади мазмуни билан танишиб чиқиш учун ўқувчиларга материалларни тарқатиб чиқади. Уларга кейс-стади материалларини тарқатади.<br>***Кейс-стади билан якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.***<br>2.2. Кейсни ечишда "Кейс-стади" вазифаси ва унинг жамият тараққиёти ривожланишига асос бўлувчи маънавий баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрнини аниқлаш ва кейс вазиятни мустақил тахлил қилиш учун йўриқнома беради.<br>2.3.Кейс-стадида бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс-стади билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади.<br>2.4.Мустақил равишда вазиятни индивидуал таҳлил қилишни таклиф қилади.<br>***Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш.***<br>2.6. Ўқувчиларни 3 ёки 4 та кичик гуруҳларга ажратади. Кейс билан индивидуал тарзда ишлаш натижаларини мини гуруҳларда мухокамасини ташкил қилади.<br>2.7.Берилган топшириқни қай даражада тушунганлигини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказади.<br>2.8.Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб, вазиятни кичик гуруҳларда жамоавий "Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали" усулидан фойдаланилган ҳолда ечишни таклиф қилади.<br>2.9. Кичик гурухларда кейс-стади билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради. Гуруҳларга топшириқни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча | Муҳокама қиладилар<br><br>Вазиятни мустақил равишда таҳлил қиладилар<br><br>Гуруҳларга ажралади, ёзиб оладилар, топшириқлар устида ишлайдилар<br>Фаол қатнашадилар<br>Жамоа бўлиб бажарилган ишнинг тақ-димотини ўтказади-лар, бахс-мунозара юритадилар, қўшимчалар қиладилар, баҳолайдилар, хулоса чиқарадилар<br>Тинглайдилар.<br>Гуруҳларда |

| | | |
|---|---|---|
| | маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.<br>2.10. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтка-зишда ёрдам беради, изоҳ беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилиши қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди.<br>2.11. Ўқувчиларнинг фикрларини умумлаш-тириб бўлгач, ўқитувчи "Т – схема" жадвалидан фойдаланилган ҳолда "Қандай инсонни биз маънавий баркамол ва комил инсон деб ҳисоблаймиз?", "Қандай инсонни эса маънавий қашшоқ инсон деб ҳисоблаймиз?" – деб савол билан мурожаат қилади.<br>2.12. Ўқувчиларнинг тақдимотда кўрсатилган фикрларини умумлаштиради | берилган топшириқни бажарадилар. Тақдимотини ўтказадилар. Мавзу бўйича якуний хулоса чиқарадилар |
| III - босқич. Якуний (10 дақиқа) | ***Якуний умумий хулоса.***<br>3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол ўқувчиларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради<br>3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изоҳ беради. Яна бир бор "Кейс-стади"нинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтади | Эшитади.<br><br>Аниқлайди Тинглайдилар |

| 2.3 | **“Умумий биология курси” фанидан “Одам ривожланишида биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ва ундаги муаммолар” мавзуси бўйича кейс-стади.**<br>***Офтобхўжаева Ҳ., Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтидорли болалар академик лицей*** |
|---|---|

# I. ПЕДАГОНИК АННОТАЦИЯ

**Ўқув предмет номи:** “Умумий биология курси”.

**Мавзу:** Инсон экологияси.

**Қатнашчилар:** 1- курс ўқувчилари учун.

**Кейс-стадининг асосий мақсади:** Одамларни ташқи муҳит билан ўзаро муносабат қонуниятлари ҳамда унинг ривожланишида атроф-муҳит холатининг таъсири, инсон ва табиат ҳамжихатлигини англаш, табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлишга қаратилган харакатларни тизимини шакллантириш каби муаммоларни таҳлил қилиш ва сабабларни аниқлаш ҳамда уни олдини олиш чора- тадбирларини ишлаб чиқиш.

**Ўқув фаолиятидан кутиладиган натижалар:** инсон ва атроф- муҳит орасидаги муносабатларнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатиб беради; инсон ривожланишида биологик ва ижтимоий омиллар таъсирини ёритиб беради; муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; муаммони аниқлаб, уни ҳал қилиш ечимларини топади.

**Ушбу кейс-стадини муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:**

*Ўқувчи билиши керак:*

Экологик омиллар ва унинг турлари, биогеоценозлар ва уларнинг хусусияти, табиий ва сунъий экотизимлар, биосфера эволюцияси ва унинг 3та босқичи, инсоннинг биосферага таъсири, Эволюцион таълимот ва эволюцион далилар ҳақидаги билимларга эга бўлиши лозим.

*Ўқувчи амалга ошириши керак:* мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; вазиятларни тўғри ажратади; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқаради; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди; маълумотларни таққослайди, тахлил қилади ва умумлаштиради;

*Ўқувчи эга бўлмоғи керак:*коммуникатив кўникмаларга; тақдимот кўникмаларига; ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига; муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига.

**Манбалардан фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

А.Т.Ғофуров “Умумий биология”, Ш.Т.Отабоев “ Инсон ва биосфера”, “Биология” - Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун ўқув қўлланма, “Биология” фанидан тузилган кейс-стади матни.

**Технологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кейс-стадининг тавсифномаси:**

Ушбу кейс-стадининг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, ботаника ва зоология фанидан олган билим ва кўникмалари асосида баён этилган. Кейс-стадининг асосий объекти инсон ва табиат орасидаги муносабатларга йўналтирилган. Бу ташкилий институционал кейс-стади бўлиб, маълумотлар вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртача, тизимлаштирилган бўлиб, назарий машғулотга мўлжалланган ўқув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс-стади муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган.

Ушбу кейс-стадидан умумий биология фанининг "Инсон экологияси" мавзусидаги дарс соатида, амалий география фанининг "табиат ва жамият орасидаги муносабатлар" мавзусидаги дарсларда фойдаланилади.

Кейс-стадидан кўзланган мақсад ва тегишлича ташкилий-методик таъминоти ўзгарганида қўлланилиши мумкин бўлган ўқув предметлар рўйхати: Амалий география, Экология, Кимё.

## II. Кейс-стади:
## "Одам ривожланишида биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ва ундаги муаммолар"

**Кириш.** Табиат ва инсон орасидаги ўзаро муносабатлар бизнинг давримизда бутун инсоният ва республика аҳолиси учун катта ахамиятга эга. Унда содир бўлаётган янгиланиш ва ривожланиш жараёни табиатга катта таъсир этувчи экологик вазиятни келтириб чиқаради яъни бунда глобал масштабдаги табиат ва инсон ўзаро муносабатлар доирасида қарама-қаршиликларни кучайиши назарда тутилмоқда. Инсон ҳаёти уни ўраб турган атроф-мухит билан чамбарчас боғлиқ экан, бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она деса бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай табиатни озор топиши у билан бевосита боғлиқ инсон ва жонли организмларни зўр таҳликага солиб қўйиши муқарар. Инсон сўнги 100-150 йил давомида биосферани шундай ўзгартириб юбордики, натижада унинг миллион йиллар давомида таркиб топган барқарор мувозанатига рахна солди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам инсон қадами етмаган бирорта жой қолмади. Қаерга борманг у ерда ҳаёт қайнаётганини, одамлар маҳаллий табиат неъматларидан баҳраманд бўлаётганини кўрасиз. Табиат бойликларидан режасиз исрофгарчилик билан фойдаланиш, унинг эҳсонларини суистемол қилиш, қудратли техникани турмушга кириб келиши, кимёвий моддалардан кенг фойдаланиш, ўз навбатида атроф – муҳитга хамда инсон саломатлигига зарар етказмоқда. Шу ўринда Президентимиз И Каримовнинг "Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир" деган сўзларини эсга олиш кифоядир.

**Инсон ривожланишида биологик ва ижтимоий омиллар таъсири.**

Табиат ва инсон орасидаги муносабатлар ривожланиши давомида ўрмонлар кесилиб, унумдор ерларга айлантирилди, чорвачиликнинг ривожланиши ўсимликлар қопламининг камайишига, пайхон қилинишига сабаб бўлди. Натижада миллион йиллар давомида шаклланган барқарор ҳамжамоалар сунъий беқарор экотизимга айланди. Инсоннинг биосферага таъсирини шартли равишда қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

1. Ўрмонларни кесиш ва янги ерларни ўзлаштириш биринчи навбатда сув режимига салбий таъсир кўрсатди. Натижада дарёлар саёзланиб қолиши, ботқокланиш, ўт босиш, балиқлар сонининг камайиши кузатилди. Ер остки сувлар захираси камаяди, қор ва ёмғир сувлари тупрокда сингмай унинг юза қисмнини ювиб кетади. Сув эрозияси шамол эрозияси билан қўшилиб тупрокка янада кучли таъсир этади.

2. Инсоннинг биосферага таъсирида мухим роль ўйнайдиган омиллардан яна бири суғоришдир. Инсон қадим замонлардан бери суғориладиган дехдончилик билан шуғулланиб келади. Суғориш ишлари унумсиз ерларни унумдор ерларга айланишига имкон бериши билан бирга гидрологик шароитни хам ўзгартириб юборади. Чунончи, бунда ер остки сувлар сатхининг кўтарилиши, тупроқнинг шўрланиши, баъзи жойларнннг ботқокланиши ва сув босиши мумкин. Бундан ташқари, суғориладиган ерларнинг кенгайиши, дарёлар сув режимининг ўзгаришига, баъзан дарёларнинг қуриб қолишига олиб келади.

3.Инсоннинг биосферага таъсиридан яна бири кимёвий ўғитлардан фойдаланиш ҳисобланади. Суғориладиган дехкончиликда кимёвий ўғитлардан фойдаланиш хосилдорликни бир неча марта орттиради. Шу билан бирга ўғитлардан фойдаланиш ичимлик сувлари сифатининг ёмонлашишига, нитрат ва нитратларнинг сувда тўпланиши натижасида хавфли канцероген модда — нитрозаминлар хосил бўлишига сабабчи бўлмокда, булар одам саломатлигига салбий таъсир этади. Иккинчи томондан,чучук сувларда нитрат ва фосфатлар микдорининг ортиши фито- ва зоопланктонлар ҳаёт фаолиятига таъсир этади. Одатда фосфатларнинг етишмаслиги чучук сув ўсимликлари ва хайвонлари кўпайишини чеклайди. Сув хавзаларида фосфорли ўғитларнинг бўлиши азот ва калий микдорини чеклайди, шу билан бирга фитопланктонларнинг кўпайиб кетишига сабабчи бўлади.Натижада кўк яшил сув ўтлари хаводаги азотни ўзлаштириб кўпаяди ва сувдаги эриган кислородни ўзлаштиради. Сув юзасида гуллаш юз беради бу эса балиқларни нобуд қилади ва ботқоқлик юзага келади

4.Ниҳоят инсоннинг биосферага кўрсатадиган кучли таъсирларидан бири ўсимликлар касалликлари, зараркунанда хашаротлар ва бегона ўтларга қарши курашда фойдаланиладиган кимёвий кураш воситаларидир.

Шубҳасиз, қишлок, хўжалигида инсектицидлар, дефолянтлар, гербицидлар ва бошқалардан фойдаланиш натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ортади. Аммо инсектицидлар, гербицидлар, хлор ва фосфорорганик бирикмалар кўпчилик хайвонлар ва ҳатто инсон учун хавфлидир. Бу моддалар барқарор ва таъсирчан модда ҳисобланиб, у биогеоценозларда узок, вакт

сакланиб қолади ҳамда тупланади. Уни турли ҳайвонларнинг жигарида ва бошқа органларида тупланганлиги аниқланган.

Инсоният бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида захарли ва зарарли кимёвий моддалардан фойдаланишдан воз кечаолмайди. Келажакда ўсимликларни химоя қилишда биологик назорат ва методларни қўллаш "яхши" самара бериши кутилмокда.

Зараркунандаларга қарши биологик методлардан фойдаланиш эндигина амалда қўлланила бошланди.

Шундай қилиб, инсоннинг тўрт йўналишдаги биосферанинг тузилмасига таъсири умумий қонуният хисобланади.

Табиат ва жамият ўзаро таъсир қонуниятларидан яна бири табиий муҳит билан инсоннинг ўзаро мослашганлигидир. Фақат инсонгина табиатга боғлиқ бўлмасдан, балки инсон томонидан фойдаланилувчи ва қайта ўзгуртирилувчи ташқи мухит хам инсонга боғлиқ. Шунингдек ёввойи табиат ҳам ўзининг ривожланиши, функцияси билан инсонга боғлиқ. Фойдаланилаётган табиат қайта тикланишга мухтож. У инсон ёрдамисиз функциялана олмайди. Табиат антропоген таъсирдан, ифлосланишдан сақланмасдан яшай олмайди. Аммо ўзаро мослашганлик жараёни ҳозирги шароитда тезлашган. Бунда биосфера шундай ўзгариши мумкинки, инсон яшаши учун яроқсиз муҳитга айланиши мумкин. Биосферанинг таркибий қисми ҳисобланган ҳар бир тирик организм морфологик, физиологик ва хулқий томонлари билан ташқи муҳит билан ҳайратда қоларли даражада уйғунлашган. Ушбу уйғунлик организмни яшаш муҳитига мослашиши натижасидир. Мослашиш қандай намоён бўлади? Мослашиш организмнинг ташқи муҳитда яшаб қолиши ёки нобуд бўлиши жараёнларини муаммо қилиб қўяди. Бошқача қилиб айтганда, ташқи дунё тирик организм олдига маълум муаммоларни яъни инсоннинг тўрт йўналишдаги биосферанинг тузилмасига таъсири умумий қонуниятини эсга олишнинг ўзи кифоя.

Тирик организм нормал яшаши, яъни ўсиши ва ривожланиши учун, соғлом авлод қолдириши учун ушбу муаммоларни ҳал этиши керак бўлади. Мослашиш жараёни чексиз ва тўхтовсиздир. Аммо тирик организм табиий функциялари ва органларини такомиллаштириш имкониятлари чекланган эканлигини ҳисобга олиш зарур. Ўсиш, вазн, тананинг умумий юзаси, шунингдек, ҳаёт фаолияти жадаллиги каби антропологик кўрсаткичлар, нафақат биологик қонуниятлар асосида чекланиб қолмай, балки гравитацион, энергетик, термин ва бошқа иқлим географик, геофизик омиллар билан ҳам чекланади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, иссиққонли ҳайвонлар танасининг ўлчами иқлим билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аптропологларнинг фикрича, одам эволюцияси тўхтаган, генотипик нуқтаи назардан ўзгармайди, аммо табиий ва ижтимоий омиллар уларнинг морфо-функционал ўзгаришларига олиб келиши мумкин.

Инсон ривожланишига биологик ва ижтимоий омиллар қандай таъсир этади? Унинг саломатлигини маълум табиий, иқлим ва ишлаб чиқариш шароитларисиз тасаввур қилиб бўладими?

Инсон экологиясини умумлаштирсак, у табиат билан ижтимоий муҳит орасидаги алоқа боғланишларни ҳал этишдан иборат. Ушбу боғланишлар аҳолининг саломатлиги даражаси ва ижтимоий меҳнат потенциалини белгилаб беради. Хаво таркибида захарли газларни тўпланиши озон қатламининг сийракланишига, ультрабинафша нурлар миқдорини ортишига олиб келди. Ультрабинафша нурлар таъсирида нурланиш одамларда терининг куйишига ва аллергик касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Дарё сувларининг ифлосланиши натижасида касаллик тарқатувчи бактериялар тури кўпайди, турли песцицидлардан фойдаланиш натижасида меъда-ичак касалликлари, энцефалопатия (бош миянинг ялиғланиши), гепатит,невроз каби касалликлар, Орол денгизининг қуриши натижасида сувнинг шўрланиш даражаси ортди ва Орол ҳудудида ичимлик сувини тозалаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи долзарб бўлиб қолди. Инсон организмининг барча соматик-нейропсихологик хусусияти эволюцион тараққиёт оқибати, барқарор табиий омилларнинг шакллантирувчи таъсир натижаси ҳисобланади. Ҳозирда организм ўзининг эволюцияси давомида ҳеч қачон ўзаро таъсирда бўлмаган физикавий ва кимёвий омиллар мавжуд. Бу биологик ва ижтимоий мослашув механизми "ишламай" қоладиган ҳолатга олиб келиши мумкин. Техника тараққиёти туфайли ҳаётда юзага келган қатор янги омиллар кучли хавф-хатаридан инсон тур сифатида ҳимоя қилинмаган. Унда уларнинг таъсиридан сақлайдиган эволюцион тарзида шаклланган ҳимоя механизми йўқ.Турли хил хасталикларнинг юзага келишида табиий муҳит ифлосланишининг роли ҳақида кўплаб маълумотлар олинган. Саноат марказларида ҳавонинг ифлосланиши, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг хулосасига кўра, сурункали бранхитлар, юқори нафас йўлларининг яллиғланиши, пневмония, эмфизема каби хасталикларни тарқалишининг бош сабабидир. Шунингдек, у ўпка ракининг келтириб чиқарувчи асосий омиллардан биридир. Касалликлар ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишини аниқлаш осон иш эмас, чунки сабаб ҳамиша хилма-хил бўлади. Шундай бўлса-да, атроф-муҳит ифлосланиши таъсирини бевосита аниқлаш мумкин бўлади. Масалан, чанг-тўзонлар орасида ва зарарли ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият кўрсатадиган одамлар тез-тез касалга чалинадилар. Экологияга боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган касалликларни аниқлаш ва уларнинг ҳисобини олиш бўйича муҳим ишлар қилинмоқда. Янада ташвишлироқ маълумотлар мавжуд. БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича дастурининг ижрочи директори М.Толба фикрига кўра, атроф-муҳитдаги турли концероген ифлослантирувчиларнинг инсонга таъсир даври ҳамиша узайиб борган. Ҳозирги вақтда, мутахассисларнинг таъкидлашича, 60-90 фоиз ҳолларда рак касаллиги ва атроф-муҳит ифлосланиши ўртасида бевосита ёки билвосита боғланиш мавжуд. Ҳаво, сув, ишлаб чиқариш материаллари, озиқ- овқат маҳсулотларида концероген омиллар кузатилади. Маълумки, кўплаб кимёвий моддалар концероген ҳисобланади. Ҳатто, афтидан, айрим дорилар концероген вазифасини ўтайди. Ифлос муҳитда ишлаш билан боғлиқ турли касбий касалликларни қайд этиб ўтиш лозим. Нега деганда, муҳитни ифлослантирувчи

моддалардан, энг биринчи навбатда, уни ишлаб чиқарганнинг ўзи бевосита зарар кўради. Баъзан руҳий, юрак-томир хасталиклари, уларнинг қисқариши ва бошқалар учун табиий муҳитнинг қанчалик даражада "айбдор" эканини аниқлашнинг иложи бўлмай қолади. Ҳозирги вақтда инсонни ўраб олган ташқи муҳитни муҳофаза қилишнинг ялпи усуллари ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг барчаси аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Соғлиқ - бу бойликдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахс жамият яратган қулайликлардан фойдаланиши, соғлиғини саклаши ва тўлақонлик меҳнатга лаёқатли киши сифатида жавобгарликни ҳис этиши керак. Соф ҳолдаги табиий ёки ижтимоий муаммолар йўқ, улар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган. Инсон ва жамият тизимида маълумот ва маданият, аҳолининг ўсиши, ривожланиши ва мослашишлари унинг келажаги ҳақидаги муаммолардир. Одам Ер юзидаги барча нарсага ақл-заковат, мақсад билан бўйсунадиган жонзотдир. Хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти туфайли унинг яшаш чегаралари кенгайиб бормоқда. У янги хом-ашё, энергетик ресурсларни қидириш борасида денгиз ва океанларни, Шимол ва Антарктидаларни, баланд тор чўққилари, сувсиз чўлларни, стратосфера ва космик фазони забт этаяпти. Шу билан бирга янги табиий ва ишлаб чиқариш жараёнида, у ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирларига дуч келмоқда. Одам популяциясининг саломатлик ҳолати фақат тиббий биологик нуктаи назардан эмас, балки иқтисодий категория ҳам ҳисобланади. Аҳолининг кўчиб юришининг ортиши Сибирь, Ческа Шимол, Узоқ Шарқ баланд тор каби ҳудудларни тез эгалламоқда. Натижада одам организмининг бошқарув тизимлари доимо зўриққан ҳолда ишламоқда. Янги шароитда одам билан табиат ўртасидаги мувозанатни уйғунлаштиришда тиббий биологик фанлар олдида улкан вазифалар турибди. Касалликларни олдини олишдан ташқари, ҳозирги авлодни соғлигини саклаш ва мустаҳкамлаш ҳамда келажак авлодни соғлиғига кафолат бериш керак бўлади. Шу билан биргаликда табиий муҳитнинг этик-эстетик томонларини ҳам ҳисобга олиш керак. Ҳар бир киши учун ўрмонлар, гуллаб турган ўсимлик, инсон қўли тегмаган ландшафтлар илҳом бахш этади. Шундай экан ўрмон ресурсларини тиклаш, ноёб ўсимлик турлари ва хайвонот оламини саклаш, ўрмон мониторингини олиб бориш, кам чиқиндили технологияларни жорий қилиш, янги хўжалик механизмларини яратиш лозим Ҳозирги шароитда шаҳарлар ва унинг аҳолиси жадал ўсмоқда, қишлоқ хўжалиги учун янги ерлар ўзлаштирилмоқда бунинг учун экин майдонлар тузилмасини такомиллаштириш,суғориладиган ерларни комплекс қайта ишлаш, оқова сувларни қайта ишлаш ундан саноатда фойдаланиш,сув заҳираларидан тежамли ишлатиш усуларини ишлаб чиқиш, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини қайта реконструкциялаш каби қатор ишларни амалга ошириш лозим. Инсоннинг рекрацион мақсадларда фойдаланадиган майдонлари кенгаймоқда, аммо табиий биоценозлар ҳудуди қисқариб бормоқда. Инсоният келажакда сайёрамиз узоқ яшаб қолиши учун ҳар куни биосфера ҳолатини “яхши”лаш ҳақида қайғуриш лозим. Шу ўринда президентимиз И. Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида 2005

йил 22 апрелда сўзлаган нутки хаётимиз шиорига айланиши лозим: "Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак,уни айнан шу бугун экишимиз керак. Майли бу кўчатимиз бугун эмас эртага эмас, эллик, олтмиш йилда катта бир дарахтга айлансин, лекин такрор айтаман, унинг ниҳолини бугундан кечикмасдан экишимиз керак. Мен айнан шундай ҳаётий фалсафа қон-қонимизга, суяк-суягимизга кириб бориши, қалбимиздан чукур жой топишини тарафдориман ва барчангизни,бутун халқимизни шунга даъват этаман" (264-269- бетлар)

***Саволлар:***

1. Сизнинг фикрингизча ушбу мақолада муаллиф қандай муаммони кўтариб чиққан?

2. Мақолада муаммони тасдиқловчи қандай далиллар мавжуд?

3. Табиат қонуниятларнининг бузилиши қандай оқибатларга олиб келади хамда ушбу муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

4. Инсон ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади ?

5. Муаллиф ўз мақоласида муаммони олдини олиш йўлларини қандай баён этган?

6. Сизнинг фикрингизча ушбу муаммони қандай ечиш мумкин?

## III. Матнни босқичма- босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик кўрсатмалар.

### Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1.Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2.Биринчи саволга жавоб беринг.

3.Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

**"Д"** ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,

**"С"** ҳарфи – муаммо сабабларини,

**"О.О.Й."** ҳарфлари – муаммони олдини олиш йўллари.

4.Ушбу белгилар 2,3,4,5 саволларга ечим топишга ёрдам беради.

5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

### Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома.

1. Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.

2. Гуруҳ сардорини танланг.

3. Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг

**Муаммони тахлил қилиш ва ечиш жадвали**

| Муаммони тасдиқловчи далиллар | Муаммони келиб чиқиш сабаблари | Муалиф тамонидан таклиф қилинган ечим | Гурух ечими |
|---|---|---|---|
| | | | |

4. Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

## Ўкув- методик хужжатлар

Антропоген таъсир - инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида табиат ва унинг ресурсларига кўрсатадиган таъсир.

Биогеоценоз – 1.Ер юзаси маълум худудидаги бир ҳил табиат элементларининг йиғиндиси. 2.Муайян тупрок шароитида ўсимликлар, ҳайвонлар ва замбуруғлар ҳамда айрим содда ҳайвонлардан ташкил топган микроорганизмларнингбиргаликда яшаши.

Биосфера-ҳозирги даврда яшаб, фаоллик кўрсатиб турганорганизмлар таркалган қобик

Генотип-организмларнинг генлар йиғиндиси.

Концерогенлар - хавфли ўсимталар келтириб чиқарадиган моддалар ёки физик омиллар.

Мониторинг - атроф-муҳит ҳолатини кузатиш, баҳолаш, башоратлаш тизими .

### Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

| Ўкувчилар рўйхати | Асосий муаммоажратиб олиниб, тадкикот объекти аникланган макс. 6 б | Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 б | Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган макс. 10 б | Жами макс.20 б |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

### Аудиторияда бажарилган иш учун бахолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

| Гурухлар рўйхати | Гуруҳ фаол макс. 1 б | Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс. 2 б | Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс. 2 б | Жами макс. 5 б |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

8-10 балл – “аъло”, 6- 8 балл – “яхши”, 4- 6 балл – “қониқарли”, 0 -4 балл – “қониқарсиз”.

## IV.Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианти

***Кейс-стадидаги асосий муаммо:*** инсон ва табиат орасидаги уйғунликнинг бузилиши натижасида одам организмида морфо-функционал ўзгаришларига табиий ва ижтимоий омиллар таъсири.

***Муаммони тасдиқловчи далиллар***

Мазкур ҳолатда қабул қилиниши мумкин бўлган муаммонинг барча ечимларини топамиз:

1.Ультрабинафша нурлар таъсирида нурланиш одамларда терининг куйишига ва аллергик касалликларнинг кўпайишига олиб келди

2.Сурункали бранхитлар, юқори нафас йўлларининг яллиғланиши, пневмония, эмфизема ўпка раки каби хасталикларни тарқалиши

3.Сувнинг шўрланиш даражаси ортди

4.Касаллик тарқатувчи бактериялар тури кўпайди.

***Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари:***

1. Хаво таркибида захарли газларни тўпланиши озон қатламининг сийракланишига ультрабинафша нурлар миқдорини ортишига олиб келди

2.Чанг-тўзонлар ва зарарли моддалар ишлаб чиқариш саноат корхоналари.

3.Қўриқ ерларни ўзлаштирилиши Орол денгизининг қуришига олиб келди.

4.Дарё ва денгиз сувлари ифлосланди.

***Муаллиф ўз мақоласида муаммони олдини олдиш қуйидаги йўлларини кўрсатиб берган:***

Саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини қайта реконструкциялаш. Кам чиқиндили технологияларни жорий қилиш, янги хўжалик механизмларини яратиш. Суғориладиган ерларни комплекс қайта ишлаш, оқова сувларни қайта ишлаш ундан саноатда фойдаланиш,сув захираларидан тежамли ишлатиш усуларини ишлаб чиқиш.

***Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари:***

Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш – объектнинг ҳолати аниклангандан сўнг, муаммонинг асосий қирраларига эътибор қаратиб, муаммоли вазиятнинг ҳамма томонларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олиб, “Т - схема” жадвалини тўлдирамиз.

**Табиат ва инсон муносабатларининг салбий ва ижобий томонлари**

| Ижобий томонлари | Салбий томонлари |
|---|---|
| 1.Деҳқончилик ривожланди.<br>2. Янги ерлар ўзлаштирилди.<br>3.Суғориш.<br>4.Ҳосилдорликни ошириш | 1.Беқарор сунъий экотизим барпо қилинди.<br>2.Дарёлар саёзланди,сувдаги флора ва фауна ўзгарди.<br>3.тупроқни шўрланиши, ботқоқларни хосил бўлиши ортди.<br>4.Дефолянт,инсектицид,гербицид миқдори ўзоқ вақт тупроқ ва ҳайвон жигарларида тўпланади |

## Якуний хулоса

Инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатлари алоҳида очиқ системани ташкил этиб, унинг компонентлари ўзаро узлукли алоқасиз, бир-бири билан билан модда, энергия, информация алмашувисиз яшай олмайди. Бир-бириига таъсир жараёнида, улар ўз ҳусусиятларини йўқотмасдан, бир бутун сифатида ўзича мустақил, ўзаро таъсир этувчи системани ифодалайди. Бу узвийлик ўзаро муносабат табиатнинг умумий қонуниятларига мос келиши, ўзаро тенг мувозанатда бўлишликни талаб этади. Акс ҳолда бу мувозанатни бузилиши салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

## IV. Кейс-стади ўқитиш технологияси

| 35-мавзу | Табиий ва сунъий экосистемалар. Инсон экологияси. Антропоген экосистемаларнинг инсон организмига таъсири. |
|---|---|

**Кейс стади биринчи ўқув машғулотининг ўқитиш технологияси модели**

| *Ўқув соати:* 80 дақиқа | *Ўқувчилар сони:* 30 та |
|---|---|
| *Ўқув машғулоти шакли ва тури* | Назарий маълумотларни беришга мўлжалланган хамда амалий йўналтирилган-билимларни мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ўқув машғулоти. |
| *Машғулот режаси* | **I.** ***Назарий қисми:***<br>1. Табиий ва сунъий экосистемалар<br>2.Инсон экологияси. Антропоген экосистемаларнинг инсон организмига таъсири.<br>**II.** Кейс-стадига кириш ва режалаштириш.<br>1.Ўқувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида “Блиц-сўров” ўтказиш.<br>2. Кейс мазмунига кириш.<br>3. Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Табиий ва сунъий экосистемаларнинг ўхшашлиги ва фарқи, агроэкосистемаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш натижасида келиб чиққан муаммолар тўғрисидаги тушунчаларни шакллантириш, глобалашув жараёни ва экологик тахдид ҳамда илмий техник инқилобнинг табиатга, биосферага, инсон организмидаги морфо- функционал ўзгаришларни келтириб чиқараётган зарарли оқибатлар уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни ўрганиш,таҳлил қилиш орқали кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>1.Табиий ва сунъий экосистемаларнинг ўхшашлиги ҳамда фарқини ажратишга ўргатиш.<br>2.Инсон экологияси. Антропоген экосистемаларнинг инсон организмига таъсирини тушунтириш.<br>3.Кейс-стади матни билан таништириш.<br>4.Мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади;<br>5.Муаммони ажратиб олишга ўргатади, таққослашга, таҳлил | *Ўқув фаолиятининг натижалари:*<br>1. Табиий ва сунъий экосистемаларни бир-биридан ажратади, ўхшаш томонларини таққослайди.<br>2.Инсон экологияси. Антропоген экосистемаларнинг инсон организмига таъсирини айтиб беради.<br>3.Кейс стади матнини ўқиб чиқади.<br>4.Муаммоли вазифаларни ечишда аввалги назарий билимларини қўллайди;<br>5.Муаммони аниқлаб, уни ҳал қилиш, ечимни топиш учун йўриқнома билан |

| | |
|---|---|
| қилишга йўриқнома беради; | танишадилар; |
| *Ўқитиш усуллари* | Кейс-стади, ахборотли маъруза, пинборд, ақлий хужум, ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг. |
| *Ўқитиш воситалари* | Кейс, ўқувчига услубий кўрсатмалар,слайдлар, плакатлар, аквариум, расмлар, проектор. |
| *Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари* | Оммавий, жамоавий, индувидиал, гурухларда ишлаш. |
| *Ўқитиш шарт-шароити* | Гурухларда ишлашга мослаштирилган аудитория |
| *Қайтар алоқанинг усул ва воситалари* | Кузатув, тезкор-сўров, тақдимот, ўзаро баҳолаш. |

**Кейс стади биринчи ўқув машғулотининг технологик харитаси**

| *Фаолият босқичлари* | *Фаолиятнинг мазмуни* | |
|---|---|---|
| | ўқитувчи | ўқувчи |
| I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут) | 1.1.***Ташкилий бошланиши.*** Ўқувчилар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади.<br>1.2.***Мавзуга кириш***. Машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.<br>1.3. Ўқув жараён «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. Гурухларда ишлаш қоидалари билан таништиради, уларни кичик гуруҳларга бўлади.(1-илова)<br>1.4.Ўқувчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (2-илова) | Тинглайдилар. Дарсликга қарайдилар.<br>Тинглайдилар.<br>Кичик гурухларга бўлинади. |
| II-босқич. Асосий (50 минут) | 2.1.***Ўқувчилар билимини фаоллаштиради.*** Ўқувчиларга пинборд методини тушунтиради. Пинборд методи ёрдамида ўқувчиларни қуйидаги савол орқали фаоллаштиради: “Сиз қандай табиий ва сунъий экосистемаларни биласиз?” Берилган жавобларни қабул қилади ва умумлаштиради.<br>2.2.***Янги ўқув материал баёни.*** Машғулотни «Ақлий ҳужум» услуби билан бошлайди. Ўқувчиларда билимлар мавжуд, уни бевосита мустаҳкамлаш учун «Биоценоз қандай таркибий қисмлардан иборат, модда | Жавобларни кичик қоғозларга ёзиб ёзув тахтасига ёпиштирадилар ва маълумотни тизимлаштирадилар<br>Саволларга жавоб берадилар |

| | | |
|---|---|---|
| | алмашинувида улар қандай роль ўйнайди ? Атмосферада $CO_2$ миқдорининг ортиб кетишига нима сабаб бўлмоқда деб ўйлайсиз?» деган саволларни беради, барча жавоблар доскага ёзилади, олинган жавоблар муҳокама қилинади, энг мақбул жавоблар танлаб олинади ва умумлаштиради. (2-илова)<br>2.2. Гуруҳларга бўлади, гуруҳларда ишлаш қоидасини эслатади. “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” техникасини қўллаб ўқувчиларни эркин баҳс-мунозарага тортиш мақсадида ўқув топшириқ берилади (3-илова) ёрдамчи маълумотлар ёзилган слайдлардан фойдаланишга имкон яратади.(4-илова)<br>2.3.Топшириқни бажаришга йўналтиради, тушунтиради, вазифани қай даражада тушунганлигини текширади ва назорат қилади.<br>2.4. Ҳар бир кичик гуруҳ тақдимотидан сўнг мавзунинг асосий жиҳатларини умумлаштириб хулосалайди.<br>2.5. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, ягона хулоса чиқаришга кўмак беради. билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради.<br>2.6. Машғулот режаси асосида ўзлаштира олмаган билимларни слайдлар ёрдамида тушунтиради ва хулосалайди. (4-илова). | Гуруҳларга бўлинадилар.<br>Саволларга жавоб беради.<br>Топшириқни бажарадилар<br>Кичик гуруҳ тақдимот қиладилар<br>Жамоа бўлиб бажарилган ишнинг тақдимотини ўт-казадилар, баҳс-мунозара юритадилар, хулоса чиқарадилар.<br>Тақдимот ўтказади.<br>Ғолиб гуруҳларни аниқлаб, баҳолайди. |
| III-боскич. Якуний (20 минут) | 3.1Фаол ўқувчиларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.<br>***Кейс-стади мазмуни билан таништириш ва якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.***<br>3.2 Кейс-стади мазмуни билан танишиб чиқиш учун ўқувчиларга кейс-стади материалларини тарқатиб чиқади.<br>3.3 Кейсни ечишда “Кейс - стади” вазифаси ва вазиятни мустақил таҳлил қилиш учун йўриқнома беради. | Эшитади,аникловчи саволлар беради<br>Кейс-стади мазмуни билан танишиб чиқадилар |

| | | |
|---|---|---|
| | 3.4 Кейс-стадида бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс-стади билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниклаштиришга қаратади.<br>3.5 Уйга вазифа: Мустақил равишда вазиятни индивидуал таҳлил қилишни вазифа қилиб беради. | Йўриқнома билан танишадилар<br><br>Тинглайдилар.<br><br>Вазифани дафтарга қайд қилиб олади. |

| 37-мавзу | Биосфера ва унинг чегаралари, таркиби, функцияси. Биосфера биомассаси. Ер. |
|---|---|

**Кейс-стади иккинчи ўқув машғулотинингўқитиш технологик модели.**

| *Ўқувчилар сони: 30* | *Вақти: 2 соат* |
|---|---|
| Ўқув машғулоти шакли ва тури | Амалий - билимларни мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича кейс ўқув машғулоти. |
| Ўқув машғулот режаси | 1. Кейс мазмунига кириш.<br>2. Ўқувчилар билимини фаоллаштириш мақсадида “Блиц - сўров” ўтказиш.<br>3.Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш.<br>4.“Кейс – стади”ни гурухларда ечиш.<br>5.Натижалар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш.<br>6.Муҳокама этилаётган муаммони “Т-схема” жадвали асосида таҳлил этиш.<br>7..Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра ўқувчилар фаолиятини баҳолаш.<br>8. Биосфера ва унинг чегаралари, таркиби, функцияси ҳамда биосфера биомассаси. |
| *Ўқув машғулотнинг мақсади:* Агроэкосистемаларнинг иктисодий самарадорлигини ошириш натижасида келиб чиққан муаммолар тўғрисидаги тушунчаларни шакллантириш, глобалашув жараёнида экологик тахдид ҳамда илмий техник инқилобнинг табиатга, биосферага, инсон организмидаги морфо-функционал ўзгаришларни келтириб чиқараётган зарарли оқибатлар уларни бартараф этиш юзасидан чора- тадбирларни ўрганиш,таҳлил қилиш орқали кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш. Биосфера ва унинг чегаралари, таркиби, функцияси ҳамда биосфера биомассаси ҳақида тушунчаларни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
| 1. Муаммони ҳал этиш бўйича аниқ ҳаракатлар кетма – кетлигини тушунтириб беради; | муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди;<br>муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим |

| | |
|---|---|
| 2.Муаммоли вазифаларни ечишга шарт-шароит яратади;<br>3. Кейс-стади тақдимотига кўрсатма беради.<br>4 Мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради.<br>5.Тақдимот муҳокамасини шакллантиради.<br>6.Т-схема жадвалини тўлдириш учун топшириқ беради.<br>7. Биосфера ва унинг чегаралари, таркиби, функцияси ҳамда биосфера биомассаси ҳақида тушунтириш. | топади;<br>Тақдимотга берилган кўрсатмага амал қиладилар.<br><br>Якуний мантиқий хулосалар чиқаради<br>Тақдимот муҳокамасида қатнашадилар асосий натижаларини баҳолашади.<br>Топшириқга жавоб берадилар ва Т-схема жадвалини тўлдирадилар.<br><br>Топшириқларни ёзиб оладилар. |
| *Ўқитиш методлари* | Кейс-стади усули, кузатув, муаммоли вазиятлар усули. |
| *Ўқитиш воситалари* | Кейс стади матни, ўқувчиларга услубий кўрсатмалар, слайдлар, Т-жадвал, проектор. |
| *Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари* | оммавий, жамоавий, гуруҳли, индувидиал. |
| *Ўқитиш шарт-шароити* | Техник воситалар билан таъминланган аудитория. |
| *Қайтар алоқанинг усул ва воситалари* | Оғзаки назорат: савол-жавоб, блиц-сўров, кичик гуруҳлар тақдимоти, баҳо тизими асосида баҳолаш. |

**Ўқув машғулотнинг технологик картаси**

| Босқичлар, вақт | Фаолият | |
|---|---|---|
| | ўқитувчи | ўқувчилар |
| I - босқич. Мавзуга кириш (10 дақиқа) | ***Ташкилий бошланиш.***<br>1.1.Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва аҳамиятига тўхталиб ўтади.<br>1.2. Кичик гуруҳларда ишлаш тартиби, кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари билан таништиради. | Тинглайдилар, аниқловчи саволлар берадилар |

| | | |
|---|---|---|
| 2-босқич.<br>Асосий<br>(60 мин.) | ***Ўқувчилар билимини фаоллаштириш.***<br>2.1.Инсон ривожланишида биологик ва ижтимоий омиллар таъсири мавзуси бўйича ўқувчилар билимларини долзарблаштириш учун блиц-сўров ўтказади (1-илова)<br>2.2. Кейс-стадида бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс-стади билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади Қуйидагича топшириқ беради: кейс-стади билан индивидуал ишлаш натижаларини муҳокама қилиш, вазиятни жамоа бўлиб саволларни таҳлил этиш 1ва 5саволларга ақлий хужум методидан фойдаланилади, муаммоли вазиятнинг индивидуал ечими бўйича баҳолаш ва танлаш, такди тайёрланиш (2-илова).<br>***Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш.***<br>2.3. Кичик гуруҳларда кейс-стади билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади Ўқув фаолиятини мувофиқлаштиради, маслаҳат беради, йўналтиради. Индивидуал иш натижаларини текширади ва баҳолайди<br>2.4. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишда ёрдам беради, изоҳ беради Тақдимотни, тақдимотлар муҳокамаси ва ўзаро баҳоланишини ташкил этади. | Саволларга жавоб берадилар, муҳокама қиладилар, аниқловчи саволлар берадилар.<br><br>Ўқув топшириғини бажаради иш натижалари тақдимотини ўтказадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | Жавобларни изоҳлайди, ўзгартиради, вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш жараёнида берилган хулосаларга алоҳида эътибор қаратади.<br>2.5. Кейс-стади ечими бўйича ўз вариантини маълум қилади.<br>2.6. Ўқувчиларнинг фикрларини умумлаштириб бўлгач, ўқитувчи инсон ривожланишида биологик ва ижтимоий омиллар таъсири хақида гапириб ушбу муаммодан келиб чиққан ҳолда ҳар бир гуруҳга "Т – схема" жадвалидан фойдаланилган ҳолда "Инсоннинг табиатга салбий ва ижобий таъсири қандай?" – деб савол билан мурожаат қилади (3-илова) | **Мунозарада қатнашадилар, саволлар берадилар, баҳолайдилар** |
| 3-боскич. Якунловчи-баҳоловчи, 10 мин. | ***Якуний умумий хулоса.***<br>3.1. Машғулотга якун ясайди, ўкув фаолияти натижаларини умумлаштиради, индивидуал ва биргаликдаги ишга баҳоларни эълон қилади. Олинган билимларнинг келгусидаги ўқув фаолияти учун аҳамиятини қайд этади.<br>3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изоҳ беради. Яна бир бор "Кейс-стади"нинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтади | **Тинглайдилар, аникловчи саволлар берадилар**<br><br>**Тинглайдилар** |

**1-илова**

**Мавзу бўйича блиц-саволлар**

1.Инсон дастлаб табиатга қандай таъсир ўтказган?

2.Инсон экологияси деганда нимани тушунасиз?

3. Инсон экологиясининг мухим вазифалари нимадан иборат?

4.Инсон ўз эхтиёжларини табиатга зарар етказмасдан туриб ҳам қондира олиши мумкинми?

5.Орол денгизининг куриб бораётганлигига сабаби нимада деб ўйлайсиз?

6. Касаллик турларининг кўпайиб кетганлик сабаблари нимада ?

2-илова

*“Ақлий хужум” методининг асосий қоидалари*

- Илгари сурилган фикр ва ғоялар танқид остига олинмайди ва баҳоланмайди;
- Таклиф қилинаётган фикр ва ғоялар қанчалик фантастик ва антика бўлса ҳам, уни баҳолашдан ўзингизни тийинг!
- Танқид қилманг – ҳамма билдирилган фикрлар бир ҳилда бебаҳодир.
- Фикр билдирилаётганда бўлманг!
- Мақсад – фикр ва ғоялар сонини кўпайтириш.
- Қанчалик кўп фикр ва ғоялар билдирилса шунчалик “яхши”. Янги ва бебаҳо фикр ва ғоянинг пайдо бўлиш эхтимоли пайдо бўлади.
- Агар фикрлар қайтарилса асабийлашманг ва ҳайрон бўлманг.
- Хаёллар “тўзғишига” ижозат беринг.
- Бу муаммо фақатгина маълум методлар ёрдамидагина ҳал бўлиши мумкин, деб ўйламанг.
- Фикрлар “хужуми”ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга қатъий риоя қилиниши шарт. Берилган саволга қисқача (1-2 сўздан иборат) жавоб берилади.

3-илова

**“Т – схема” жадвалини тўлдиринг**

Табиат ва инсон муносабатларининг салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг

| Ижобий томонлари | Салбий томонлари |
|---|---|
| | |

| 2.4 | **“Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан “Антивируслар билан ишлаш қоидалари, компьютер вирусларидан сақланиш” мавзуси бўйича кейс-стади.** ***Халикова М., Сиддиқова С.Ғ., Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ва Бухоро нефт ва газ саноати касб-ҳунар коллежи*** |
|---|---|

## I. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Ўкув фани:** Ахборот технологиялари.

**Мавзу:** Антивируслар билан ишлаш қоидалари, компьютер вирусларидан сақланиш.

**Берилган кейс-стадининг мақсади:** Ўқувчиларда корхонадаги мавжуд компьютерлар учун антивирус дастурларининг энг оптимал вариантларини танлаш режасини тузиш учун антивирус дастурлар бўйича билим ва кўникмаларни ривожлантириш, ўтилган мавзулар бўйича эгалланган билимларини текшириб кўришдан иборат.

**Кутилаётган натижалар:** ўрганилаётган мавзу бўйича амалий кўникмаларга эга бўлади; антивирус турларини ўрганади ва таҳлил қилади. Антивирус дастурларини ўрнатиш ва созлашни ўрганади; муомоларни ечиш учун антивирус дастурларининг қиёсий таҳлилини ўтказади; муоммоларни ечиш учун корхонада мавжуд компьютерлар ва тармоклар архитектурасини ўрганади; корхона фаолиятида қўлланиладиган компьютер ва тармоқ технологиялари учун антивирус дастурларининг энг мақбул вариантларини танлашни ўрганади; ҳар бир фаолият тури бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш кўникмалари шаклланади; конкрет қарорлар қабул қилишни ўрганади.

**Кейс-стадини муваффақиятли бажариш учун ўқувчи қуйидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

**Ўқувчи билиши керак:** корхона фаолиятида қўлланиладиган компьютер технологиялари; корхонада мавжуд тармоқ турлари тўғрисида тўғрисида; антивирус дастурларининг турлари тўғрисида; антивирус дастурларининг қиёсий таҳлили; антивирус дастурларини ўрнатиш ва созлаш;

**Ўқувчи амалга ошириши керак:** мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқаради; маълумотларни таққослайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

**Кейс-стадида реал вазият баён қилинган. Кейс-стадининг объекти –** Корхона (Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи)даги компьютер ва тармоқ технологиялари

**Кейс-стадида ишлатилган маълумотлар манбаи:**

Корхонада мавжуд компьютер технологиялари учун ўрнатилган антивирус дастурлари билан вужудга келган муаммолар асосида олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

**Кейс-стадининг типологик хусусиятларига кўра характеристикаси:**

мазкур кейс-стади кабинетли кейс-стади тоифасига кириб, сюжетсиз ҳисобланади. кейс-стади муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга хамда таҳлил қилишга қаратилган.

Бу **ташкилий-институционал кейс-стади, таҳлилий ёзишма кўринишида тузилган.**

**У тузилмаланмаган,** қисқа ҳажмдаги кейс-стади – технология ҳисобланади. Ўқув топшириғини тақдим этиш усули бўйича – кейс-стади топшириқ.

**Дидактик мақсадларга кўра** тренингли кейс-стади ҳисобланади, шунингдек бу кейс-стади амалий машғулоти давомида белгиланган мавзу бўйича олинган билимларни мустаҳкамлашга мўлжалланган.

Ушбу кейс-стади касб-ҳунар коллежлари 2-босқич ўқувчилари учун "Ахборот технологиялари", фанида фойдаланилиши мумкин.

## II.Кейс-стади: "Антивируслар билан ишлаш қоидалари, компьютер вируслардан сақланиш"

**Кириш.** Ҳозирги кунда вируслардан ҳимояланиш ҳар бир компьютер фойдаланувчиси олдида турган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Компьютер вирусларидан келадиган зарарлар миллиардлаб долларлар билан белгиланади.

Хозирги кунда 20000 дан ортик компютер вируслари мавжуд бўлиб, улар компютерда маълумотларнинг ишончли сақланишига хавф солади ва компютер ишлаши жараёнида турли муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис компютер вируслари, уларнинг турлари, етказадиган зарарлари хамда улардан химоялниш учун кўриладиган чоралар билан таниш бўлиши мухим.

Бунда, асосан зарар кўрадиганлар лийей, иниститут, университетлар ва бошқа ташкилотлардир. Бундай муассаса компютерларда маълумотлардан фойдаланиш очиқ ва чегарасиз бўлганлиги учун вирусларнинг қурбони бўлади ва катта моддий талофат кўради. Шу боис, компютер ишини назоратга олиш мухимдир. Компютер ишини назоратга олиш деганда нимани тушинилади? Унга қуйидагилар киради:

- лицензиясиз дастурий таъминотдан фойдаланмаслик.
- ташқаридан киритиладиган вирусларни олдини олиш.
- тизимга санкциясиз курувчи хаккерларга имкон бермаслик.

Ахборот ва дастурлари хавфсизлигиини таъминлаши учун қуйидагилар зарур бўлади. Биринчидан лицензияланган дастурий таъминотини ишлатиш . Иккинчидан, ташқари тармокларга уланишда филтр чеклавчилар ўрнатиши (вируслардан химояланиш ва санкциялар фойдаланишни чеклаш). Албатта бундай химоя воситалари узулуксиз ривожланиб токомиллашиб бормокда

Компьютер вируси – махсус ёзилган дастур бўлиб, компьютерда ишлашда барча мумкин бўлган халақитларни яратиш, файл ва каталогларни бузиш дастурлари ишдан чиқариш мақсадида ҳисоблаш тизимларига, компьютернинг тизимли соҳаларига, файлларга тадбиқ қилинадиган, ўзларининг нусхаларини яратиш, бошқа дастурларга ўз-ўзидан бирикиб оладиган хоссаларга эгадирлар.

Муҳим маълумотларни ҳимоя қилиш масаласида кўпинча маиший ёндашиш ишлатилади: "касаликни даволагандан кўра унинг олдини олган "яхши"рок". Афсуски, айнан у энг бузувчи оқибатларни келтириб чиқаради. Компьютерга вирусларни кириб олиш йўлида баррикадаларни яратиб олиб, уларнинг мустаҳкамлигига ишониб ва бузувчи ҳужумдан кейинги ҳаракатларга тайёр бўлмасдан қолмаслик керак. Шу билан бирга, вирусли ҳужум, бу муҳим маълумотларни йўқотишни ягона бўлмаган ҳаттоки кенг тарқалмаган сабабидир. Шундай дастурли узилишлар мавжудки, улар операцион тизимни ишдан чиқариш мумкин ҳамда шундай аппаратли узилишлар борки, улар каттик дискни ишлашга лаёқатсиз қилиб қўйиш қобилиятига эгадирлар. Ўгирлаш, ёнғин ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида муҳим маълумотлар билан биргаликда компьютерни йўқотиш эҳтимоли ҳар доим ҳам мавжудлир. Шунинг учун хавфсизлик тизимини яратишни биринчи навбатда "охиридан" бошлаш керак – исталган таъсирни, у вирус ҳужуми, хонада ўгирлик ёки каттиқ дискни физик ишдан чиқиш бўлишидан қатъий назар, бузувчи оқибатларини бартараф этишдан бошлаш керак.

Маълумотлар билан ишончли ва хавфсиз ишлашга фақат шундагина эришиладики, агар исталган кутилмаган ҳодиса, шу жумладан компьютерни тўлиқ физик ишдан чиқариш ҳам, салбий оқибатларга олиб келмаслиги керак.

***Кейсдаги асосий муаммо антивирус дастурларининг қиёсий таҳлили асосида корхонадаги мавжуд компьютерлар учун антивирусларнинг энг мақбул (оптимал) вариантларини ишлаб чиқишга қаратилган.***

## Антивируслар билан ишлаш қоидалари, компьютер вирусларидан сақланиш

Коллежда 186 та компьютер технологиялари мавжуд бўлиб, уларнинг 2 донаси PENTIUM II, 40 донаси PENTIUM III, қолганларини PENTIUM IV компьютерлари ва 5та нодбук компютерлари ташкил этади. 75донаси 5 та компьютер синфларида ҳамда 58 донаси шахсий компьютерлардир. Компьютер синфлари локал тармоққа бирлаштирилган, 3 та компьютер синфи Uz-Online орқали интернет тармоғига уланган. 5 дона Билайн-USB модемлар орқали интернетга уланиш амалга оширилади́. Коллеж директори И.А.Абдукадиров 2 курс ўқувчисига вирусларидан зарарланган компютерларни, ишлаш жараёнларида файл ва каталогларни бузилиши, дастурлари ишдан чиқириши, компьютернинг тизимли соҳаларини бузилиши сабабли уларни олдини олиш сифатида тадбиқ этилган Антивирус дастурларини ўрнатиш ва созлашни тайинлади.

Ҳозирги кунда вируслардан ҳимояланиш ҳар бир компьютер фойдаланувчиси олдида турган асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Компьютер вируси – махсус ёзилган дастур бўлиб, компьютерда ишлашда барча мумкин бўлган халақитларни яратиш, файл ва каталогларни бузиш дастурлари ишдан чиқариш мақсадида ҳисоблаш тизимларига, компьютернинг тизимли соҳаларига, файлларга тадбиқ қилинадиган, ўзларининг нусхаларини яратиш, бошқа дастурларга ўз-ўзидан бирикиб оладиган хоссаларга эгадирлар.

Компютер вирусларини қуйидаги гурухларга ажратиш мумкин. Дискнинг юкланиш секторларини бузадиган юкланиш вируслари, бажариладиган файллар-exe, sys, bat файлларини бузадиган файл вируслари, дискнинг юкланиш сектори ва бажариладиган файлларини бузадиган юкланиш файли вируслари . Stels (stelth)- кўринмас вируслар. Microsoft Word мухаррири ёрдамида хосил қилинган маълумотлар файлларни ёзувчи – макробуйруқ вируслари. Бундан ташқари бошқа турдаги вируслар хам мавжуд. Вируслардан химояланишда ахборотнинг химоя қилишнинг умумий воситаларидан фойдаланиш кифоя қилмайди.

Ҳозирги вақтда вирусларни йўқотиш учун кўпгина усуллар ишлаб чиқилган ва бу усуллар билан ишлайдиган дастурлари антивируслар деб аталади. Антивирусларни, қўлланиш усулига кўра, қуйидагиларга ажратишимиз мумкин: детекторлар, фаглар, вакциналар, прививкалар, ревизорлар, мониторлар. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

**AIDSTEST** –вирусларни аниқлаш ва ёъқотиш учун мужалланган вирусга қарши кўп қиррали дастур ( хар хафтада ягиланиб туради ).

**Doctor WEB(Dr Web)-** янгидан яратилган, маълум ва номаълум вирусларни аниқлаш ва юқотиш учун ишлатиладиган вирусга қарши дастур. У архивланган ва ваксияланган файлларда хам вирусларни аниқлай олади. (хар ойда ўртача 2 марта янгиланади ).

**ADINF** – дискдаги барча ўзгаришларни назорат қилувчи, дискларнинг вирусга қарши ревизор дастури (бир йилда бир неча марта янгиланади). Дискдаги барча дастуралрнинг физик камчиликларини назорат қилади. Дискнинг тизимли сохасини ва файллари холатини эслаб қолади ва қайта юклашда дискдаги ўзгаришларни аниқлайди, агар бирор хафли ўзгаришлар аниқланса, фойдаланувчига бу хақда хабар беради.

**ADINF CURE MODVLE- ADINF -** дисклар ревизордаги даволаш модели бўлиб, ревизор томонидан зарарланганлиги аниқланади файлларни автоматик холатда тиклайди (йилига бир неча марта янгиланади ).

**SHERIF** – қаттиқ дискдаги операсион тизим, дастурлар ва маълумотлар файлларни 100% кафолат билан химояловчи резидент дастур.

Бу дастурлар асосан MS DOS мухитида ишлатилади (уларни Windows мухитига мослаш хам мумкин ). Амалда юқоридагиларнинг биттасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бирор дастурни ўрнатиб, уни доимий равишда янгилаб борилса, фойдалироқ бўлади. Компютерга вирус юққанда (ёки юққанлик хақида гумон бўлса) қуйидаги қоидаларни эсда тутиш ва қўллаш лозим:

1.Дастлаб, қарши кураш қарорларини қабул қилишга шошмаслик керак. Ўйламасдан қилинган харакатлар тиклаш мумкин бўлган файлларнинг бир қисмини ёъқотишгина эмас, балки кампютерни яна қайта касаллантиришга олиб келиши мумкин.

2. Вирус ўзининг бузгъунчилигини давом эттирмаслиги учун компютерни ўчириш лозим.

3. Компютер касалланиши ва даволаш кўринишини аниқлашга мўлжалланган барча амалларни ёзишдан химояланган операсион тизимли диск билан компютерни ишга тушириш орқалигина бажариш мумкин.

Мухим маълумотларни ҳимоя қилиш масаласида кўпинча маиший ёндашиш ишлатилади: "касаликни даволагандан кўра унинг олдини олган "яхши"роқ".

**Саволлар:**

1. Сизнингча ушбу ҳолатда муаммо мавжудми ва агар бор бўлса у қандай муаммо?
2. Ушбу вазиятда муаммони қайд этувчи қандай исбот-далилларни келтира оласиз?
3. Мазкур ҳолатдаги салбий таъсир этувчи ҳолатларни аниқланг ва сабабини ажратиб кўрсатинг.
4. Муаллифнинг ечими сизни қониқтирадими?
5. Бундай вазиятда сиз муаммони қандай бартараф этган бўлар эдингиз?

## III.Амалий вазиятни босқичма – босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик кўрсатмалар

### Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1.Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2.Биринчи саволга жавоб беринг.

3.Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

**"Д"** ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,

**"С"** ҳарфи – муаммо сабабларини,

**"О.О.Й."** ҳарфлари – муаммони олдини олиш йўллари.

4.Ушбу белгилар 2,3,4 саволларга ечим топишга ёрдам беради.

5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

### Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома.

1.Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.

2. Гуруҳ сардорини танланг.

3.Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг.

**Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали**

| Муаммони тасдиқловчи далиллари | Муаммони келиб чиқиш сабаблари | Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим | Гуруҳ ечими |
|---|---|---|---|
| | | | |

Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

**Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| Ўқувчилар рўйхати | Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган макс. 6 б | Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 б | Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган макс. 10 б | Жами макс.20 б |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

**Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| Гуруҳлар рўйхати | Гуруҳ фаол Макс. 1 б | Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс. 4 б | Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс. 5 б | Жами макс. 10 б |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

8-10 балл – “аъло”, 6- 8 балл – “яхши”, 4- 6 балл – “қониқарли”, 0 -4 балл – “қониқарсиз”.

**Ўқув-методик ҳужжатлар**

**Компютерларни бузувчи оқибатларнинг салбий иллатлари**

***Компьютер вируси*** – бу ўз-ўзидан кўпаювчи, компьютер тармоқлари ва ахборот ташувчилари орқали эркин тарқалувчи, ҳамда компьютер ва унда сақланаётган ахборот ва дастурларга зарар етказувчи дастур коди ёки командалар кетма-кетлиги ҳисобланади.

***Бажариладиган файллар-exe, sys , bat файлларини бузадиган файл вируслари*** – бу ўз-ўзидан кўпаювчи, компьютер тармоқлари ва ахборот ташувчилари орқали эркин тарқалувчи, ахборот ва дастурларга зарар етказувчи командалар кетма-кетлиги ҳисобланади.

***Дискнинг юкланиш секторларини бузадиган юкланиш вируслари*** – бу ўз-ўзидан кўпаювчи, диск ёки локал тармоқлари орқали эркин тарқалувчи, ҳамда компьютер ва унда сақланаётган ахборот ва дастурларга зарар етказувчи дастур коди ёки командалар кетма-кетлиги ҳисобланади.

***Стелс (stelth)- кўринмас вируслар*** – бу кўринмас вируслар бўлиб, ўлчами бўйича катта бўлмаган махсус ёзилган дастур, компютерда ноҳуш амалларнибажаради.

***Microsoft Word мухаррири ёрдамида хосил қилинган маълумотлар файлларни ёзувчи –макробуйруқ вируслари.*** – бу ахборот ташувчилари оркали эркин тарқалувчи, ахборот ва дастурларга зарар етказувчи дастур хисобланади.

**IV.Ўкитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианти**

***Кейс-стадидаги асосий муаммо***

"Антивирус дастурларининг қиёсий таҳлили асосида корхонадаги мавжуд компьютерларнинг оптимал вариантларидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари".

***Муаммони тасдиқловчи далиллар***

Муаммоли вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Жамиятимизда учраб турадиган салбий иллатларни аниклаймиз.

1. Компьютер вируси.
2. Дискнинг юкланиш секторларини бузадиган юкланиш вируслари.
3. Бажариладиган файллар-exe, sys, bat файлларини бузадиган файл вируслари.
4. Дискнинг юкланиш сектори ва бажариладиган файлларини бузадиган юкланиш файли вируслари.
5. Stels (stelth)- кўринмас вируслар.
6. Microsoft word мухаррири ёрдамида хосил қилинган маълумотлар файлларни ёзувчи –макробуйруқ вируслари.

***Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари:***

Ҳозирги кунда вируслардан ҳимояланиш. Компьютер вирусларидан келадиган зарарлар миллиардлаб долларлар билан белгиланади. Компьютер вируси – махсус ёзилган дастур бўлиб, компьютерда ишлашда барча мумкин бўлган халақитларни яратиш, файл ва каталогларни бузиш дастурлари ишдан чиқариш мақсадида ҳисоблаш тизимларига, компьютернинг тизимли соҳаларига, файлларга тадбиқ қилинадиган, ўзларининг нусхаларини яратиш, бошқа дастурларга ўз-ўзидан бирикиб оладиган хоссаларга эгадирлар.

***Муаллиф ўз мақоласида муаммони олдини олдиш қуйидаги йўлларини кўрсатиб берган:*** Компютерга вирус юққанда (ёки юққанлик хақида гумон бўлса) қуйидаги қоидаларни эсда тутиш ва қўллаш лозим:

1.Дастлаб, қарши кураш қарорларини қабул қилишга шошмаслик керак. Ўйламасдан қилинган харакатлар тиклаш мумкин бўлган файлларнинг бир қисмини ёъқотишгина эмас, балки кампютерни яна қайта касаллантиришга олиб келиши мумкин.

2. Вирус ўзининг бузғунчилигини давом эттирмаслиги учун компютерни ўчириш лозим.

3. Компютер касалланиши ва даволаш кўринишини аниклашга мўлжалланган барча амалларни ёзишдан химояланган операсион тизимли диск билан компютерни ишга тушириш орқалигина бажариш мумкин.

Муҳим маълумотларни ҳимоя қилиш масаласида кўпинча маиший ёндашиш ишлатилади: “касаликни даволагандан кўра унинг олдини олган “яхши”роқ”.

***Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари:***

Муҳим маълумотларни ҳимоя қилиш масаласида кўпинча маиший ёндашиш ишлатилади: “касаликни даволагандан кўра унинг олдини олган “яхши”роқ”. Афсуски, айнан у энг бузувчи оқибатларни келтириб чиқаради. Компьютерга вирусларни кириб олиш йўлида баррикадаларни яратиб олиб, уларнинг мустаҳкамлигига ишониб ва бузувчи ҳужумдан кейинги ҳаракатларга тайёр бўлмасдан қолмаслик керак.

Шунинг учун хавфсизлик тизимини яратишни биринчи навбатда “охиридан” бошлаш керак – исталган таъсирни, у вирус ҳужуми, хонада ўғирлик ёки қаттиқ дискни физик ишдан чиқиш бўлишидан қатъий назар, бузувчи оқибатларини бартараф этишдан бошлаш керак.

Маълумотлар билан ишончли ва хавфсиз ишлашга фақат шундагина эришиладики, агар исталган кутилмаган ҳодиса, шу жумладан компьютерни тўлиқ физик ишдан чиқариш ҳам, салбий оқибатларга олиб келмаслиги керак.

**Якуний хулоса**

**Муаммонинг ечими:** Корхонадаги компьютерларнинг характеристикасини аниқлаш, антивирус дастурларининг қиёсий таҳлили асосида энг мақбул вариантларини танлаш. (PENTIUM II ва PENTIUM III компьютерлари учун Dr-Web антивирус дастурини ўрнатиш мақсадга мувофик. PENTIUM IV компьютерларининг қўшимча қурилмалар (принтер, сканер ва ҳ.к.) билан ишлайдиганлари учун Nod-32 ҳамда қолганлари учун эса Kasperskiy антивирус дастурларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

## V. Кейс-стади ўқитиш технологияси

Ўқув машғулотининг технологияси модели

| | |
|---|---|
| *Машғулот вақти*-2 соат | Ўқувчилар сони: 25 –30 гача |
| Машғулот шакли ва тури | Амалий-билимларни мустаҳкамлаш ва кўникма ва малакаларни шакллантириш бўйича ўқув машғулот |
| ***Ўқув машғулот режаси*** | 1. Ўқувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц - сўров ўтказиш.<br>2. Кейс-стади мазмунига кириш. Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш.<br>3. Кейс-стадини гуруҳларда ечиш.<br>4. Натижалар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш.<br>5. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув |

| | |
|---|---|
| | натижаларига кўра ўқувчилар фаолиятини баҳолаш |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Антивирус дастурларининг қиёсий таҳлили асосида компьютерлар учун оптимал вариантларни танлай олиш кўникмаларини шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>- кейс-стади вазияти билан таништириш, муаммони ва уни ечиш вазифаларини ажратишни ўргатиш;<br>- муаммони ечиш бўйича харакатлар алгоритмини тушунтириш;<br>- Антивирус дастурларини қиёсий таҳлил этишни тушунтириш.<br>- компьютерлар учун энг оптимал вариантни танлашни ўргатиш<br>- мантиқий хулоса чиқаришга кўмак бериш | ***Ўқув фаолиятининг натижалари:***<br>- кейс-стади мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради;<br>- вазиятга қараб муаммони ва уни ечиш бўйича вазифаларни таърифлайди;<br>- муаммони ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетма – кетлигини аниқлайди:<br>-Антивирус дастур турларини ўрганади;<br>-уларни қиёсий таҳлил қила олади;<br>-корхонадаги компьютерлар характеристикасини ўрганади;<br>-компьютер учун антивируснинг оптимал варинтини танлайди;<br>- муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди;<br>- муаммони аниклаб, уни ҳал қилишда ечим топади;<br>- якуний мантиқий хулосалар чиқаради. |
| *Ўқитиш методлари* | Кейс-стади, ақлий хужум, инсерт, мунозара, амалий усул |
| *Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари* | Ўқув материали, ўқувчига услубий кўрсатмалар, тақдимот, флипчарт |
| *Ўқитиш воситалари* | Индивидуал, фронтал, жамоа, гурухларда ишлаш |
| *Ўқитиш шароити* | Гурухларда ишлашга мўлжалланган, аудитория |
| *Қайтар алоқанинг йўл ва воситалари* | Блиц-сўров, тақдимот, кузатув |

**Ўқув машғулотининг технологик харитаси**

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | Ўқувчи |
| 1-босқич. Кириш (5 мин.) | ***Ташкилий бошланиш.***<br>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади.<br>1.2. Баҳолаш мезонларини эълон қилади | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |
| 2-босқич. Асосий (80 мин.) | ***Ўқувчилар билимини фаоллаштириш.***<br>2.1.Ўқувчилар билимини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказади (1-илова). | Саволларга жавоб берадилар |

| | | |
|---|---|---|
| | Жавобларни слайдли тақдимот асосида изоҳлайди.<br>***Кейс-стади мазмуни билан танишиш.***<br>2.2.Ўқувчиларга кейс-стади материалларини тарқатади.<br>***Кейс-стади билан якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.***<br>2.3.Кейс-стадида материалларини мухокамасини ташкил қилади, кейс-стади билан ишлаш қоидаларига эътиборни қаратади, муаммога, вазифаларни аниқлаш, уни ечиш алгоритмига эътиборни қаратади. Кейс-стадини мустақил ечишни таклиф қилади.<br>***Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш.***<br>2.4. Таълим олувчиларни 3-та гуруҳга бўлади. Кейс-стади билан индивидуал тарзда ишлаш натижаларини мини гуруҳларда мухокамасини ташкил қилади.<br>2.5. Берилган топшириқни қай даражада тушунганлигини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказади.<br>2.6.Биргаликда танланган кейс-стадини ечиш вариантининг тақдимотини тайёрлашни таклиф қилади.<br>2.7. Тақдимот бошланиши эълон қилади ва гуруҳ сардорларига кейс-стадини ечиш бўйича ишлар натижасини тақдимотини ўтказишни таклиф қилади.<br>2.8. Тақдим этилган ечимларни ўзаро баҳоланишини ташкил қилади.<br>2.9. Ҳар бир гуруҳнинг иш натижаларини умумлаштиради, хулосалар беради. | Кейс-стадини мустақил тарзда ечимини топишадилар.<br><br>Гуруҳларда ишлашади, кейс-стадини ечиш вариантларини биргаликда муҳокама қилишади, оптимал ечиш вариантини танлашади.<br>Гуруҳ ишининг тақдимотини тайёрлашади.<br>Гуруҳ сардорлари кейс-стади ечимининг тақдимотини ўтказишади. |
| 3-босқич. Якуний (5 мин.) | ***Якуний умумий хулоса.***<br>3.1. Таклиф қилинган кейс-стади ечимларини изоҳлайди.<br>3.2. Яна бир бор кейс-стадининг мақсади ва унинг касбий билимларни оширишга таъсирини билдиради.<br>3.3. Мустақил иш учун вазифа беради: кейинги маъруза машғулотига тайёргарлик кўриш. | Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. |

1-илова

**Блиц-сўров савол ва жавоблари**

| № | *Савол* | *Жавоб* |
|---|---|---|
| 1. | Компьютер вируси нима? | Бу ўз-ўзидан кўпаювчи, компьютер тармоклари ва ахборот ташувчилари орқали эркин тарқалувчи, ҳамда компьютер ва унда сакланаётган ахборот ва дастурларга зарар етказувчи дастур коди ёки командалар кетма-кетлиги ҳисобланади. |
| 2. | Антивирус дастурларнинг қандай турларини биласиз? |  |
| 3. | Компьютер вируслари қуйидаги қандай хоссаларга эга: | Ўзидан нусха кўчириш, ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни амалга ошириш.<br>Вирус, аксарият ҳолларда носозлик ва бузилишларга сабаб бўлади ва бирор ҳодиса юз бериши билан, масалан, аниқ куннинг келиши билан ишга туширилиши мумкин. |
| 4. | Вируснинг қандай омиллари мавжуд? |  |

| 2.5 | "Физика" фанидан "Анъанавий ва ноанъанавий энергетик ресурслардан фойдаланиш муаммолари ва уларнинг ечими" мавзуси бўйича кейс-стади.<br>*Нарзуллаев Н., Бухоро давлат техника университети қошидаги 1-сон академик лицей* |
|---|---|

## I. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Ўқув предмети:** физика.

**Мавзу: Анъанавий ва ноанъанавий энергетик ресурслардан фойдаланиш.**

**Берилган кейс-стадининг мақсади:**

Ўқувчиларга энергетик ресурслардан фойдаланиш ҳақида маълумот бериш. Дунёқарашини кенгайтиришга ва мустақил фикрлашга ўргатиш.

Бугунги кунда дунёда энергия муаммоси глабал муаммоларнинг энг баланд чуккисини эгаллади. Бу муаммони бартараф килишнинг энг макбул йулларини излаб топиш, уларни хаётга тадбик килиш хар бир инсонни уйлантириб куйишга кодир масала булиб колди. Энергия манбаларидан окилона фойдаланишни ташкил этиш оркали муаммони камайтиришга эришиш.

Бу борада зарур билимларни бериш ҳамда таҳлил қилиш, уларнинг олдини олиш бўйича чора – тадбирларни ишлаб чиқиш.

Мавзуда кўрсатилган муаммоларни келтириб чиқарувчи сабабларни топиш ва уларни ўзаро боғлаган ҳолда ечимларни аниқлаш.

**Кутилаётган натижалар:** энергия манбаларидан окилона фойдаланиш канчалик мухимлигини тушунади; ўрганилаётган мавзу бўйича амалий кўникмаларга эга бўлади; ўрганилиши назарда тутилаётган тушунчалар ҳақида малакага эга бўлади; муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади.

**Кейс-стадини муваффақиятли амалга ошириш учун ўқувчилар қуйидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

***Ўқувчи билиши керак:*** энергетик ресурслар; энергия ишлаб чикариш усуллари; кайта тикланадиган ва кайта тикланмайдиган энергиялар; энергия олишнинг хавфсиз йуллари; энергиядан окилона фойдаланиш;

***Ўқувчи амалга ошириши керак:***мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқаради; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди; маълумотларни таққослайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

**Кейс-стадида ишлатилган маълумотлар манбаи:**

1.Гелиотеника, Бухоро илмий ахборотномаса, педагогик махорат илмий журналлари.

2.Энергетика сохасида килинган диссертациялар.

3.Интернет маълумотлари.

**Кейс-стадининг типологик хусусиятларига кўра характеристикаси:**

Бу кейс-стади маълумотлар, вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. У ўрта хажмдаги кейс-стади технологияси ҳисобланади, семинарга мўлжалланган ўкув мавзу бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган.

**Дидактик мақсадларга кўра кейс-стади муаммоларни такдим қилишга, уларни хал этишга хамда тахлил қилишга қаратилган**

Ушбу кейс-стадидан академик лицей, касб-хунар коллеж хамда урта мактаб ўкувчилари, физика укитувчилари фойдаланиш мумкин.

## II.Кейс-стади: "Анъанавий ва ноанъанавий энергетик ресурслардан фойдаланиш муаммолари ва уларнинг ечими"

**Кириш.** Давлатимиз рахбари И.А.Каримов - "жахон молиявий-иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида – инкирозга карши чоралар дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлар доирасида хал этишга каратилган асосий вазифалардан бири - электроэнергетика тизимини модернизатсия килиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш. Иктисодиётимизнинг ракобатдошлигини янада кучайтириш, ахоли фаровонлигини юксалтириш кўп жихатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан канчалик тежамли фойдалана олишимизга богликдир" деган эди.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатлари сингари Ўзбекистондаги мутахассис ва олимларнинг олдида турган асосий вазифалардан бири мавжуд экологик аҳволни саклаб қолиш чора-тадбирларини кўриш, керакли таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишдан иборатдир.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг иқлим ўзгариши конвенцияси бўйича ҳамда Ўзбекистон Республикасининг миллий ахборотига асосан, Ўзбекистон териториясида қайта тикланадиган энергия манбаларининг кўрсатгичлари жуда юкори. **Энергетика муаммоси келтириб чикариши мумкин булган экология муаммосининг олдини олиш чоралари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.**

### Инсоният келажагига хавф солаётган энергетика муаммоси ва унинг ечими. Энергетика муаммоси келтириб чикариши мумкин булган озик-овкат муаммоси

XXI асрга келиб инсониятни ташвишга солувчи 3 глобаль муаммо юзага келди. Булар мавжуд энергетик ресурслардан оқилона фойдаланиш билан чамбарачас боғлиқ бўлган озиқ-овқат, энергетика ва экология муаммолари ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг турли-туман эҳтиёжлариниқондириш учун энергетик ресурларни ишлаб чиқариш натижасида атроф-муҳитга 24 млрд. тонна, яъни киши бошига 3,9 тоннадан ортиқ иссиқхона газлари (углерод қўшоксиди, метан ва азот чала оксиди) чиқариб ташланади. Дунё энергияагентлиги (world energy agency) маълумотига асосан 2050 йилга бориб қайта тикланадиган энергия

манбаларининг (renewable energy sources) умумий энергетик балансга нисбатан улуши ~ 40% га етиши таъкидланмоқда. Шундагина 2050 йилга бориб $CO_2$ нинг атроф муҳитдаги миқдорини барқарор ҳолатда саклаб туриш имкони туғилади кейинги босқичда эса бу миқдорни камайтиришга эришиш мумкин. **Асосий муаммо XXI асрдаги инсониятни ташвишга солувчи 3 глобаль муаммо,** энергетик ресурслардан оқилона фойдаланиш билан чамбарачас боғлиқ бўлган **озиқ-овқат, энергетика ва экология** муаммоларидир.

**Ўзбекистонда биомасса ресурслари кўрсатгичлари**

Мавжуд ўрмонлар Республика ҳудудининг 3.2 % қисмини ташкил этиб ушбу ҳудудлар Давлат муҳофазасида. Мамлакатда асосий биомасса қишлоқ хўжалиги чиқиндилари ҳамда пахта ғўзасининг пояси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган Республикамиз ҳудудида қишлоқ хўжалигичиқиндиларидан биогаз ишлаб чиқарувчи комплексларни барпо этиш иқтисодий самарадор ҳисобланади.

**Ўзбекистонда гидроэнергетик ресурслар кўрсатгичлари**

Ўзбекистонда гидроэнергетик ресурслар техник потенциали 21твт.сни ташкил этиб ушбу потенциалнинг 33,3 %и ўзлаштирилган. Кичик гидроэнергетика (яъни қуввати 30,0 мвт гача бўлган гидростанциялар қуриш имконияти бўлган сой, жилға ва дарёчалар) техник потенциали 10,4 твт.с яъни республика гидроэнергетик ресурслари техник потенциалининг ярмини ташкил этади. Ҳозирги вақтда республика дарёлари ва сув омборларида белгиланган қуввати 1,7 гвт бўлган, йилига 5,0-7,0 твт.с элект энергия ишлаб чиқарадиган 31 Гидроэлектростанция қурилган бўлиб яна қуввати 5,8 гвт бўлган 250 Гидростанциялар қуришнинг техник имкониятлари мавжуд. Гидроэнергетик ресурслар техник потенциалини ўзлаштириш амалга оширилганда ёнганда 1,1 млн.т. Хажмда $co_2$ эмиссиясини берадиган ёқилғи тежаб қолинади.

**Ўзбекистонда кайта-тикланадиган энергия манбаларининг асосий кисмини ташкил этувчи куёш Энергияси кўрсатгичлари**

Республикамизда қайта тикланадиган энергия манбалари орасида қуёш энергияси етакчи ўринни эгаллайди. Бу эса ушбу энергия туридан халқ-хўжалигининг турли жабҳаларида кенг фойдаланиш имкони демакдир.

Ўлкамизда йил давомида қуёшнинг нур сочиб туриш вақти 270-300 кунни ташкил қилиб, қуёш нурларига нисбатан тик жойлаштирилган ҳар бир квадрат метр юзага тушадиган қуёш нурланишининг максимал қуввати 1 квтга етади.

Йил давомида республикамиз ҳудудининг ҳар бир квадрат метргоризонтал сатҳига тушадиган қуёш энергиясининг умумий микдори 1650-1750 квт.сга тенг бўлиб 140-150 кг нефть ёқилғиси

- **қуёш иссиқлик қурилмалари:**қуёш ҳаво ва сув иситиш коллекторлари; қуёш мева-сабзавот қуритгичлари; қуёш иссиқхоналари; қуёш сув тозалаш тизимлари.
- **қуёш фотоэлектрик тизимлар:** қуёш фотоэлектрик модуллар; қуёш фотоэлектрик-иссиқлик коллекторлари.

- қуёш концентраторлари:қуёш қозонлари; ясси, параболик ва сферик концентраторлар.
- катта қуёш печи:асосий концентратор бошқарув тизими; гелиостатлар автоматлашган бошқарув тизими; керамик материаллар синтези.
- стирлинг двигатели:стирлинг двигателини ишлаб чиқиш ҳамда қуёш концентратори билан мужассамлаштириш.

Марказлашган электр таъминоти тизимидан узоқда жойлашган истеъмолчилар учун қуёш электростанциялари Стирлинг циклига асосланиб ишловчи мазкур двигатель ташқи иссиқлик энергияси ҳисобига ишлайди (газ, қуёш энергияси ёки бошқа турдаги ёқилғилар). Стирлинг двигатели ёрдамида қуёш энергиясини термодинамик ўзгартиришиссиқлик ва электр энергияси олиш имконини беради. Тошкент вилояти паркент туманидаги катта қуёш печи дунёда энг йирик мазкур типдаги иншотлардан бири.

- Қуввати: $10^6$ Вт.
- Фокуси диаметри: 0.5 м.
- Ҳарорат: 2000 С гача.

Ўз навбатида Ўзбекистонда экологик муаммони ҳал қилишнинг ечимларидан бири сифатида таклиф этилаётган чоралардан бири бу мавжуд анъанавий энергетик ресурлар билан бир қаторда ноанъанавий яъни қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишдир. Бу эса бир вақтнинг ўзида хам энергетик хам беради, яъни мавжуд энергетик ресурсларни тежаш ҳамда экологик тоза ресурслардан фойдаланиш ҳисобига атроф муҳитга ис гази оқимини кескин камайишига эришилади.

### III.Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик кўрсатмалар

| Иш боскичлари | Маслаҳатлар ва тавсияномалар. |
|---|---|
| 1. Кейс-стади ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш | Аввало кейс-стади билан танишинг.“Энергетика муаммолари, келиб чикиш сабаблари ва уларнинг ечими” ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг. |
| 2.Берилган вазият билан танишиш | Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейс-стадидаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг. Ушбу вазият энергия захираларини камайишига олиб келган унсурлар ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдиряпди. Бу тавсифида берилган далилларни санаб ўтинг ва қайсиси аниклаштирилиши лозимлигини аникланг |

| | |
|---|---|
| 3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш | Асосий ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг.<br>***Асосий муаммо:*** **Инсоният келажагига хавф солаётган энергетика муаммоси ва унинг ечими.** |
| 4. Муаммоли вазиятни ечиш усул ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш | Ушбу муаммони олдинни олиш ҳаракатлари излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган "Муаммоли вазият" жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс-стади билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг |

**Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома**

1. Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.
2.Гуруҳ сардорини танланг.
3.Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг

**"Муаммоли вазият" жадвалини тўлдиринг**

| Муаммолар | Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари | Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари |
|---|---|---|
| 1. Инсоният келажагига ҳавф солаётган энергетика муаммоси ва унинг ечими.<br>2. Энергетика муаммоси келтириб чикариши мумкин булган озик-овкат муаммоси.<br>3. Энергетика муаммоси келтириб чикариши мумкин булган экология муаммоси. | | |

4.Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

**Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| Ўқувчилар рўйхати | Асосий муаммоажратиб олиниб, тадқиқот объекти аникланган макс. 6 б | Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 б | Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган макс. 10 б | Жами макс.20 б |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

**Аудиторияда бажарилган иш учунбаҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| Гуруҳлар рўйхати | Гуруҳ фаол<br>макс. 1 б | Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди<br>макс.4 б | Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди<br>макс.5 б | Жами<br>макс.10 б |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

8-10 балл – “аъло”, 6- 8 балл – “яхши”, 4- 6 балл – “қониқарли”, 0 -4 балл – “қониқарсиз”.

## IV. Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианти

*Маммо:*

Инсоният келажагига ҳавф солаётган энергетика муаммоси ва унинг ечими. Энергетика муаммоси келтириб чикариши мумкин булган озик-овкат муаммоси. Энергетика муаммоси келтириб чикариши мумкин булган экология муаммосининг олдини олиш чоралари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Вазифалар:**

- берилган вазият бўйича ўқув адабиёти, слайд ва видео роликлар билан танишиб чиқиш;
- берилган муаммоли вазият билан танишиб чиқиш ва таҳлил қилиш;
- вазиятдаги муаммоларни аниқлаш;
- муаммоли вазиятдаги тушунча ва таянч иборалар устидан ишлаш;
- муаммоли вазият жадвалини тўлдириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- муаммоли вазият бўйича хулосани шакллантириш;

*Муаммоли вазиятни ечиш йўллари*

Инкирозга карши чоралар дастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлар доирасида хал этишга каратилган асосий вазифалардан бири - электроенергетика тизимини модернизатсия килиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш. Иктисодиётимизнинг ракобатдошлигини янада кучайтириш, ахоли фаровонлигини юксалтириш кўп жихатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан канчалик тежамли фойдалана олишимизга богликдир.

Нефть ва газ соҳасида Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги мисолида буни куришимиз мумкин:

• 2008-май. “uzbekneftegas” миллий холдинг компанияси ҳамда “kogas” корея газ корпорацияси ўртасида келишув.

•2008-ноябрь.“uzbekneftegas”миллий холдинг компанияси ҳамда “knoc” корея миллий нефть корпорацияси ўртасида келишув.

• 2008-декабр. жанубий корея ҳамда марказий осиё давлатлари хамкорлиги бўйича иккинчи форум доирасида “uzbekneftegas” (ўзбекистон)

ҳамда “dongho enc” (korea) ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

• 2009-май. жанубий корея президенти lee myung-bak ва ўзбекистон президенти ислом каримов тошкентда ўзаро иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш айниқса энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш борасида музока олиб бришди.

• “uzbekneftegas” миллий холдинг компанияси ҳамда “kogas” корея газ корпорацияси ўртасида оролбўйи ҳудудидаги сургил газ заҳирасидан 96 млн.т. суюлтирилган табиий газ (lng) ишлаб чиқариш бўйича келишув имзоланди.

• корея томони шунингдек навои халқаро аэропорти негизида ҳудудий логистика марказини барпо этишда асосий ҳамкор сифатида иштирок этмоқда.

• корея ўзбекистоннинг осиёдаги энг йирик инвесторига айланиб умумий инвестиция миқдори 1.19 млрд. $ га етди.

## V. Кейс-стади ўқитиш технологияси

Ўқув машғулотининг технологияси модели

| | |
|---|---|
| *Мавзу* | Анъанавий ва ноанъанавий энергетик ресурслардан фойдаланиш. |
| *Ўқувчилар сони: 21* | *2 соат* |
| *Ўқув машғулоти шакли* | Билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган амалий машғулот |
| *Амалий машғулот режаси* | 1.Кейс-стади мазмунига кириш.<br>2. Ўқувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида “Блиц - сўров” ўтказиш.<br>3. Кейс-стади мазмуни билан танишиш ва якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.<br>4. “Кейс-стади”ни гуруҳларда ечиш.<br>5.Натижалар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш.<br>6. Муҳокама этилаётган муаммони “Т-схема” жадвали асосида таҳлил этиш.<br>7. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра ўқувчилар фаолиятини баҳолаш |
| *Машғулотнинг мақсади:* Мавзуда кўрсатилган муаммоларни келтириб чиқарувчи сабабларни топиш ва уларни ўзаро боғлаган ҳолда ечимларни аниқлаш.. | |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқувфаолиятинатижалари:.* |

| | |
|---|---|
| • кейс-стади мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади;<br>• "Анъанавий ва ноанъанавий энергетик ресурслардан фойдаланиш" муаммосига оид вазият билан таништиради;<br>• муаммони ажратиб олишга ўргатади, таққослашга, таҳлил қилишга умумлаштиришга кўмак беради;<br>• муаммони ҳал этиш бўйича аниқ ҳаракатлар кетма – кетлигини тушунтириб беради;<br>• муаммоли вазифаларни ечишга шарт-шароит яратади;<br>• мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради. | • кейс-стади мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради;<br>• "Анъанавий ва ноанъанавий энергетик ресурслардан фойдаланиш" муаммосини ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетма – кетлигини аниқлайди;<br>• Муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди;<br>• муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади;<br>• якуний мантиқий хулосалар чиқаради. |
| *Ўқитиш методлари* | Кейс-стади, ақлий ҳужум, мунозара, амалий усул |
| *Ўқитиш воситалари* | Ўқув материали, ўқувчига услубий кўрсатмалар, тақдимот, флипчарт |
| *Ўқитиш шакллари* | Индивидуал, фронтал, жамоа, гуруҳларда ишлаш |
| *Ўқитиш шарт-шароитлари* | Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган, аудитория |
| *Қайтар алоқа усул ва воситалари* | Блиц-сўров, тақдимот, кузатув |

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси

| *Иш жараёнлари вақти* | *Фаолиятнинг мазмуни* | |
|---|---|---|
| | *ўқитувчи* | *ўқувчи* |
| I - босқич. Мавзуга кириш (10 дақиқа) | ***Ташкилий бошланиш.***<br>1.1.Ўқувчилар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади.<br>***Кейс-стадига кириш.***<br>1.2. Кейс-стади машғулоти мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва аҳамиятига тўхталиб ўтади.<br>1.3. Семинарда ишлаш тартиби ва баҳолаш мезонлари билан таништиради. | Тинглайдилар<br><br>Танишадилар<br>Ёзиб оладилар. |
| II - босқич. Асосий (60 дақиқа) | ***Ўқувчилар билимини фаоллаштириш.***<br>2.1.Мавзу бўйича таълим олувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида | Муҳокама қиладилар |

| | | |
|---|---|---|
| | блиц-сўров ўтказади.<br>***Кейс-стади мазмуни билан танишиш.***<br>2.2.Кейс-стади мазмуни билан танишиб чиқиш учун ўқувчиларга материалларни тарқатиб чиқади. Уларга кейс-стади материалларини тарқатади.<br>***Кейс-стади билан якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.***<br>2.3. Кейсни ечишда “Кейс-стади” вазифаси ва унинг ўрнини аниқлаш ва кейс вазиятни мустақил тахлил қилиш учун йўриқнома беради.<br>2.4.Кейс-стадида бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс-стади билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади.<br>2.5.Мустақил равишда вазиятни индивидуал таҳлил қилишни таклиф қилади.<br>***Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш.***<br>2.6. Ўқувчиларни 3 ёки 4 та кичик гуруҳларга ажратади. Кейс билан индивидуал тарзда ишлаш натижаларини мини гуруҳларда мухокамасини ташкил қилади.<br>2.7. Берилган топшириқни қай даражада тушунганлигини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказади.<br>2.8.Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб, вазиятни кичик гуруҳларда жамоавий “Муаммони вазият жадвали” усулидан фойдаланилган ҳолда ечишни таклиф қилади.<br>2.9. Кичик гуруҳларда кейс-стади билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради. Гуруҳларга топшириқни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.<br>2.10. Ҳар бир гурух топшириқларни ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтка-зишда ёрдам беради, изох беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга | Вазиятни мустақил равишда таҳлил қиладилар<br><br>Гуруҳларга ажралади, ёзиб оладилар, топшириқлар устида ишлайдилар<br>Фаол қатнашадилар<br>Жамоа бўлиб бажарилган ишнинг тақ-димотини ўтказади-лар, бахс-мунозара юритадилар, қўшимчалар қиладилар, баҳолайдилар, хулоса чиқарадилар<br>Тинглайдилар.<br>Гуруҳларда берилган топшириқни бажарадилар.<br>Тақдимотини ўтказадилар.<br>Мавзу бўйича якуний хулоса |

| | | |
|---|---|---|
| | алоҳида эътибор беради. Топширикларнинг бажарилиши қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди.<br>2.11. Ўқувчиларнинг тақдимотда кўрсатилган фикрларини умумлаштиради | чиқарадилар<br>Тинглайдилар |
| III - боскич. Якуний (10 дакика) | ***Якуний умумий хулоса.***<br>3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол ўқувчиларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради<br>3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изоҳ беради. Яна бир бор "Кейс-стади"нинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтади | Эшитади.<br><br>Аниқлайди<br>Тинглайдилар |

| 2.6 | "Ona tili va adabiyot" fanidan "Adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik sabablari va oqibatlari " mavzusi bo'yicha keys-stadi. *Nabiyeva M., Tayloq maishiy xizmat kasb-hunar kolleji* |
|---|---|

**I.Pedagogik annotatsiya**

**O'quv fani :** Ona tili.

**Mavzu:** Adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik sabablari

Keysning asosiy maqsadi:

Adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik sabablari va oqibatlari hamda bunga ta'sir etuvchi omillar haqida. Bugungi kundagi dolzarb muammolardan biri ekanligini ko`rib chiqish.

**O'quv faoliyatidan kutiladigan natijalar:**

- adabiy til me`yorlarini ko`rsatib berish,
- nutq madaniyatini bilmaslik sabablarini aniqlash;
- til elementlarini ishlatilishida adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik nutqning toza bo'lishiga to'sqinlik qilishi;
- muammoli vazifalarni yechishda nazariy bilimlarini qo'llash;
- muammoni aniqlab, uni hal qilishda yechim topish.

**Ushbu keysni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun oldindan o'quvchilar quyidagi bilim va qunikmalarga ega bo'lmoqlari zarur:**

O'quvchi bilishi kerak:

Adabiy til me`yorlari nutq madaniyati, oldiga qo`yiladigan talablar mantiqiylik, to`g`rilik, notiqlik san`ati, tasirchanlik, jozibadorlik, obrazlilik, nutqning tozaligi, savodxonlik, orfoepiya, nutqiy mashq.

O'quvchi amalga oshirishi kerak: mavzuni mustaqil o'rganadi; muammoning mohiyatini aniqlashtiradi; g'oyalarni ilgari suradi; ma`lumotlarni tanqidiy nuqtai nazardan ko'rib chiqib, mustaqil qaror qabul qilishni o'rganadi; o'z nuqtai nazariga ega bo'lib, mantiqiy xulosa chiqaradi; o'quv ma`lumotlar bilan mustaqil ishlaydi; ma`lumotlarni taqqoslaydi, tahlil qiladi va umumlashtiradi.

O'quvchi ega bo'lmog'i kerak: kommunikativ ko'nikmalarga; taqdimot ko'nikmalariga; hamkorlikdagi ishlar ko'nikmalariga; muammoli holatlar tahlil qilish ko'nikmalariga.

**Manbalardan foydalanish uchun tavsiya etiladigan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Qo`ng'urov .R, Karimov S. O'zbek tili stilistikasi va nutq madaniyati. Samarqand, 1984 y.

2. Qilichev E; Qilichev B Nutq nadaniyati va uslubiyat asoslari. Buxoro, 2001 y.

**Texnologik xususiyatlardan kelib chiqqan holda keysning tavsifnomasi:**

Ushbu keysning asosiy manbai kabinetli, lavhasiz bo'lib, vaziyat davriy ketma - ketlikda o'tmishdan bugungi kun tartibida bayon etilgan. Keysning asosiy ob'yekti shaxsga yunaltirilgandir. Bu tashkiliy institutsional keys bo'lib, ma`lumotlar vaziyatlar va savollar asosida tuzilgan.

## II.Keys-stadi:
## "Adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik sabablari va oqibatlari"

Kirish. Hozirgi o'zbek adabiy tili rivojlangan ijtimoiy mavqeyi yuksalgan ,say qal topgan fonetik va leksik-grammatik jihatdan me'yorlashgan milliy tildir. Etirof etish kerakki, o`zbek tilidagi ko`p shevaliylik sharoitida leksik meyorlarni belgilashning o`zigo xos qiyinchiliklari ham bor. Har bir sheva vakillarida malum tushunchani ifodalaydigan so`zning tabiiy ravishda o`z shevasidagi variantidan foydalanishga moneylik seziladi. Ishtimoiy muhitning tildan foydaklanish jarayoniga ta`sir ko`rsatishi tabiiy bir holdir. Kishilar o`z nutqlarida bilib bilmay yoki etiborsizlik oqibatida boshqa til elementlaridan ham foydalanadilar. Boshqa millat vakillari bilan birgalikda yashash, mehnat qilish, talim olish xullas muoamala jarayonida shudday xollar yuz beradi.

Boshqa tillardan so`z o`zlshtirish nutqda zaruriyatga ko`ra ulardan foydalanish salbiy hodisa emas. Ammo buday so`zlar orasida varvarizm deb ataluvchi shunday bir qatlam mavjudki, ularni nutqda qo`llash-qo`llamaslik masalasiga adabiy til meyorlari nuqtaiy nazardan munosabat bildirish lozim. Nutqiy madaniyatga ta`sir etuvchi tildan tashqaridagi omillarni aniqlash va adabiy til me`yorlariga omal qilish qoidalarini ko`rsatib o`tish.

Varvarizm sifatida qaraladigan so`zlar o`zbek tili uchun me`yor emas ammo biz ularni ijtimoiy muhit ta'siridan bo`lsa kerak albatta, farqiga bormasdan ishlataveramiz, nutqimizni nazorat qilmaymiz shu tarzda leksik me`yor nutq ham buziladi.

Shuning uchun ham tilda varvarizmlarning ishlatilishini ijobiy xodisa sifatida emas, balki me`yorning buzilishi deb qarash va ularni nutqda qo`llamaslik lozim.

Adabiy tilme`yorlariga yana shuni kiritish kerakki so`zlarda urg`u va Grammatik me`yorga amal qilish lozim. Undan tashqari nutqning to`g`riligi aniqliyligi, mantiqiyligi, tozaligi, nutqning tasirchanligi adabiy til qoidalarini o`z ichiga oladi.

Topshiriq: Bizning nutqiy madaniyatimizga ta`sir etuvchi tildan tashqaridagi omillar qaysilar va adabiy til me`yorlariga amal qilish qoidalarini ko`rsatib o`ting.

## III.Amaliy vaziyatni bosqichma – bosqich tahlil qilish va hal etish bo'yicha o'quvchilarga uslubiy ko'rsatmalar
## Keysni echish bo'yicha individual ish yo'riqnomasi

1. Avvalo, keys-stadi bilan tanishing. Muammoli vaziyat haqida tushuncha hosil qilish uchun bor bo'lgan butun axborotni diqqat bilan o'qib chiqing. O'qish paytida vaziyatni tahlil qilishga harakat qiling.

2.Birinchi savolga javob bering.

3.Ma'lumotlarni yana bir marotaba diqqat bilan o'qib chiqing. Siz uchun muhim bo'lgan satrlarni quyidagi harflar yordamida belgilang:

**"D"** harfi – muammoni tasdiqlovchi dalillar,

**"S"** harfi – muammo sabablarini,

**"O.O.Y."** harflari – muammoni oldini olish yo'llari.

4.Ushbu belgilar 2,3,4 savollarga echim topishga yordam beradi.

5. Yana bir bor savollarga javob berishga harakat qiling.

**Guruhlarda keysni echish bo'yicha yo'riqnoma**

1.Individual echilgan keys vaziyatlar bilan tanishib chiqing.

2. Гуруһ сардорини танланг.Guruh sardorini tanlang.

3.Vatman qog'ozlarda quyidagi jadvalni chizing

***"Muammoli vaziyat" jadvalini to`ldiring***

| Muammolar | Muammoli vaziyatning kelib chiqish sabablari | Vaziyatdan chiqib ketish harakatlari |
|---|---|---|
| **1-muammo. Adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik sabablarini aniqlash**<br>1. Nutq madaniyatini bilnaslik<br>2. Tilda qo`pollikga yo`l qo`yish<br>3. Nutq odobi va nutqiy go`zallikga oid malumotlaga ega emaslik | | |
| **2-muammo. Tlimizga ta`sir etuvchi omillarni aniqlash.**<br>1. Tlimizga ta`sir etuvchi omillarni kelib chiqish sabablarini aniqlash.<br>2. Til elementlarini ishlatilishida adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik.<br>3. Nutqning to`g`rib o`lishida asosan ikki me`yorga urg`u va garammatik me`yorga amal qilishni taqqoza qiladi. | | |
| **3-muammo. Nutq madaniyati so`zlashyv odobi va nutqning mantiqiy bo`lishi tafakkur qobilyati bilan bogliq.**<br>1. O`zbek tilidagi ko`p shevalik sharoitida leksik me`yorni belgilashning o`ziga xosligi.<br>2. Nutq haqidagi ta`limot ortologiya o`rganish bilan shug`llanadi.<br>3. Adiblarimizning tilga bol`gan munosabatlari va adabiy til rivojlanishiga qo`shgan xissalari. Komp'yuterda ushbu masalani echish uchun optimal instrumental vositalarini tanlash | | |

**IV.O'qituvchi tomonidan keys-stadini echish va tahlil qilish varianti**

**1.Keys-stadidagi asosiy muammo**

Nutqiy madaniyatga ta`sir etuvchi tildan tashqaridagi omillarni aniqlash va adabiy til me`yorlariga omal qilish qoidalarini ko`rsatib o`tish.

**2.Muammoli vaziyatni echish yo'llari.** Keys-stadi va uning axborot ta'minoti bilan tanishamiz. Tildan tashqaridagi omillarni aniqlaymiz. Nutqning tozaligiga salbiy ta`sir qiluvchi so`zlarni topamiz. Adabiy til me`yorlarini amal qilish qoidalarini aniqlaymiz.

**3. Berilgan vaziyat bilan tanishamiz.**

Ma'lumotlarni yana diqqat bilan o'qib chiqib, biz uchun muhim bo'lgan satrlarni tagiga chizib olamiz. Bir abzatsdan ikkinchi abzatsga o'tishdan oldin, uni ikki uch marotaba o'qib mazmuniga kirib boramiz. Keys-stadidagi muhim fikrlarni qalam yordamida ostini chizib qo'yamiz. Vaziyat tavsifida berilgan asosiy tushuncha va iboralarga diqqatimizni jalb qilamiz.

**3. Muammoli vaziyatning tahlili.**

Muammoli vaziyatni tahlil qilishga harakat qilamiz. Mazkur holatda qabul qilinishi mumkin bo'lgan muammoning barcha echimlarini topamiz. Varvarizm sifatida qaraladigan so`zlar o`zbek tili uchun me`yor emas ammo biz ularni ijtimoiy muhit ta'siridan bo`lsa kerak albatta, farqiga bormasdan ishlataveramiz, nutqimizni nazorat qilmaymiz shu tarzda leksik me`yor nutq ham buziladi.

Shuning uchun ham tilda varvarizmlarning ishlatilishini ijobiy xodisa sifatida emas, balki me`yorning buzilishi deb qarash va ularni nutqda qo`llamaslik lozim.

**Yakuniy xulosa**

Boshqa tillardan so`z o`zlshtirish nutqda zaruriyatga ko`ra ulardan foydalanish salbiy hodisa emas. Ammo buday so`zlar orasida varvarizm deb ataluvchi shunday bir qatlam mavjudki, ularni nutqda qo`llash-qo`llamaslik masalasiga adabiy til meyorlari nuqtaiy nazardan munosabat bildirish lozim.

**V. Keys-stadi o'qitish texnologiyasi**

O'qitish texnologiyasining modeli

| | |
|---|---|
| *Mavzu* | Adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik sabablari va oqibatlari |
| O'quvchilar soni:30 kishi. | Vaqti - 2 soat. |
| *О'қув машғ'улоти шакли* | Bilimlarni kengaytiradigan va chuqurlashtiradigan, malakalar orttiradigan seminar |
| *Seminar rejasi* | 1. O'quv mashg'ulotiga kirish.<br>2. Bilimlarni dolzarblashtirish.<br>3.Keys-stadi mazmuni bilan tanishish va yakka tartibda ishlashni tashkil qilish.<br>4. Kichik guruhlarda keys bilan ishlash.<br>5. Natijalar taqdimoti. |

| | |
|---|---|
| | 6.Munozara, muammoli vaziyat echimini baholash va ustuvor g'oyani tanlash.<br>7. Xulosa. Guruhlar va talablar faoliyatini, o'quv mashg'uloti maqsadiga erishish darajasini baholash. |
| O'quv mashg'uloti maqsadi:Adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik sabablari va oqibatlari haqidagi bilimlarni chuqurlashtirish, malakalarini orttirish, muammoli amaliy vaziyatlarni tahlil etish va hal qilish malakalarini shakllantirish | |
| • O'quv mashg'uloti natijalari:<br>• Adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik sabablari va oqibatlarini tavsiflaydi, tasniflaydi, asoslaydi, taqqoslaydi<br>• keysda taqdim etilgan vaziyatni tahlil etadi;<br>• muammo, vazifalarni ajratadi va ifodalaydi, muammoli vaziyatni hal etish алгоритмини ишлаб чиқади;<br>• vaziyatni tahlil etish asosida uni hal qilishga doir asosli qaror qabul qilinadi;<br>• hisob-kitoblar amalga oshiriladi;<br>• yakuniy xulosa chiqariladi, uni asosli tarzda himoya qiladi. | • O'qituvchining vazifalari:<br>• Adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik sabablari va oqibatlari mavzusi bo'yicha bilimlarni mustahkamlash va chuqurlashtirish;<br>• muammoli vaziyatni tahlil etish, muammo va kichik muammolarni ifodalash, vazifalar qo'yish va ularni hal etish bo'yicha harakatlar algoritmini ishlab chiqish, iqtisodiy asoslangan qarorni qabul қилиш, ... ни прогноз қилиш malakalarini hosil qilish;<br>• hisob-kitob yuritish malakasini orttirish,<br>• ishlab chiqilgan nuqtai nazarni asoslash va himoya qilish malakalarini rivojlantirish;<br>• munozara madaniyatini, kommunikativ malakalarni hosil qilish. |
| *O'qitish metodlari* | Keys-stadi, aqliy hujum, munozara, amaliy uslub |
| *O'qitish vositalari* | Keys, o'quvchiga uslubiy ko'rsatmalar, flipchart |
| *O'qitish shakllari* | Individual, frontal, jamoa, guruhlarda ishlash |
| *O'qitish shart-sharoitlari* | Guruhlarda ishlashga moslashtirilgan auditoriya |
| *Qaytar aloqa usul va vositalari* | Kuzatuv, blits-so'rov, taqdimot, o'zaro baholash |

O'quv mashg'ulotining universal texnologik kartasi

| Bosqichlar, vaqt | Faoliyat | |
|---|---|---|
| | o'qituvchining | o'quvchilarning |

| | | |
|---|---|---|
| 1-bosqich. O'quv mashg'uloti-ga kirish, 10 min. | ***Tashkiliy boshlanish.***<br>1.1. O'quv mashg'uloti mavzusi, maqsadi, rejalashtiriladigan natijalarni e'lon qiladi.<br>1.2. Ushbu keys maqsadini va uning professionallashtirishga ta'sirini tushuntiradi.<br>1.3. Seminarda ishlash tartibi, ko'rsatkichlar va baholash mezonlari bilan tanishtiradi | Tingladilar, aniqlovchi savollar beradilar |
| 2-bosqich. Asosiy (70 min.) | ***O'quvchilar bilimini faollashtirish.***<br>2.1. Adabiy til me`yorlariga amal qilmaslik sabablari va oqibatlari mavzusi bo'yicha o'quvchilar bilimlarini dolzarblashtirish uchun blits-so'rovnoma o'tkazadi/<br>***Keys-stadi mazmuni bilan tanishish va yakka tartibda ishlashni tashkil qilish.***<br>2.2.Keys-stadi mazmuni bilan tanishib chiqish uchun o'quvchilarga materiallarni tarqatib chiqadi. Ularga keys-stadi materiallarini tarqatadi.<br>2.3. Keysni yechishda "Keys-stadi" vazifasi va uning jamiyat taraqqiyoti rivojlanishiga asos bo'luvchi ma'naviy barkamol avlodni tarbiyalashdagi o'rnini aniqlash va keys vaziyatni mustaqil taxlil qilish uchun yo'riqnoma beradi.<br>2.4. Keys-stadida bor bo'lgan materiallarni muhokama qilishni tashkillashtiradi, diqqatni keys-stadi bilan ishlash qoidalariga, muammoni echish algoritmiga va vazifani aniqlashtirishga qaratadi.<br>2.5.Mustaqil ravishda vaziyatni individual tahlil qilishni taklif qiladi.<br>***Keys-stadini jamoaviy tarzda yechish.***<br>2.6. O'quvchilarni guruhlarga bo'ladi. Guruhda ishlash qoidalari munozara qoidalari bilan tanishtiradi munozara qatnashchisiga eslatmani tarqatadi.Quyidagicha topshiriq beradi: keys bilan individual ishlash natijalarini muhokama qilish, vaziyatni jamoa bo'lib tahlil etish varag'ini to'ldirish, muammoli vaziyatning individual echimi bo'yicha ustuvor g'oyalarni baholash va tanlash, taqdimotga тайёрланиш.<br>2.7. O'quv faoliyatini muvofiqlashtiradi, maslahat beradi, yo'naltiradi. Individual ish natijalarini tekshiradi va baholaydi: vaziyatni | Саволларга жавоб берадилар, муҳокама қиладилар, аниқловчи саволлар берадилар O'quv topshirig'ini bajaradi Guruhlar ish natijalari taqdimotini o'tkazadilar. Munozarada qatnashadilar, savollar beradilar, baholaydilar |

| | | |
|---|---|---|
| | tahlil etish varaqlari<br>2.8. Taqdimotni, taqdimotlar muhokamasi va o'zaro baholanishini tashkil etadi.<br>Javoblarni izohlaydi, o'zgartiradi, vaziyatni tahlil etish va hal qilish jarayonida berilgan xulosalarga alohida e'tibor qaratadi.<br>2.9. Keys echimi bo'yicha o'z variantini ma'lum qiladi | |
| 3-bosqich. Yakunlovch i-baholov-chi, 10 min. | 3.1. Mashg'ulotga yakun yasaydi, o'quv faoliyati natijalarini umumlashtiradi, individual va birgalikdagi ishga baholarni e'lon qiladi. Olingan bilimlarning kelgusidagi kasbiy va o'quv faoliyati uchun ahamiyatini qayd etadi | Tinglaydilar, aniqlovchi savollar beradilar |

| 2.7 | "Руухыйтык тийкарлары" фанидан "Виртуал дуньянын реал омирге кери тасири" мавзуси бўйича кейс-стади.<br>*Аманбаева Г. Т., Шымбай педагогика колледжи* |
|---|---|

# І.ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Окыу предмети:** "Руухыйтык тийкарлары"

**Тема:** "Виртуал дуньянын реал омирге кери тасири"

**Берилген кейс-стадитин мақсети:** Ахборот хуружлары, виртуал дунья, компьютер ойынлары хам олардын инсан омирине кери тасири, идеологиялык бослык, интернет маглыуматларынан максетке мууапык дурыс пайдаланыуды жолга койыу, бийпаруалык, итибарсызлыктын алдын-алыу, виртуал дуньянын реал омирге унамсыз тасирлерин болдырмау шара тадбирлерин белгилеу бойынша билим хам конликпелерин рауажландырыу, отилген темалар бойынша ийелеген билимлерин тексерип кориуден ибарат.

**Кутилетугын натийжелер:**ахборот хуружлары, виртуал дунья, компьютер ойынлары хам олардын инсан омирине кери тасири бойынша амелий конликпелерге ийе болады; идеологиялык бослыкты озинде калиплестирмеуге харекет етеди; интернет ойынларынан максетке мууапык пайдаланыуды оз санасына синдирип алады; амелий жагдайда компьютер ойынлары хам онын унамсыз акыбетлеринин алдын алыу бойынша усынысларды ислеп шыгыу тартибин уйренеди; хар кыйлы жаман иллетлерди озине синдирмеу конликпелери калиплеседи;

**Кейс-стадити жаксы орынлауы ушын окыушы томендеги билимлерге ийе болыулары керек:** ахборот хуружлари хаккында тусиниклер; виртуал дунья хам онын реал омирге кери тасири; интернет хам онын ахмийети; идеологиялык бослык тусиниги; галабалык маденият хам онын унамсыз тареплерин билиуи; компьютерден дурыс пайдаланыу кагыйдаларын билиу; инсаннын оз кызыгыушылыгын уактында токтатып билиу;

**Кейс-стадида сунъий моделлестирилген жагдай баян етилген. Кейс-стадининг объекти** Интернет кафеси хам мектеп окыушылары.

**Кейс-стадиде ислетилетугын маглыуматлар орайы:**

Ахборот хуружлары, Виртуал дуньянын инсан омирине тасири, Интернет ойынлары, галабалык маденият хаккында тусиник, Миллий гарезсизлик идеологиясы, руухый бослыктын алдын алыу тусиниклери, компьютер ойынларынын унамсыз тареплеринин алдын алыу шара тадбирлерин ислеп шыгыу

**Кейс-стадитин типологиялык касийетлерине карай характеристикасы:** булл кейс-стади кабинетли кейс-стади катарына киреди, сораулы ҳисобланади.

**Кейс-стади объекти:** мектеп окыушысы хам Интернет-кафе

**Дидактик максетлерге карай** тренинг кейс-стади есапланады, сондай-ак булл кейс-стади окыушылар билимин аралык кадагалауда тексериу ушын белгиленген.

Бул кейс-стадити "Руухыйлык тийкарлары", "Шанарак психологиясы", "Информатика", "Тарийх" панлеринде де пайдаланыуы мумкин.

**II.Кейс-стади: Виртуал дуньянын реал омирге кери тасири**

**Кирисиу.** Виртуал дуньянын реал омирге кери тасирлерине карсы гуресиу мамлекеттин, тек гана бир гана шолкемнин иси болмай, хазирги кунде хар биримиздин уазыйпамыз саналады. Бул нарсеге бийпаруалык, бала тарбиясына немкурайдылык пенен карау, келешек хаккында кайгырмаушылык акыбетлери жаман иллетлерге алып барылатугынлыклары баршеге малим. Жамийет келешегин ойлайтугын инсан хеш кашан атирапындагы болып атырган хадийселерге бийпаруа, итибарсыз карамайды. Зыянлы жат иллетлерди ашып таслайды хам оларга карсы пидайылык пенен гуреседи.

Сонын ушын Президентимиз И. А. Каримов: "Хаммемизге аян болыуы керек, кай жерде бийпаруалык хам итибарсызлык хуким сурсе, ен керекли маселелер оз бетинше таслар койылса, сол жерде руухыйлык ен пас хам халсиз нокатка айланады. Керисинше кай жерде дыккат хам жанкуйерлик жокары акыл парасат хукимран болса, сол жерде руухыйлык кудиретли Кушке айланады"-деген еди.

Демек биз хар кыйлы виртуал дуньянын зыянлы акыбетлерге алып келиуши ойынлардын алдын алып, жаслардын хар бир исин кадагалап барганымыз максетке мууапык болар еди.

**Томендеги кейс-стади** жас ауладтын акылый, руухый пазыйлетлери жокары болыуы, ата-ана-мектеп-махалле ушмуйешлигин амелде коллау, онын жокары дарежеде жетилискен инсан болыуынын тийкаргы формасы- виртуал дуньянын инсан омирине кери каратылган кауип-катерлер хам олардын алдын алыу жолларын ислеп шыгыуга имканият жаратады.

**Компьютер ойынлары хам олардын унамсыз акыбетлери.** Хазирги акытта компьютер техникасынын рауажланыуы илим пан хамде амийетимиздеги баска тараулардын да рауажланыуына туурыдан-тууры сирин корсетпекте. Компьютер техникасы жардеминде коплеген кыйын машкалалар ансат шешимин таппакта. Компьютер техникасынын окыу процессине кеннен ендирилиуи талим-тарбияда Жана педагогикалык технологиялардын ендирилип атырганы улкен жетискенликлердин бири.

Усынын менен бир катарда компьютер техникасынын рауажланыуынын кери тасирлери де жамийетимизде ушыраспакта. Атап айтканда бала тарбиясында, олардын психологиясында жауызлыкты оятып атыр. Пайдасыз уакыт откериу, жамийетимизге "Галабалык мадения" деген атамадагы керексиз нарселер кирип келмекте. Маселен усындай уакыялардын бири менен танысып отсек.

Бул уакыя 2012 жылдын бахаринде жуз берди. Анвардын оз басымшалыгы Рустемнин аянышлы жагдайга тусиуине себеп болды.

Анвар менен Рустем бир класста, жакын дос хам консы туратугын еди. Кунлердин биринде Анвар Интернеттен маглыумат алыу максетинде Интернет-кафеге барады. Ол Интернеттен керекли маглыуматын алып, сол жерде отырган

ози катары балаларга итибар берип, олардын ойнап отырган ойынларына кеули болинди. Ойындагы харекетлерди корип, олда ойынга тусип кетеди хам уакыттын откенин билмей калады. Акеси Анвардан уйине кешигип келиу себебин сорайды. Сонда Анвар:

- Интернеттен маглыумат алыуга барып едим,-деп жууап береди.

Ертенине ол окыуга барды. Бирак онын кыялы еле де кешеги ойынга барыу кыялында еди, лекин оны акесинин неге кешигип келгенлигин сорайтугыны ядына тусип, бугин акеме кандай себеп айтаман деген сорау кыйнады. Ол сорауга жууап таба алмай, окытыушысына озинин ауырып турган сыяклы корсетип рухсат сорайды. Анвар озинин жалган ислеткенин биле тура уялмады. Керисинше мектептен шыгып, асыгыслык пенен Интернет-кафеге карай жол алды. Ол усы жерде ойынга берилип кетти. Ертенине де сол компьютер ойыны Анвардын кыялынан хеш шыкпай, жолда турли кыялларда киятырып, акеме жане бир сылтау тауаман деди де мектепке бармастан тууры ойын ойнауга кетти. Усы такылетте Анвар хар куни келип ойынды дауам еттирди. Ол озин ойыннын бас кахарманындай сезе баслады. Анварь кун откен сайын озгерип баратугын еди, ойткени компьютер ойынындагы жауызлык онын пак сезимлерин кампап алды. Натийжеде ол ози менен бирге сууык куралларды алып журди.

Бир кунлери окытыушысы Анварды корип калып, окыуга келмей журген себебин сораганда, Анвар жалган себеплер тауып береди.

Анварь озинин булл журисин ата-анасы хам окытыушысы сезип калыуынан корка баслайды.

Ата-анасы баласынын окыуы хаккында, Рустем менен бирге барып журсенбе деп сорайды. Сонда Анвар

-Ауа бирге барып журиппен деп жууап береди.

Азангы шайын ишип бола салар Анварь окыуга кеттим деп уйден шыгады. Жолда кетип баратырып Рустемди кореди. Рустем:

- Достым не себеп окыуга бармай журсен?,-деди.

- Ауырып бугин тауир болдым, Интернетке барып кететугын жумысларым бар, жур бирге барып кетейик-деп Рустемди де бирге алып кетти.

Ол жерге барып Анвар кайтадан ойынын ойнап, Рустемди де кызыктырмакшы болады. Сол уакытта Рустем ашыуланып

- Не ушын дурысынды айтпадын, сени ауырып журген шыгар деп едим,-дейди. Сонда Анвар:

- Достым ашыуланба, булл ойын жуда кызык тез уйренесен деп оны шалгытпакшы болды. Рустем:

- Булл исин болмайды, сени окытыушыга, ата-анана айтаман,-деп шыгып кетип баратырганда, Анварь изинен жууырып келеди.

Ол Рустемге куш корсетип, екеуи айтысып калады хамАнвар Рустемге ози менен алып журген сууык куралын ислетип оны пышаклайды.

Натийжеде Рустем емлеуханага туседи, Анварды милиция хызметкерлери алып кетеди. Жуумакластырып айтканда

Ата-бабаларымыз: "Бир балага жети уйден талим, кырк уйден тыйым"- деген хам соган амел кылган. Корип турганымыздай, биз ата-бабаларымыздын айтып откен хам ислегенлерине амел кылып атырмызба? Аулалдарымыздын бугини хам келешегин кайгырмадык. Хар бир ата-ана оз тууган баласын жер хам кокке исенбей бул дуньянын орайына айландырып алады. Балага да сонны уйретеди. Бала не ислейди? Уйренеди. Бундай ата-аналар тарбиясында "Озинин баласын жокары койып, менин балам биринши болыуы керек" дегенге амел кылады хам каты алжасады. Балаларынын нелер менен шугылланып жургени, кимлер менен кай жерге барганын терен кадагаламайды. Акыбетинде бала Адам олтириушилик жынаятына шекем барып жетти.Мине бундай унамсыз акыбетлерге тусиудин алдын алыу ушын мектеп-ата-ана-махалле ушмуйешлигин бала тарбиясында колланыу керек.

**Сораулар**

1. Уакыя менен танысып автор кандай машкаланы котерип шыккан деп ойлайсыз?
2. Уакыда машкаланы тастыйыклаушы кандай далийллер бар?
3. Компьютер ойынларынын бала психологиясына кандай тасир жасайды?
4. Машкаланын келип шыгыу себеби неде?
5. Автор машкаланын алдын алыу жолларын калай баян еткен?
6. Машкаланы шешиу бойынша сизин пикириниз

## III.Амелий жагдайды баскышпа-баскыш анализлеу хам шешиу бойынша окыушыларга методик корсетпелер

### Кейс-стадити шешиу бойынша индивидуал ис корсетпеси (жол-жобасы)

1. Даслеп кейс-стади пенен танысын. "Компьютер ойынлары хам олардын унамсыз акыбетлери" хакында тусиник пайда етиу ушын бар болган маглыуматты дыккат пенен окып шыгын. Окыу уактында жагдайды анализ етиуге харакет етпен.
2. Биринши сорауга жууап берин
3. Кейс-стадини 2- марте окын. Окыганынызда томендеги белгилерди белгилеп койын:

**"Д"**-машкаланы сыпатлаушы далийиллер;

**"С"**-маглыуматлардын келип шыгыу себеби;

**"Ш У"**- автор тарепинен усынылган машкаланы шешиу усыллары.

4. Булл белгилер сизге 2, 4 хам 5 сорауларга жууап бериуге жардем береди.
5. Жаксылап ойлап 3, 6 сорауларга жууап берин

*Барше сорауларга жазба раушите жууап берин.*

### Топарларда кейс-стадити шешиу бойынша жол-жоба

1.Индивидуал шешилген кейс-стади жагдайлары менен танысып шыгын.

2.Топар сардарын танлан.

3.Сорауларга жууап жазады

4.Жумысты жуумаклап презентацияга таярлан.

**Аудиторияда орынланган жумыс ушын бахалау критериялары хам корсеткишлери**

| Топарлар дизими | Топар активлигине<br>макс. 1 б | Маглыуматлар коргизбели баян етилиуи макс.2 б | Жууаплардын толык хам аныклыгы макс.2 б | Жами<br>макс.5 б |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

### III. Кейс-стадиологтын жууап варианты

**Машкала:** Мектеп окыушысы Анвар не себеп окыуга бармай койды, Рустем не себеп емлеуханага тусти, Анвардын жынаятка кол урыуына не себеп болды?

**Уазыйпалар:**

- Идеологиялык бослык тусинигин уйренип шыгыу;
- Интернет кафесинин хужжетлерин уйренип шыгыу;
- Окытыушынын, ата-ананын итибарсызлыгын уйренип шыгыу;
- Интернет кафесинин хужжетлерин уйренип, окыушылардын тармактан пайдаланыуды шолкемлестириу, шара тадбирлерин, усынысларын ислеп шыгыу;
- Улыума усынысларды ислеп шыгыу;

**Жууаплар**

1. Компьютер ойынларынын жаслар санасына кери тасири тууралы
2. Сабакты калдырыу, жынайый иске кол урыу
3. Озин ойын кахарманындай, жауыз болыуы
4. Идеологиялык бослык, интернеттен дурыс пайдаланыуды жолга коймаган.
5. Ата-ананын, окытыушынын итибарлы болыуы

**Жуумак**

Идеологиялык бослыктын алдын алыу шара тадбирлерин ислеп шыгыу, жаслардын галабалык маденият тусинигинен узакта болыу хазирги куннин ен тийкаргы машкалаларынын бири. Мектеп-ата-ана-махалле ушмуйешлигин бала тарбиясында колланыу-бул оз уактында баланын санасында идеологиялык бослыкты болдырмаудын, сабакларды калдырмаудын алдын алыу, баланын жынаятшылар менен шериклес болмауын тамийнлеп береди.

### V. Окытыудын кейс-стади технологиясы

Ўқув машғулотининг технологияси модели

| | |
|---|---|
| Уакты - 2 соат | Окыушылар саны: 30 |
| Окыу сабагынын формасы | Машкалалы жагдайды аныклау бойынша семинар сабагы (Кейс-стади) |
| Окыу сабагынын дузилиси | 1. Сабакка кирсиш..<br>2. Билимлерди активлестириу.<br>3. Индивидуал таризда кейс-стади пенен ислеу.<br>4. Натижаларднн презентациясы. |

| | |
|---|---|
| | 5. Оптимал вариантты шешип алыу<br>6. Жуумак. Окыушылар хызметин хам сабак максетине жетиу дарежесин бахалау. |
| *Окыу сабагынын максети:* Виртуал дуньянын реал омирге кери тасирлери, компьютер ойынлары хам олардын унамсыз акыбетлери, ахборот хуружларинын инсан омирине зыянлы тареплеринин алдын алыу хам оларды болдырмау шара тадбирлерин дузиу конликпелерин калиплестириу | |
| *Педагогик вазифалар:*<br><br>- интернеттен максетке мууапык пайдаланыуды тусиндириу хам уйретиу;<br>-кейс-стади жагдайы менен таныстырыу, машкаланы шешиу уазыйпаларын уйретиу;<br>- машкаланы шешиу бойынша харекетлер алгоритмин ислеуди тусиндириу;<br>- Компьютер ойынларынын унамсыз акыбетлерин уйренип шыгыу, усынысларды таярлау тартибин тусиндириу | *Окыу хызметинин натийжелери:*<br>Окыушы:<br>- компьютер ойынлары хам онын унамсыз тареплерин анализлейди хам акыбетлердин келип шыгыу себеплерин аныклайды.;<br>- жагдайга карап машкаланы шешиу бойынша уазыйпаларды белгилейди;<br><br>- харекетлер избе-изилигин аныклайды;<br><br>- Компьютер ойынларынын унамсыз акыбетлеринин алдын-алыу бойынша усыныслар таярлауды биледи. |
| *Окытыу усыллары хам техникасы* | Кейс-стади, саубетлесиу, амелий усыл |
| *Окытыу кураллары* | Кейс-стади, окыу материаллар компьютер технологиялары |
| *Окытыу формалары* | Киши топарларды ислеу. |
| *Окытыу шараятлары* | Окыу ханасы |
| *Кайтор алоканын усыл хам куралары* | Ауызеки сорау: блиц-сорау, презентация |

Технологиялык картасы

| Баскышлар, уакты | Хызмет мазмуны | |
|---|---|---|
| | Окытыушы | Окыушы |
| 1-баскыш.<br>Кирисиу<br>(5 мин.) | ***Ташкилий бошланиш.***<br>1.1. Окыу сабагынын темасы, максети, режелестирилген натийже хам оны откериу режесин айтады.<br>1.2. Бахалау критериялары менен тныстырады (1-косымша). | Тынлайды, жазып алады. |

| | | |
|---|---|---|
| 2-баскыш. Тийкаргы (80 мин.) | ***Ўқувчилар билимини фаоллаштириш.***<br>2.1. Окыушыларды билимин активлестириу максетинде блиц-сорау откереди (2-косымша).<br>***Кейс-стади мазмуни билан танишиш ва якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.***<br>2.2.Окыушыларга кейс-стади материалларын таркатады.<br>2.3. Кейс-стадите материаллар талкылауын шолкемлестиреди, кейс-стади пенен ислеу кагыйдаларына итибар каратады, машкалага уазыйпаларды аныклай, оны шешиу алгоритмине итибар каратады.<br>Кейс-стадити индивидуал еркин шешиуди усыныс етеди.<br>***Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш.***<br>2.4. Талим алыушыларды 4 топарга боледи.<br>Кейс-стади билан индивидуал тарзда ишлаш натижаларини мини гуруҳларда мухокамасини ташкил қилади.<br>2.5. Сон биргеликте танланган кейс-стадити шешиу вариантынын презентациясын таярлауды усыныс етеди.<br>2.6. Презентация басланыуын дагазалайды хам топар сардарларына кейс-стадити шешиу бойынша ислеген ис натийжесинин презентациясын откериуге.<br>2.7. Усынылган шешимлерди топарлар оз-ара бахалауын шолкемлестиреди.<br>2.8. Ҳар бир топардын ислеген ис натийжелери улыумаластырылып, жуумаклаушы пикирлер айтады. | Сорауларга жццап береди<br><br>Кейс-стадити еркин таризде шешимин табады..<br><br>Топарларда ислейди, кейс-стадити шешиу вариантларын биргеликте орынлайды, шешиудын оптимал вариантларын танлайды.<br>Топар ислеген исинин презентациясын таярлайды.<br>Топарлар кейс-стади шешиминин презентациясын откереди. |
| 3-баскыш. Жуумаклаушы (5 мин.) | ***Якуний умумий хулоса.***<br>3.1. Усынылган кейс-стади шешимлерин тарийплейди.<br>3.2. Жане бир марте кейс-стадитин максети хам интернет тармагынан пайдаланганда идеологиялык бослыкты болдырмау билимлерин асырыуга тасирин билдиреди.<br>3.3. Окыушыларды бахалары менен таныстырады | Тынлайды, аныкластырады. |

1-косымша

**Бахалау критериялары**

| Катнасыуш ылар | Бахалау критериялары | | | Улыума (5) |
|---|---|---|---|---|
| | Активли лиги (1,5) | Шешимд и далийллеу конликпеси (1,5) | Презента ция (2) | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

2-косымша

**Блиц–сорау сораулары**

1. Интернет тармагы деген не?
2. Виртуал дунья тусинигинде нелерди тусинесиз?
3. Компьютер техникасынын инсанга тасири неде?
4. Интернеттен калай пайдаланамыз?
5. Компьютерде отырыу режими дегенде нении тусинесиз?
6. Идеологиялык бослык деген не?

| 2.8 | **“Миллий ғоя” фанидан “Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш”мавзуси бўйича кейс – стади.** *Сафарова Ф., Андижон миллий ҳунардмандчилик ва ижтимоий иқтисодиёт коллежи* |
|---|---|

# I. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Ўкув предмети:** Миллий ғоя.

**Мавзу:** Мафкуравий жараёнларнинг умумбашарий ва минтақавий кўринишлари.

**Кейс-стадининг асосий мақсади:**Ҳозирги даврда мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ҳақида тушунча бериш. Ёшлар онгида мустаҳкам дунёқараш, қалбида соғлом эътиқод шакллантириш, муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллаш; муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топишга ўргатиш. Натижалар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш.

**Ўкув фаолиятидан кутиладиган натижалар:** кейс мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўриш; дунёнинг мафкуравий манзарасини тўғри таҳлил қилиш; мафкуравий иммунитетни ошириш йўлидаги нуқсонларни кўрсатиб бериш; аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш; зарарли ғоя ва мафкураларга қарши тура олиш; муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллаш; муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топиш.

**Ушбу кейс-стадини муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан ўқувчилар қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:**

*Ўқувчи билиши керак:*бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси, мафкуравий кураш, глобаллашув жараёни, мафкуравий иммунитет, мафкуравий полигон, мафкуравий профилактика, мафкуравий жараёнлар, наркобизнес, экологик танглик, жиноятчилик каби минтақавий ва умумбашарий муаммолар.

*Ўқувчи амалга ошириши керак:* мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; ғояларни илгари суради; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хулоса чиқаради; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди; маълумотларни таққослайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

*Ўқувчи эга бўлмоғи керак:*коммуникатив кўникмаларга; тақдимот кўникмаларига; ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига; муаммоли ҳолатларни таҳлил қилиш кўникмаларига.

**Ахборот олиш манбалари рўйхати :**

1. И.А.Каримов. Ҳушёрликка даъват. Т.8.-Т.;”Узбекистон”,2000й

2. Ф.Файзиев. Тарихий онг ва мафкуравий иммунитет . 2-сон.”Жамият ва бошкарув” 2004.

3. А.Азизхужаев. Ғоявий курашда бўш келмайлик. 3-сон. Т.; ”Тафаккур", 2004.

**Технологик хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда кейс-стадининг тавсифномаси:**

Кейс ҳаётий, сюжетсиз кейслар категориясига киради ва статистик материаллар асосида тузилади. Кейс қисқа, тузилмаланган. Бу кейс-топшириқдир.

Кейс дидактик мақсадларига кўра вазият субъектини ривожлантиришнинг янги стратегиялари ва йўлларини ишлаб чиқишга рағбатлантирадиган кейслар тоифасига киради.

Кейс электрон версияда тақдим этилган.

Ушбу кейсдан "Миллий истиқлол ғояси" ва "Шахс ва жамият" фанларида фойдаланиш мумкин.

## II.Кейс-стади: "Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш"

**Кириш.** "Мафкуравий жараёнларнинг умумбашарий ва минтақавий кўринишлари" мавзуси "Миллий истиқлол ғояси" фанидан муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича амалий машғулотда Кейсга асосланган ўқитиш технологияси асосида ишлаб чиқилган.

XX аср сўнгида рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди. Инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш хилма-хил ғоялар билан қуролланган, турли манбалардан озиқланадиган мафкураларнинг асосий мақсадига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек "**Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий сезиб яшамоқда**".

Ҳозирги замонда инсон онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ҳаракатлар ҳақидаги билимларни ўқувчилар онгига сингдириш, муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича амалий машғулотда Кейсга асосланган ўқитиш технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараёнида ўрганилган ўқув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлашга, муаммоларни таҳлил қилиш ва қирраларни якка тартиб ёки гуруҳларда қабул қилиш кўникмаларини эгаллашга, ижодий ва ўрганиш қобилиятлари, мантиқий фикрлаш, нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилиятларини ривожлантиришга ҳамда қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради.

Ушбу кейс – ўқувчиларни Марказий Осиёда рўй бераётган мафкуравий жараёнлар ҳақида мустақил фикрлаш, эркин тафаккурни шакллантириш асосида ёвуз ғояларга қарши жавоб бера олиш, "Ўзбекистон – ягона Ватан" деган тушунчани шакллантириш билан бирга жамият тараққиётида учрайдиган тўсиқларни енгишга имкон яратади. Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун мавзу бўйича ўқувчилар дунёнинг мафкуравий манзараси ва глобаллашув жараёнлари ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур.

**Кейс-стадидаги асосий муаммо дунё мафкуралари ўртасида бўлаётган ахборот жанги вамафкуравий иммунитетни кучайтириш – ёшлар онгини зарарли ғоялардан ҳимоя қилиш омили.**

**Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш**

Тарих тажрибасидан маълумки, ўзга ҳудудларни забт этиш ёки химояланиш мақсадида уруш қуроллари узлуксиз такомиллаштириб борилган. Уларнинг барчаси эҳтимол тутилган душман аскарлари ва аҳолисини йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини қириб ташлаш ёки жисмонан асир қилиб олиш шарт эмас.

Чунки тажовузкор ғоя ва мафкура билан қалби ва онги забт этилган халқ шусиз ҳам ёв қўлига таслим бўлади. "Мафкуравий полигон" тушунчасини биринчи марта Президентимиз Ислом Каримов "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида қўллади.

**Мафкуравий полигон** – бу одамларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган ғоя ёки мафкурани ҳам маблағ, ҳам замонавий техникавий воситалар билан кучлантириб, моддий ва маънавий қуролларни ишга солиб, дунёдаги ахборот ва фикр оқимини ўз манфаати йўлида бошқариб турган, муайян ниятига етиш учун ишлатадиган ва бу борада хилма-хил тарзда намоён бўладиган ҳаракатларни амалга оширадиган **ғоявий марказ.**

Бирор мамлакатга нисбатан ҳарбий ҳужум ёки иқтисодий зарар етказишни осонгина кўриш ва сезиш мумкин. Аммо мафкуравий таъсир бундай эмас. Унинг таъсири радио, телевидение, газета-журнал, интернет, умуман, ҳамма оммавий ахборот воситалари орқали кириб келаверади. Улар одамларга уйда ҳам, кўчада ҳам, ишда ҳам таъсир этади. Ядро полигонида тайёрланган қурол фақат муайян ҳудудни вайрон қилади. Аммо мафкура полигонидан тарқаладиган, сиртдан безарар бўлиб туюладиган турли ахборотлар, фильмлар, бадиий асарлар, ўйинчоқлар, кундалик эҳтиёж моллари эса, аввало, **инсонларининг нозик ҳис-туйғуларига** таъсир этиб, уларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилгандир. Масалан, "диний адабиёт" ниқоби остида хориждан олиб келинаётган айрим китобларда динга сиёсий тус берилади, жиҳод ҳақида нотўғри маълумотлар баён қилинади ва оқибатда, диннинг моҳиятини билмаган ёшлар бундай тарғиботларга ишониб, нотўғри йўлга кириб кетиши мумкин. Ёки беҳаёликни, ваҳшийлик ва зўравонликни тарғиб этадиган фильмлар ҳам баъзи мафкуравий полигонлардан тарқатилаётган зарарли таъсирлардир. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасида иккита кучнинг ўзаро кураши аниқ кўзга ташланмоқда, бунинг биринчиси халқларни тараққиёт сари етаклаётган илғор мафкура, иккинчиси эса уларнинг йўлида ғов бўлишга уринаётган зарарли ва бузғунчи мафкуралардир.

Эркин ва фаровон хаёт асосларини яратиб, янада олға интилаётган илғор мамлакатлар ўз мафкураларини умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойиллар негизида ривожлантирмоқда. Чунки бундай мафкура инсоннинг ўз салоҳиятини эркин намоён этиши учун имкон беради. Жумладан,

Ватанимизнинг бутун куч-қудрати, яратувчилик истеъдоди юртимизни янада равнақ топтириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, шу муборак заминда яшаётган барча инсонлар учун фаровон ҳаёт пойдеворини яратишга қаратилган. Шу билан бирга, бугунги тажовузкор миллатчилик, шовинизм, неофашизм, иркчилик ва диний экстремизм каби зарарли мафкуралар тараққиётга мослашиб, янги шаклларда бош кўтармоқда. Масалан, қўшни давлат Афғонистон ҳудудида уя қуриб олган диний экстремистик кучлар бунга мисол бўла олади.

Диний экстремизм динни ниқоб қилиб олиб, зўравонлик асосида конституцион тузумга тажовуз қилувчи, уни ўзгартиришга уринувчи жинояткор ҳатти-ҳаракатдир. У бугунги кунда кўплаб минтақа ва мамлакатларда учраб турибди. Ҳозирги даврда мафкуравий жараёнлар ўзига хос қатор хусусиятлар касб этмоқда. Бунда мафкуравий жараёнларнинг, бир томонидан, демократиялашуви, инсонпарварлашуви, яъни фикрлар хилма-хиллиги ва ранг-баранг сиёсий кучларнинг толерантлиги намоён бўлмоқда. Иккинчи томондан мафкуравий жараёнлар сиёсийлашиш, инсон ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига умумий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлмоқда. Учинчидан, мафкуравий жараёнларнинг миллий давлатлар ўртасида қолиб кетмаслик, глобаллашув, интеграллашув ва дифференциаллашув каби хусусиятлари кўзга ташланмоқда. Бугунги куннинг мафкуравий манзарасига ижтимоий жараёнларнинг глобаллашуви ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда.. Бу ҳол ахборот тарқатиш тизимининг, жумладан, интернет тармоғининг бутун ер юзини қамраб олиши билан ҳам боғлиқдир. Эндиликда дунёнинг бир бурчагида қандайдир янгилик пайдо бўлса, у дарҳол мафкуравий мақсадларга бўйсундирилган ҳолда, бутун жаҳонга тарқалади.

Масалан, дунёнинг бирон-бир минтақасида техник сабаб ёки табиат ҳодисалари натижасида бахтсизлик содир бўлса, бир мафкуравий марказ ўзига душман бўлган бошқа марказни айблашга тушади. Яъни "бу фожиада фалон марказнинг қўли бор", деб бутун дунёга жар солади. Бу жараёнда қайси марказнинг ахборот тарқатиш имконияти кўп бўлса, одамларга нима таъсир этишини, улар нимага муҳтож эканини ким олдиндан яхшироқ билса, дастлаб ўша куч уларнинг қалби ва онгига ўз нуқтаи назарини сингдиради ва ахборот жангида енгиб чиқади.

Шунинг учун бугунги кунда дунёдаги турли куч ва марказлар ўртасида ахборот жанги етакчи ўринга чиқмоқда. Аслида турли мафкуралар баъзи одамларнинг соддалигидан фойдаланиб, мана шундай курашлар орқали сиёсий мақсадларни кўзлайди, яъни жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринади. Масалан, ваххобийлар собиқ иттифоқ ҳудудидаги мусулмон халқларнинг мустабид тузум даврида анча вақт диний маърифатдан узилиб қолганидан фойдаланиб, динни ўргатиш баҳонасида ўзларининг зарарли ғояларини одамларнинг қалди ва онгига сингдирмоқчи бўлди. Бу ҳол бизнинг минтақамизда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам кўзга ташланди. Лекин ўзининг қадимий анъаналарига, мумтоз қадриятларига аждодларининг бой мероси ва маънавиятига эга бўлган халқимиз бундай "даъват"ларга учмади,

миллий ва умумбашарий қадриятлар, мустақил тараққиётимиз тажрибалари ва бугунги цивилизация ютуқлари асосида ўз мафкурасини ишлаб чиқишга киришди.

Бундай хавф-хатарга қарши туриш учун халқимизда, аввало, ёш авлод қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш тақозо этилади.

**“Мафкуравий иммунитет”** тушунчасини биринчи бор Президентимиз Ислом Каримов ишлатган ва унинг моҳиятини қуйидагича тушунтириб берган: **“Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг иммунитетини кучайтиришимиз зарур.”**

Соғлом иммунитетга эга бўлмаган одам соғлом эътиқод ва дунёқарашдан ҳам маҳрум бўлади. Бундай кишилар яхши билан ёмоннинг, эзгулик билан жаҳолатнинг фаркига бормайди. Улар учун халқ ва Ватан манфаатлари бегона. Соғлом иммунитетли одам ёмон ишлардан тияди, ноҳақлик ва зулмга қарши қалбида норози бўлиб, ўз нафратини билдиради. Бинобарин, ёмонликка қарши нафрат, яхшиликка нисбатан муҳаббат ва хайриҳоҳлик соғлом иммунитетнинг асосий белгиларидандир. Мафкуравий иммунитетнинг асосий хусусиятлари огоҳлик, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан кураша олиш кўникмаларидир. Бу тамойилларни Президентимиз асослаб берган.

**Саволлар:**

1.Сизнинг фикрингизча ушбу мақолада муаллиф қандай муаммони кўтариб чиққан?

2.Мақолада муаммони тасдиқловчи қандай далиллар мавжуд?

3.Вазиятдаги бепарволик, лоқайдлик туфайли вужудга келган салбий иллатларни ажратиб олинг ҳамда ушбу муаммонинг келиб чиқиш сабаби нимада деб уйлайсиз?

4.Муаллиф ўз мақоласида муаммони олдини олдиш йўлларини қандай баён этган?

5.Сизнинг фикрингизча ушбу муаммони қандай ечиш мумкин?

## III.Амалий вазиятни босқичма-босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик кўрсатмалар

### Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси

1.Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2.Биринчи саволга жавоб беринг.

3.Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қуйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг:

“Д” ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар,

**"С"** ҳарфи – муаммо сабабларини,

**"О.О.Й."** ҳарфлари – муаммони олдини олиш йўллари.

4.Ушбу белгилар 2,3,4 саволларга ечим топишга ёрдам беради.

5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

**Гуруҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома**

1.Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.

2. Гуруҳ сардорини танланг.

3.Ватман қоғозларда қуйидаги жадвални чизинг

**Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали**

| Муаммони тасдиқловчи далиллари | Муаммони келиб чиқиш сабаблари | Муаллиф томонидан таклиф қилинган ечим | Гуруҳ ечими |
|---|---|---|---|
| | | | |

8. Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг.

**Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| Ўқувчилар рўйхати | Асосий муаммоажратиб олиниб, тадқиқот объекти аниқланган макс. 6 б | Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 б | Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган макс. 10 б | Жами макс.20 б |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

**Аудиторияда бажарилган иш учунбаҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

| Гурухлар рўйхати | Гуруҳ фаол макс. 1 б | Маълумотлар кўргазмали тақдим этилди макс.4 б | Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс.5 б | Жами макс.10 б |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

8-10 балл –"аъло", 6- 8 балл – "яхши", 4- 6 балл – "қониқарли" , 0 -4 балл – "қониқарсиз"

## III.Ўқитувчи томонидан кейс-стадини ечиш ва таҳлил қилиш варианти

***Кейс-стадидаги асосий муаммо***

Дунё мафкуралари ўртасида бўлаётган ахборот жанги вамафкуравий иммунитетни кучайтириш – ёшлар онгини зарарли ғоялардан ҳимоя қилиш омили.

***Муаммони тасдиқловчи далиллар***

Дунё мафкуралари ўртасида бўлаётган ахборот жанги:

1. Нима учун тажовузкор ғоя ва мафкуралар инсон қалби ва онги забт этишга уринади?

2. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви.

3. Зарарли мафкураларнинг янги шакллари. Терроризм.

***Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари:*** Муайян ғоя том маънода ғоя бўлиши учун кишилар онгини эгаллаши, қалбидан жой олиши шарт. Акс ҳолда у ёки бу ғоя фақат муайян хабар ёки ахборот сифатида сақланиб қолади холос. Бутун Ер юзи одамзот учун ягона макон эканлигини биламиз.Тарихда мавжуд чегараларни ўзгартириш, муайян ҳудудларни босиб олиш учун сон-саноксиз урушлар бўлгани маълум. Бу жараёнда эса уруш қуроллари мунтазам равишда такомиллашиб борган. Бугунги кунда улар бошқа ҳудудни босиб олиш у ёқда турсин, балки бутун Ер сайёрасидаги ҳаётни бир неча марта йўқ қилиб ташлашга етади. Бу эса шундан далолат берадики, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисмоний жиҳатдан қириб ташлаш, ёки асир қилиб олиш шарт эмас. Тажовузкор ғоя ва мафкура билан қалби ва онги забт этилган халқ шусиз ҳам ёв қўлига таслим бўлади. Онги ва шуури эгалланган, қараш ва кайфиятлари "маъкул" йўналишга ўзгартирилган аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин бўлиб қолмоқда. Шунинг учун бугунги кунда инсон онги ва қалбини эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

***Муаллиф ўз мақоласида муаммони олдини олдиш қуйидаги йўлларини кўрсатиб берган:*** Ёшлар қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш - зарарли ғояларга қарши курашнинг биринчи омили. Уни шакллантиришнинг асосий усули кучли тафаккур ва мустаҳкам эътиқодни тарбиялашдан иборат. Тарихий онг инсонда жамиятда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга нисбатан мустақил фикрни шакллантиради. У хар кандай жараёнларга акл кучи, мантиқий тахлил оркали баҳо берадиган бўлади. Юртбошимиз айтганларидек: "Ким бўлишидан катъий назар , жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоклари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди".

***Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари***

"Миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сакланиб қолиши муқаррар", деб ёзади Президентимиз. Шундай экан вояга етаётган ҳар бир фарзандимиз юрагида она Ватанга, бой тарихий меросимизга ҳурмат ҳисларини уйғотиш зарур. Президентимиз ибораси билан айтганда мафкуравий иммунитетини кучайтириш лозим. Жамиятда мафкуравий иммунитет ҳосил килиш учун уни, аввало, тараққиёт қонунларини ўзида чуқур акс эттирган соғлом, инсонпарвар мафкура билан қуроллантириш зарур.

**Якуний хулоса**

Мафкуравий жараёнларнинг умумбашарий ва минтақавий кўринишлари мураккаб тус олаётган бугунги кунда, аввало, Марказий Осиёда тинчлик ва баркарорликни таъминлаш, хусусан Марказий Осиё давлатлари ўртасида

ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорлик миқёсларини кенгайтириш, жамоатчиликнинг хушёрлигини ошириш, террорчиликка қарши курашда ягона Марказ ташкил этиш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи бўлган ҳудудни яратиш, минтақа мамлакаталри ўртасидаги ҳамкорлик ва дўст-биродарлик жараёнларини кучайтириш. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётини асраб-авайлаш, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч-эътиқодни мустаҳкамлаш, бу йўлда хавф-хатарнинг олдини олиш учун муттасил огоҳ бўлиб яшаш.

## V. Кейс-стади ўқитиш технологияси

Ўқув машғулотининг технологияси модели

| | |
|---|---|
| *Мавзу* | Мафкуравий жараёнларнинг умумбашарий ва минтақавий кўринишлари |
| *Ўқувчилар сони: 21* | *2 соат* |
| *Ўқув машғулоти шакли* | Билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган амалий машғулот |
| *Мавзу режаси* | 1.Кейс-стади мазмунига кириш.<br>2. Ўқувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида "Блиц - сўров" ўтказиш.<br>3. Кейс-стади мазмуни билан танишиш ва якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.<br>4. "Кейс-стади"ни гуруҳларда ечиш.<br>5. Натижалар тақдимоти ва муҳокамасини ўтказиш.<br>6. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув натижаларига кўра ўқувчилар фаолиятини баҳолаш |
| *Машғулотнинг мақсади:* Мафкуравий жараёнларнинг умумбашарий ва минтақавий кўринишлари ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш, муаммоли амалий вазиятларни таҳлил этиш ва ҳал қилиш малакаларини шакллантириш | |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолияти натижалари:.* |
| • кейс-стади мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади;<br><br>• "Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш" муаммосига оид вазият билан таништиради;<br><br>• муаммони ажратиб олишга ўргатади, таққослашга, таҳлил қилишга умумлаштиришга кўмак | • кейс-стади мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради;<br>• "Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш" муаммосини ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетма – кетлигини аниқлайди;<br>• муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; |

| | |
|---|---|
| беради;<br>• муаммони ҳал этиш бўйича аниқ ҳаракатлар кетма-кетлигини тушунтириб беради;<br>• муаммоли вазифаларни ечишга шарт-шароит яратади, мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради | • муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади;<br>• якуний мантиқий хулосалар чиқаради. |
| *Ўқитиш методлари* | Кейс-стади, ақлий ҳужум, инсерт, мунозара, амалий усул |
| *Ўқитиш воситалари* | Ўқув материали, ўқувчига услубий кўрсатмалар, тақдимот, флипчарт |
| *Ўқитиш шакллари* | Индивидуал, фронтал, жамоа, гуруҳларда ишлаш |
| *Ўқитиш шарт-шароитлари* | Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган, аудитория |
| *Қайтар алоқа усул ва воситалари* | Блиц-сўров, тақдимот, кузатув |

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси

| *Иш жараёнлари вақти* | *Фаолиятнинг мазмуни* | |
|---|---|---|
| | *ўқитувчи* | *ўқувчи* |
| I - босқич. Мавзуга кириш (10 дақиқа) | ***Ташкилий бошланиш.***<br>1.1.Ўқувчилар давомати ва дарсга тайёргарлигини текширади.<br>***Кейс-стадига кириш.***<br>1.2.Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва аҳамиятига тўхталиб ўтади.<br>1.3. Семинарда ишлаш тартиби ва баҳолаш мезонлари билан таништиради (1-илова). | Тинглайдилар<br><br>Танишадилар<br>Ёзиб оладилар. |
| II - босқич. Асосий (60 дақиқа) | ***Ўқувчилар билимини фаоллаштириш.***<br>2.8. Мавзу бўйича таълим олувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц-сўров ўтказади (1-илова).<br>***Кейс-стади мазмуни билан танишиш ва якка тартибда ишлашни ташкил қилиш.***<br>2.9. Кейс-стади мазмуни билан танишиб чиқиш учун ўқувчиларга материалларни тарқатиб чиқади. Уларга кейс-стади материалларини тарқатади.<br>2.10. Кейсни ечишда "Кейс-стади" вазифаси ва унинг жамият тараққиёти ривожланишига асос бўлувчи маънавий баркамол авлодни | Муҳокама қиладилар<br><br>Вазиятни мустақил равишда таҳлил қиладилар |

| | | |
|---|---|---|
| | тарбиялашдаги ўрнини аниклаш ва кейс вазиятни мустақил тахлил қилиш учун йўрикнома беради.<br>2.11.Кейс-стадида бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс-стади билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади.<br>2.12.Мустақил равишда вазиятни индивидуал таҳлил қилишни таклиф қилади.<br>***Кейс-стадини жамоавий тарзда ечиш.***<br>2.6. Ўқувчиларни 3 ёки 4 та кичик гурухларга ажратади. Кейс билан индивидуал тарзда ишлаш натижаларини мини гуруҳларда мухокамасини ташкил қилади.<br>2.13.Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб, вазиятни кичик гуруҳларда жамоавий "Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали" усулидан фойдаланилган ҳолда ечишни таклиф қилади.<br>2.8. Кичик гуруҳларда кейс-стади билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради. Гуруҳларга топшириқни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади.<br>2.9. Ҳар бир гуруҳ топшириқларни ватман-қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтка-зишда ёрдам беради, изоҳ беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилиши қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди.<br>2.10. Ўқувчиларнинг тақдимотда кўрсатилган фикрларини умумлаштиради | Гурухларга ажралади, ёзиб оладилар, топшириқлар устида ишлайдилар Фаол қатнашадилар Жамоа бўлиб бажарилган ишнинг тақ-димотини ўтказади-лар, бахс-мунозара юритадилар, қўшимчалар қиладилар, баҳолайдилар, хулоса чиқарадилар Тинглайдилар. Гурухларда берилган топшириқни бажарадилар. Тақдимотини ўтказадилар. Мавзу бўйича якуний хулоса чиқарадилар<br><br>Тинглайдилар |
| III - босқич. Якуний (10 дақиқа) | ***Якуний умумий хулоса.***<br>3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол ўқувчиларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради<br>3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изох беради. Яна бир бор "Кейс-стади"нинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтади | Эшитади.<br><br>Аниклайди Тинглайдилар |

**Ганиева Муборак Адиловна,**
ТДИУ "Фалсафа" кафедраси катта ўқитувчиси,
педагогика фанлари номзоди,

**Файзуллаева Дилфуза Миракбаровна,**
ТДИУ "Иқтисодий педагогика" кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди.

# КЕЙС-СТАДИ ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЎПЛАМИ

Босишга рухсат этилди. 30.08.2013.
Бичими 60x90 1/16 Офсет босма.Таймс гарнитураси.
Шартли босма табоғи 5,8. Адади 100 нусха.
Баҳоси шартнома асосида.

---

ТДИУ босмахонаси,
100003, Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 49- уй